

ҲАМИД ҒУЛОМ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2007

83 (5У)6
Б 29

Тўплаб, нашрга тайёрловчи
Шерзод Фуломов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Ҳамид Фулом замондошлари хотирасида/ Тўплаб, нашрга тайёрловчи Ш.Фуломов. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. — 160 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ҳамид Фулом сермазмун, юксак гоёвий мавзудаги романлари, шеър ва дostonлари, публицистик асарлари, таржималари ҳамда ўзига хос, турфа инсоний фазилатлари билан ижод аҳли жамоаси, сон-саноқсиз китобхонлар ардоғида эди. У миллий адабиётимиз равнақи йўлида, китоб олами яхши асарлар билан тобора бойиб бориши йўлида куч-ғайратию қобилиятини аямади.

Ушбу китобда Ҳамид Фуломнинг устозлари, дўсту биродарлари ва шогирдларининг адиб ҳақидаги дил сўзлари битилган.

ББК 83(5У) 6

Т 4702620204-38 2007
М 352 (04) —2007

ISBN 978-9943-03-040-4

© **Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2007 й.**

Ғафур Ғулум,
Ўзбекистон халқ шоири

АЗИЗИМ УКАМ МУЛЛО АБДУЛҲАМИДГА

Тонг отар мактубинг олдим, ўйлатиб қўйдинг мени,
Жон рубобин черта-черта куйлатиб қўйдинг мени.

Юз мақомлар ичра Мулла Тўйчининг авжи каби
Қартайиб қолган чоғим тўй-тўйлатиб қўйдинг мени.

Эслатиб қўйдинг паришон ёшлигим савдосини,
Ёр унутган рўмолга бўйлатиб қўйдинг мени.

Мен яна минглаб қалам чайнаб, чаман кезсам керак,
Неки қилдинг ўз-ўзимла сўйлатиб қўйдинг мени.

Кўнгил овлаш умрлар касбим эди Мирзо Ғафур,
Яхши дилжўлик билан дилжўйлатиб қўйдинг мени.

26 июль 1956 йил

Иним ҲАМИДЖОНга

Муҳтарам ҲАМИД УБАЙДУЛЛАЕВИЧ!

Куни-кеча матбуотда қўққисдан мудҳиш зиёни-азимга дучор бўлганингизни — қалбингиз мадори, шодлик гулшанингиз, азиз хонадонингиз ҳазорони ва айни замонда илҳом булоғингиз, янги жамиятимизнинг фаол аъзоси **ФАРҲОД-ЖОН**нинг дунё маърифатхонасини тарк этганини ўқиб, қайғу қалъасига қамалиб қолдим. Бу ҳодисайи даҳшатомиз биргина мени эмас, балки бемористондаги барча мухлисларингизнинг ҳам қалбларини боғлади. Мен бўлсам беихтиёр:

«Сунбуллар парешон,
Гуллар қон йиғлар»,

деган парчасини ўқидим-да, лол бўлиб қолдим.

Халқ учун барча шуурли ҳаётини бағишлаб турган бир олимнинг ёки янги жамият қуришга ҳиммат камарини боғлаган бир навқироннинг ҳаёт билан видолашиши каби аламли ҳодисанинг тасаввуридан оғир бир нарса йўқ. Хусусан, ҳаёт гулшанидан бир гунча узмаган Фарҳоджон «хирад боғининг озодаси» эди. Энди сиз матлаъининг:

«Ваҳки, даврон зулмидин хотир муқаррардир банга,
Ҳодиси айёмдан тун-кун муқаддардир банга»,

мисрасини дархотир этиб, андуҳ қулзимига мустағрақ бўласиз. Лекин, толеимиз ёр бўлмагач, нима қилаоламизки, коинотнинг ижодкори — табиат шундай бўлса?

Ягона чора Сизга ва оилангизга сабри жамил ила дўстлашишдир.

Бу улуг-оғир мусибатингизга ҳамнафас *Лазиз Азиззода*.

6. VI. 76.

Абдулла Орипов,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ҲАМИД ФУЛОМ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

Ўтган асрда ҳеч кимга осон бўлмади. Айниқса, элим, юртим деган ижодкорларга қийин бўлди. Улар отилдилар, сургун қилиндилар.

Лекин она тилимизнинг жилолари билиниб турган ўнлаб романлар, дostonлар ёзиб қолдирдилар.

Биз бугун ҳаётни тарк этган, ўз идеалларига болаларча ишонган адиблар ҳақида ўйлаймиз. Бу адиблар орасида Ҳамид Фуломнинг алоҳида ўрни бор.

У – шоир, публицист, жамоат арбоби, катта ношир эди. У даврда кимки қалбини очиб сўзласа, сен каттакон жамият қолиб, ўзинг ҳақингда сўйлаётган индивидуалистсан, деган тамғаларни олиши ҳеч гап эмас эди. Она деганда ҳам, муҳаббат деганда ҳам, табиат деганда ҳам ана шунақа талаблар бор эди.

Лекин... бу адибларимизнинг ижодида ўқтин-ўқтин тарихнинг муайян аниқ нуқталари акс этди. Ҳамид Фуломнинг ёши улғайган пайтда ёшларга қарата айтган шеърларидан бир байти бизнинг хотирамизда қолган:

Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...

Бу – шоирнинг изтироби. Ёши улғайган инсоннинг изтироби бу!

Ҳамид Фулом ниҳоятда иродали инсон эди. Қийинчиликлар, турли тўғонлар у кишининг иродасини буколган эмас. Бир дақиқа бўлсаям меҳнатдан тўхтамаган Ҳамид Фулом. Йирик-йирик романлар, дostonлар ёзган.

Айни вақтда, драматург сифатида ҳам фаол ижод қилган. Унинг “Тошболта ошиқ” драмасида халқимизнинг феъл-атвори, ўзбек оиласининг ўзига хос қувноқ ҳангомалари акс этганки, у энди адабиётимиз, маданиятимиз, санъатимизнинг мулкига айланди.

Ҳамид Фулом Ўзбекистонга ташриф буюрган ўнлаб, юзлаб адиблар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўзбек адабиётининг чет тилларга таржима қилинишида жонбозлик кўрсатди ва жаҳоннинг машҳур адиблари асарларининг ўзбек тилига таржима қилинишида ташкилотчи бўлди.

Ҳозирги ўзбек адибларининг истаганидан сўраб кўришингиз мумкин, ношир сифатида Ҳамид Фулом уларга қўлидан келганча ёрдам берган.

Бу эса — катта фазилат. Афсуски, шундай шахсларни ҳам биламизки, улар ариқдаги сувни ҳам бировга раво кўрмайди.

Йирик шахслар эса дарёларга ўхшайди. Ундан ҳамма баҳраманд бўлади, шогирдлари ҳам. Бундай шахсларни биз бағри кенг инсонлар, деймиз.

Муҳтарам Президентимиз Истиқлолни эълон қилган кунлардан бошлаб Ҳамид Фулом мустақилликни жон-дили билан кутиб олди. Қандайдир юзакичилик билан эмас. Ҳолбуки, умрининг катта қисми, ёшлик, оловлик йиллари бошқа мафкура дарёлари, тўқайзорлари ичида қолган бир инсон эди у. Ўзида яна катта ирода топди ва майда гапларни йиғиштириб ижод қилайлик, қабилида фикр юритган оқсоқол шахсга айланди.

Ҳамид Фулом бир муддат Ёзувчилар уюшмасининг котиби ҳамда “Шарқ юлдузи” журналининг муҳаррири бўлиб ишладилар. У киши кейинги йилларда ҳам уюшмадан қадамларини узган эмаслар. Бирон масала ёки асарни муҳокама қилсак, албатта, келиб фаол иштирок этардилар, жуда самимий сўзлари, доно, ўқтам, мутойибалик маърузалари билан маслаҳат берардилар. Бу инсон шеърятни ниҳоятда тегран англайдиган шоир эди. Ҳамид ака Ўзбекистон радиосида диктор бўлиб ишлаганларида юзлаб шеърларни қироат билан ўқиганлар.

Мен кечагидек эслайман. Ойбек домланинг тўйлари бўлди. Устоз тилсиз қолгандилар. Ҳамид Фулом Ойбек домланинг халқига мурожаатини, Ватанига миннатдорчилигини, миллатига муҳаббатини, изҳори дилини ажойиб жарангдор овоз билан ўқиб бердилар. Ойбек домла ўзларини тутолмай йиғлагандай бўлдилар.

Залда ўтирганларнинг ҳам, бизларнинг ҳам кўзларимизга ёш келди.

Демоқчиманки, Ҳамид ака давраларни ҳам, адабий жараённи ҳам ўз атрофларида бирлаштира оладиган қобилият-

га эга, жозибали бир шахс эди. У киши бир дақиқа ҳам қаламини четга қўйган эмаслар. “Вафонинг узун йўли” деб ёзилган хотира-эссе китоблари умр йўлдошлари Манзура аяга бағишланган. Биз аямизга узоқ умр тилаймиз.

Албатта, бу хонадонда йўқотишлар бўлди. Ўғилларидан айрилиб қолган вақтларида бизлар ёнларида бўлдик. Ўша вақтда ёзилган шеърлари бор:

Барглари тўкилган чинорман сенсиз...

Дардли сатрлар. Демокчиманки, баъзан шеърятни теран тушунишнинг ўзи ҳам буюк бир фазилатдир. Мен Ҳамид Фулом билан олдинига ота-боладай, кейин ака-укадай бўлдик.

Ўрни келганда айтиб ўтайин. Баъзи адиблар бор. Машина жўнатиб, тўрт кишини ўртага солиб таклиф қилмасангиз, бир жойга келмайди. Ижодкорлар орасида учрайди бунақалар. Лекин Ҳамид Фулом унақа одам эмас эдилар. Менга қандай хизмат бор, деб турардилар шундай улуғ ёшлари билан ҳам...

Уюшмага кириб келиб эшикни очарканман, Ҳамид аканинг табассум тўла чеҳраларини кўргандай бўламан, ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди қиёфалари.

Бу зотдан яхши хотиралар қолди. Фарзандлари Алишер, Шерзод халқнинг хизматида.

Мен, ёшларга, айниқса адабиётга кириб келаётган укаларимга айтган бўлардимки, ижоддан ибрат олиш катта гап. Лекин, айни чоғда, инсоний ибратлар ҳам борки, у бетакрордир. Яъни Ҳамид Фуломдан мардликни, мардонаворликни, ўз сўзида туришни, тўғри сўзликни, дўстга, Ватанга, элга, миллатга садоқатни ўрганиш керак доимо. Ўзбекнинг шундай мард ўғлони эди бу киши!

Ёзганларимизни энди китобхон ҳамда вақт синондан ўтказди.

Яна бир хислат... Ҳамид Фулом набиралари тенги болалар билан ҳам тенгма-тенг гаплашарди. Ҳамид ака айниқса кўчада кетаётсалар, ёш болага ҳам салом берардилар, дейишарди. Бемор дўстлари бўлса, албатта хабар олардилар. Шеър ёзса, уни мақтаб, қўллаб-қувватлардилар.

Биз инсонларнинг ҳаётига назар ташлаганимизда йирик-йирик сифатларига қарашимиз керак. Бундай йирик сифатлар, фазилатлар Ҳамид Фуломнинг шахсиятида, ҳаёт йўлида кўплаб учрайди.

Саид Аҳмад,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ҚАЛБЛАРНИ СЕҲРЛАГАН ШОИР

Куз фаслида Наманган вилоятида ўтадиган “Ҳосил байрами”га чиққанимизни кўп бор эслайман. Бунинг боиси нимада эканлигини, азиз ўқувчи, қуйидаги ҳикоядан билиб оласиз, деган умиддаман.

Таниқли ёзувчи Ўлмас Умарбеков Ўзбекистон Бош вазирининг маданий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган кезлар эди. Унинг бошчилигида бир гуруҳ фан ва маданият арбоблари, ёзувчилар, санъаткорлар жам бўлиб “Тайота” микроавтобусида йўлга чиққанмиз. Севимли шоиримиз Ҳамид Фуломнинг сафарга бирга чиқиши ҳаммамизни мамнун этди. Негаки, Ҳамид Фулом ёзувчи бўлиши билан бирга, эл орасида ширали овози билан танилган, суҳбатдошини бутун борлиғи билан тинглай оладиган самимий, дилкаш, очиққўнгил инсон эди.

Тошкентдан йўлга чиққанимизда офтоб чарақлаб турган эди. Енгил кийиниб олганмиз. То етиб боргунимизча Наманганда ҳаво айниб, шамол эсаётган экан. Совуқ шу даражада эдики, бирон пана жойга яширинмаса, чидаб бўлмас эди. Беш-олтита брезент палата ўрнатилди, гулхан ёқирилиб, исиндик. Ўлмаснинг бунақа совуқда ўранмай ташқарида туриши қийин эди. Дадажоновна бошидан жун рўмолини ечиб у билан Ўлмаснинг оғиз-бурун аралаш томоғига ўраб қўйди.

Кенг саҳннинг ҳар ер-ҳар ерида иссиқ кийиниб олган кишилар гулхан ёнида маза қилиб чақчақлашиб ўтиришарди.

Шодиёнага аталган минбар ҳам қизиқ бўлди. Юк машинининг кузовига “Минбар” ўрнатилди. “Ҳосил байрами” иштирокчиларига табрикни Ўлмас ўқиб берди. Шундан сўнг ўйин-кулги бошланиб кетди. Таниқли санъаткорларнинг қўшиқлари раққосаларнинг хиромларига уланиб олқишлаб турилди.

Бу байрам томошаларини бошқариш “рули” шоир Ҳабиб Саъдуллага топширилган эди. Биламан: у бунақа ишларни

ўрнига қўярди. Тошкентда ўтадиган тўйларимизда Ҳабиб дав-
рага файз киритганининг кўп бор шоҳиди бўлганман.

...Бундан 30–40 йиллар олдин Андижонда яхши обрў би-
лан ишлаётган, асли Чуст шаҳридан бўлган Дадажон Соҳибий
Ҳамид Фуломни меҳмонга чақиради. Ўша куни унинг оиласида
қувончли воқеа нишонланаётган экан. Хурсандчиликнинг бои-
си, оилада янги фарзанд дунёга келганлигида экан. Зиёфат со-
ҳиби Ҳамид акадан чақалоққа, меҳрибон муштипар онасига
илк табассумини ҳадя этишга улгурган фарзандига чиройли
исм қўйиб беришни сўрайди. Шоир кўп ўйлаб ўтирмай, оти
Дилшода бўлсин, дейди. Шундай қилиб, Ҳамид Фулом Дил-
шоданинг вакил отаси, яъни маънавий отаси бўлиб қолади.

Ҳабиб “Ҳосил байрами”да: “Ҳозир сўз вилоят ижроқў-
ми раисининг ўринбосари Дилшода Соҳибовна Дадажон-
ванинг вакил отаси, машҳур шоир Ҳамид Фуломга”, деб
эълон қилди.

Эрталабдан бери гулхан атрофида байрам шодиёналари-
ни ўтказётганлар бирдан жимиб қолишди.

Ҳамид Фулом 70 ёшдан ошиб кетган бўлишига қарамай,
қадди тик, гапга чечан, тингловчиларни гап билан “сеҳр-
лаб” қўядиган уста нотик.

Шоир минбарга чиқиб, одамларга самимий салом айтиб,
сўзини бошлади:

– Мен дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатини кўрган шоир-
ман. Бу билан мақтанмоқчи эмасман. Зеро, ижодкор кўпни
кўриши, кўпни билиши шарт. Ёзувчилар, машҳур рассом-
лар, бастакорлар билан дўстлашдим, давлат арбоблари би-
лан учрашдим. Мен хориж юртларида жонажон Ўзбекисто-
нимиз ҳақида, унинг самимий ва очиққўнгил халқи ҳақида
сўзлаб, дўстона борди-келдиларни ривожлантириш зарурли-
гини таъкидлаганман. Шундай кезде Ўзбекистон деб атал-
ган жаннатмакон юртда туғилганим билан фахрланиб, шу
юрт бағрида вояга етганимга ич-ичимдан шукроналар айт-
дим. Намангандек гўзал шаҳар ҳуснига ҳусни вобаста Дил-
шодажон қизимнинг меҳри мени бу галги узоқ сафардан олиб
қолди. Биз Дадажон Соҳибий билан қизимизни гўзал хулқ,
одоб билан тарбиялашга алоҳида эътибор бердик. Энг муҳи-
ми, юртига, халқига хизмат қилиш руҳида тарбияладик.

Муҳтарам наманганлик жигарларим, сўзимни шеър би-
лан якунламоқчиман:

Кимки Ўзбекистон деса, тилда бол,
Кўксини тоғ қадар кўтарар иқбол.
Минг фазилат берган Аллоҳ инсонга
Ҳам оддий фуқаро ва ҳам султонга...

Бу воқеадан маълум бўладики, Ҳамид Фулом қаерда, қачон бўлмасин, ҳамиша халқини ҳурматлаган, у ҳақда гўзал таърифлар айтган. Қадрият ва маънавиятнинг боқий, чуқур илдизларидан бохабар бўлган Ҳамид Фулом удумларни ҳам яхши билган. У қалбларни ўзининг самимий сўзи ва эзгу ниятлари билан сеҳрлаган ажойиб шоир эди.



Биродарим ва дўстим, каттакон шоир Ҳамид Фулом! Сенга алангали салому эҳтиромимни йўллайман. Сиҳат-саломатлигинг қандай? Доимо оила аъзоларинг билан эсон-омон бўлишингни, ижодий ишларингда катта ютуқларга эришингни тилайман. Мен баъзи шеърларингни арабчага таржима қилиш билан банд бўлдим. Бу таржималар яқинда нашр этиладиган янги девонимга киритилди.

Ҳамон ўзбек шеърларини араб тилига таржима қилиш борасида таклифнинг зиёсида нафсим ва ақлимга тасалли бериб юрибман. Уни тўла-тўқис бажаришига тайёрман. Бундан кўнглинг тўқ бўлса бўлади.

Биродарим Ҳамид Фулом!

Тошкентда ўтказган кунларим хотирамдан сира ўчмайди. Ҳамон энг яхши эсдаликлар, гўзал ва ширин улфатчилик билан ўтган фурсатлар қаторига киради.

То кўришгунча менинг салом ва шукроналарим бўлсин сизларга, яхшилик билан кўришайлик.

Абдурахмон ал-Хомисий

Бағдод, 20/IV-1974

Эркин Воҳидов,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЮЛДУЗИ ЁРУФ ИНСОН

Буюк адиблар — Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳорлар мансуб бўлган авлодга издош бўлиб адабиётга кириб келган, йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида ижодий камолот топган ёзувчи-шоирлар сафида Ҳамид Фуломнинг алоҳида ўрни бор. Улкан истеъдод соҳиби ва йирик шахс бўлган адибнинг фаолият доираси бениҳоя кенг бўлган. Романлар, шеъру дostonлар, публицистик асарлар муаллифи бўлган Ҳамид Фулом ўз даври адабий ҳаракатининг йирик ташкилотчиларидан, таниқли жамоат арбобларидан бири эди.

Ёзувчилар уюшмасидаги раҳбарлик фаолияти, газета-журналлардаги муҳаррирлик меҳнати, Осиё—Африка ёзувчилари бирдамлик ҳаракатидаги ташкилотчилик иши баробарида замонавий адабиётнинг деярли барча жанрларида ижод қилгани Ҳамид Фуломнинг серқирра истеъдодидан далолатдир. Адибнинг ёзганлари кўп, лекин ёзишга улгурмаган ва кўнгил тубида қолиб кетган асарлари ундан-да кўп деб ўйлайман.

Ҳамид Фулом мансуб бўлган ижодкорлар авлодига осон бўлган эмас. Улар адабиёт майдонига кирганда ҳукмрон тузумнинг ғоявий тазйиқи бениҳоя кучли, қуюшқонлари қаттиқ эди. Адабиётдан инсон қалбининг тебранишлари эмас, ташвиқот қуроли бўлиш талаб этиларди. Ижодкор зиёлиларни репрессия қилишнинг янги тўлқини бошланган эди. Бундай замонда шоир бўлмоқ жони ширинларнинг иши бўлмаган.

Йиллар ўтиб адабий муҳитга эркинликнинг дастлабки эпкинлари етиб келганда Ҳамид Фулом янги замон ёшларига қараб: “Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди”, деган армонли сўзларни битган эди. Бу шеърга камина боғлаган назарада шундай сатрлар бор:

...Ёзилмаган шеърларнинг чўғи
Кул бўлиб тўкилар сочларингизга.

Бу сўзлар матнида арбобликдан ортолмаган шоир ҳақида айтилган фикр бўлса ҳам, шеър нимкосасида қатагон йилларига, гоаявий босимлар замонага ишора бор эди.

Ҳамид Фуломнинг истеъдоди намоён бўлган соҳалардан бири – ноширлик. Ҳамид ака директорлик қилган давр Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг энг гуллаган даври эди. Камдан-кам ижодкорга насиб қиладиган ташкилотчилик ва тадбиркорлик қобилияти билан адиб ижодий жараёнга, адабиёт ривожига катта хизмат қилган эди. Ўша даврда Алишер Навоийнинг кўп томли асарлари, Шарқ ва Фарб мумтоз адабиёти вакиллариининг нодир асарлари, гўзал альбомлар нашр этилди. Эсимда, 1976 йил эди. Нашриёт режасига менинг янги шеърлар тўпламим киритилганди. Ўша замонларда шеърий китоблар нари борса икки босма тобоқ ҳажмида чиқарилар эди. Менинг янги шеърларим бу ҳажмга сизмай қолди. Директорга кирдим, ярим босма тобоқ қўшиб беришни илтимос қилдим. Ҳамид ака сўзимни тинглаб: “Эркинжон, сиз шу кунгача ёзган ҳамма шеърларингизни тўплаб олиб келинг”, – дедилар. Мен ўз қулоғимга ишонгим келмас эди. Олиб келдим. Ўн тўрт тобоқ бўлди. Буйруқномага Ҳамид Фулом қўйган имзо билан қўлёзма босмаҳонага кетди.

Менинг ижодий ҳаётимда сезиларли из қолдирган, аввал йигирма беш минг, сўнг ўттиз беш минг нусхада чоп этилган “Муҳаббат” китобининг дунёга келиши тарихи шундай бўлган.

Ҳамид аканинг бундай валинеъматлик феълидан ёшу кекса кўп қалам соҳиблари баҳраманд бўлганлар.

Бағри кенг инсонлар атрофга нур таратиб яшайдилар. Ҳамид Фулом шундай яшаган ва хотирамизда ҳам юлдузи ҳамиша ёруғдир.



Шухрат, *Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

Муҳтарам ҲАМИД УБАЙДУЛЛАЕВИЧ!

Мен Тошкентдан кетаётганда Сиз шифохонада эдингиз. Уйингизга телефон қилиб, соғлигингизни сўраб хайрлашай десам, трубкани ҳеч ким олмади. Кейин профессор Раҳим-жоновдан (қўшним) сўрасам, «Сиз хавотир олмасдан кетаверинг, домла, у кишининг касали оғир эмас, хотинлари билан шаҳардан ташқаридалар», деди. Мен чиндан ҳам хотиржам бўлиб, «Малеевка»га кетавердим. Лекин кўнглимдан сизни ўтказиб, дуо қилдим. Чунки биз ҳаммамиз бир уйнинг синчларимиз, биттамыз синсак, қолганимизнинг елкамызга оғирлик ортади, дўстим. Кеча суриштирсам, ҳали ҳам ишга чиқмабсиз, хотиним: «Ҳа, ётибдилар, уйларига телефон қилиб, ўғиллари билан гаплашдим, яхши эмишлар. Хизбиддин ака бориб келдилар», деди.

Ҳамид Убайдуллаевич! Мен астойдил ишонаман, сиз яхши бўлиб қолгансиз, фақат узоқ йиллар дам олмаганингиз эвазига дам олишни ҳам қўшиб, ўша ерда ётибсиз. Қўйинг, дўстим, биз дўстларингизни кўп ҳаяжонлантирманг, тезроқ оёққа туриб, «от»дек бўлиб кетинг. Буни мен астойдил истайман. Сиз саломат бўлишингиз керак. Ажойиб меҳнатларингиз ва дўстларингизга қилган ҳиммат-шафқатларингиз эвазига ҳам узоқ яшашингиз ва саломат бўлишингиз керак. Бевақт умри қирқилган отангиз ҳақи учун ҳам узоқ яшашингиз ва саломат бўлишингиз керак. Сизнинг энди ижод чўққисига чиққан пайтингиз. Шунча йиллар мобайнида Манзураҳон билан балоғатга етказган фарзандларингиз энди отаона қадрига етадиган бўлган пайт. Демак, уларнинг роҳатини, ҳурматини кўрадиган пайтингиз.

Азизим! Ортиқча ичингизга дард ютманг. Менга Раҳим-жонов айтган — ўтиб кетади, ҳали серқаймоқ ва мазмундор асарларингизни энди ёзасиз. Илоҳим, шу сўзларимни фаришталар эшитиб турган бўлсин-у, «Омин!» десин. Чунки

сиз узоқ яшашга ҳақлисиз! Чунки Сизнинг кўнглингиз очиқ, кўлингиз тоза, ниятингиз холис. Сиз кишиларга яхшилик ва кўллаб-кўлтиқлаш билан дилларда из қолдирган кишисиз.

Етим катта бўлган кишиларнинг умр ҳисоби Олло таолонинг ўз назарида доим чарақлаб тураркан, уларга раҳм қилиб, дардини енгил, умрини узоқ қилармиш. Сизники худди шундай. Хавотирланмай, кечкурун ёстиққа бош кўйиб, эрталаб ишонч билан ўрнингиздан туринг! Иншоолло, бу дардингиз тушдек ўтиб кетади. Мен борганда ўша кабинетингизга ярашиб ўтирган бўласиз.

Манзураҳонга иссиқ салом.

Сизни ҳамиша ҳурматловчи ва соғлиғингизни кеча-кундуз узоқдан тилаб турган дўстингиз

Шухрат.

18.Ш.81.

P.S.31.Ш.да қайтаман.



Азизим Ҳамид, Сизнинг “Тошболта ошиқ” комедиянгишни ўқиб чиқдим, ўзимча уни Муқимий театрида кўргандек тасаввур қилдим. Менинг назаримда, марказий образ ажойиб чиққан.

К. Симонов

Рамз Бобожон,
Ўзбекистон халқ шоири

АТОҚЛИ АДИБ, БЕБАҲО ИНСОН

“Севги мудом экан, ўйлаб қарасам,
Вафо илҳом экан, ўйлаб қарасам...”

Ҳамид Фулом

Севги илҳом экан, ўйлаб қараса,
Ижод мудом экан, ўйлаб қараса...

Дўстлар даврасида хушчақчақ соқий
Тирик Хайём экан, ўйлаб қараса...

Саҳарҳез қалам деб, қўлга олгани
Сабухий жом экан, ўйлаб қараса...

Қуёшни олқишлаб ўқиса ғазал,
Тонг эмас, шом экан, ўйлаб қараса...

Ишқдан кечай деса, кечолмайди ҳеч,
Режаси хом экан, ўйлаб қараса...

Шон-шуҳрат, дабдаба, бари ўткинчи,
Бари гирром экан, ўйлаб қараса...

Суяк суриб келган бебурд ваъдалар
Сарқит таом экан, ўйлаб қараса...

Ҳаёт китобининг ҳар бир варағи
Қутлуғ калом экан, ўйлаб қараса...

Янги Ўзбекистон, мустақил диёр
Элга инъом экан, ўйлаб қараса...

Олимжондан Ҳамид, Фафурдан Фулом
Табаррук ном экан, ўйлаб қараса...

Саксонни санамай бағрига босган
Ҳамид Фулом экан, ўйлаб қараса...

Эсласам, қарийб етмиш йил муқаддам, 1936 йил, эрта куз фасли... Болалар адабиётига бағишланган Тошкент шаҳар ёзувчилари кенгаши... Ҳайъатда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Сотти Ҳусайн, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва бошқалар. Тенгдошлар даврасида хитой жужунчасидан пешмат кийган, истараси иссиқ, тили ширин, ёқимтой Ҳамид! Ўша йиллари илк шеърлари билан машҳур бўлган шоир Ҳамид Фулом!

Фақат, энди сочларида оқ, манглайида икки-уч ажин — кексалик аломати, етукликдан нишона...

Аммо қалби ҳамон қайноқ, қалами чапдаст! Шундай бўлмаса, ҳозир муҳаббатни ким куйларди, “Вафонинг узун йўли” рисоласини ким ёзарди?

Ўйласам, Ҳамид Фулом ижоди серқирра, сербарака: жумладан, “Машғал”, “Феруза”, “Бинафша атри”, “Мангулик” романлари, “Қитъалар уйғоқ” балладалар туркуми, “Лолакўл”, “Амазонка қўшиғи” дostonлари, “Тошболта ошиқ”, “Муҳаббат навоси” каби музыкали драмалари китобхонлар ва томошабинлар меҳрини қозонганлиги, забардаст очерк ва мақолалари умумхалқ оmmasини бебаҳо меҳнат мўъжизаларини яратишга руҳлантирганлиги бежиз эмас, ҳамон таҳсинга сазовор. Аммо бобоси унга шеър ёзиш тугул, ҳатто ўқишни ҳам раво кўрмаган, билъакс, ҳунар ўрганишни, касб эгаллашни тавсия этган.

Қизиғи шуки, ўзи Саъдий ва Навоий, Бобур ва Машраб ғазалларини севиб ўқиган, ёддан билган. Айни бу ҳолат ҳали ёш Ҳамидга таъсир кўрсатмасдан, унинг қалбидаги сирли туйғуларни уйғотмасдан ўтиб кетолмаган. Ҳатто, ўз маҳалласидаги Форобий номли мактабни тамомлаб, бобосининг маслаҳатига кўра, ўн тўрт ёшида Ўрта Осиё Индустириал институтининг ишчи факультетига кирганда ҳам илҳом париси уни тарк этмаган, ҳамиша ҳамдард, ҳамнафас бўлган:

Ўлкам севинчига пайванд этай
Юрак шеърини.
Оппоқ қоғозларга севиб битай,
Одам меҳрини...

Нақадар содда ва самимий сатрлар!

Ўша йиллари қишнинг узоқ кечаларидан бирида Ҳамиднинг уйидаги танча четида ҳар иккимиз шеър машқ қилиб, тонгни кутганимиз, Асқад билан шахмат ўйнаб, оқшомни тунга улаганимиз, Туроб билан ижодий баҳс ва мунозара оқибатида чарчаб, бошимиз қотган бўлса ҳам, эртаси яна бир-биримизни қидириб қолганимиз каби ҳангомаларнинг яна қайси бирини айтай?.. Ўша йиллари Тошкент Давлат педагогика институти Миллий адабий ҳаракатчиликнинг маркази эди ва бу анъана узоқ давом этди, яъни “Ёш қаламқаш” номли адабий тўғарагимиз мунтазам ишлаб турарди. Кези келганда таниқли шоирларни учрашувга таклиф этардик. Ҳа, шундай... айниқса, Усмон Носир ёшлар ўртасида жуда машҳур эди, пешвоз чиқиб кутиб олардик. Ўша йиллари унинг “Юрак”, “Меҳрим” шеърий тўпламлари қўлмақўл ўтиб ўқиларди, севардик, ардоқлардик. Шундай учрашувлардан бири ўзимиз қазиган “Бешёғоч” кўли ўртасидаги кичик бир оролчада янграган шеърхонлик!

Эласам, ўша оқшом ўқилган шеър тонгга уланган эди, тонг нурларига... Эсимда, кўёшни интиқиб кутганимиз... Лекин, бахтга қарши, бундай ижодий гурунгни худо кўп кўрдими ёки кўз тегдими, билмайман, асал заҳарга айланди, шахсга сифиниш панд берди. Пушкинни, ҳатто Шекспирни ўзбекка танитган Чўлпон, Гоголь кулгисидан миллатни баҳраманд этган Қодирий миллатчиликда айбландилар. Лермонтовдан “Кўмак” ўтинган Усмон Носир қамалди... Ёш авлод бошига бевақт мусибат тоши отилди, начора! Мени сўроққа тутдилар:

– Ҳамид Фулом сенинг уйингга бордимми?

– Борди.

– Усмон Носир шеърларидан ўқидими?

– Йўқ!

– Нега ёлғон гапирасан, ўқиган, халқ душманини ташвиқ қилган.

– Туҳмат, – дедим қатъият билан, – Усмондан эмас, Пушкиндан ўқигани рост!

Бу воқеа шундай бўлган эди: кечқурун Ҳамид бир ошнаси билан бизникига кириб келди, ёз фасли... Ҳовлининг этагига қўйилган чорпояда ўлтириб бир пиёладан чой ичдик, бир ошамдан ош ҳам едик. Менинг ойим, айниқса, дадам: “Шеър ўқиса, Ҳамид ўқисин”, дердилар. Ҳа, яна шундай илтимос бўлди. Мен Пушкиннинг ўзбек тилида нашр

этилган китобини келтириб, унинг қўлига бердим. Бир-икки варақлаб “Боғчасарой фонтани”дан ушбу сатрларни ўқиди:

Қовоқ солиб ўлтирар Гарой,
Лабларида қаҳрабо чилим
Даҳшатли хон атрофида жим
Бош эгиб, тек турарди сарой...

Ҳа, жуда яхши ўқиди, янгратаиб юборди. Аммо у билан бирга келган ошнаси, негадир ёлғон гапириб, Ҳамидни сотганлигидан, мунофиқлик қилганлигидан жуда газабландим, такрор-такрор айтдим: “Ҳамид Пушкин асарини Усмон Носир таржимасида ўқиди-ку, хўш?..”

Барибир бўлмади, не савдолар бошимизга тушди?!

Наҳотки, бизнинг авлод манглайи шунчалик қора бўлса!

Ўттизинчи йиллари бошланган очлик кўп ўтмай маънавий қаҳатчиликка уланиб кетди, қамоқ, лагерь... Кўп ўтар-ўтмас уруш, қирғинбарот... Мамлакат ичкарасида “Ҳамма нарса фронт учун!”, “Фашист босқинчиларга ўлим!” деган ўтли шиорлар ҳар бир фуқаронинг виждон бурчи, кундалик ишига айланиб қолган эди. Биз ёзувчилар шиддатли уруш кунлари газета саҳифаларида босилган ватанпарвар шеърларимиз, радио тўлқинларида янграган оташин чиқишларимиз билан қонли майдондаги азамат жангчиларга мададкор бўлиб турдик. Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғун, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла, Зулфия, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Қуддус Муҳаммадий ва бошқа кўплаб ўзбек ёзувчиларининг шеър ва ҳикоя, очерк ва бадиий лавҳалари фронтдаги ўзбек жангчилари орасида қўлма-қўл ўтарди, севиб ўқиларди.

Йиллар ўтди, салмоқли йиллар... Эсласам, бир кун Ҳамид Фулом билан бирга Фарғона водийсига йўл олдик ва у ерда дала меҳнаткашлари билан учрашдик. Очиғини айтсам, ҳар бир учрашув қизғин мунозарага айланди, суҳбат экология масалаларига, шу жумладан, Орол тақдирига бориб тақалди. Бу, албатта, табиий бир ҳол эди. Чунки сафаримиз Фарғонадан бошланган бўлса, биринчи манзил водий ерлари — Миндон ва Чимён қишлоқлари эди. Сув тагида қолган пахтазорларни, тошқиндан зарарланган уй-жойларни, мактаб,

кутубхона ва маъмурий биноларни бу ерларда кўплаб кўрдик. Табиий офатдан жабру жафо чеккан аҳоли дардига шерик бўлдик. Сел жамоа хўжаликларига ҳамла қилиб, 841 гектар қулф уриб турган экинзорни шикастлантирганига, 670 гектардан иборат улкан майдондаги ғўза балчиққа ботиб ётганига гувоҳ бўлдик. 382 гектар ердаги ниҳоллар эса гўё бир йиқилиб тургандай... 51 кўприкнинг ўрни бору ўзи йўқ... даҳшат! Лекин табиий офатга қарши кураш фронтида халқ камарбаста, юрагида ўти бор, билагида кучи бор ҳамма ўзини бурчли билиб, ҳормай-толмай тер тўкаётганини кўриб ҳаяжонландик, ногаҳон яна шеърият тилга кирди:

Асримни авайлаб, бошга кўтардим,
Оёғига сочдим дил-дилимдан нур...
Аммо ўпкам қисиб, йўлда йўталдим,
Кўзларимга олам кўринди бужур...
Табиат қақшаса, одам қақшайди,
Наҳотки,
Юз берса, кўз ўнгимда бу!
Табиат яшнаса, олам яшнайди,
Яшнайди муҳаббат,
Кўшиқ ва чолғу...

Мен бошлаган мушоирани бизга йўл-йўлакай ҳамроҳ бўлган истеъдодли қалам соҳиблари Йўлдош Сулаймон, Ҳабиб Саъдулла, Қамчибек Кенжа, Ҳалима Эгамбердиевалар давом эттиришди, уни Ҳамид Фулом якунлади.

Эсласам, Ҳамид етмишга етганида ҳам, саксондан сакраб ўтганида ҳам унинг серқирра ва сербарака ижоди ва босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли ҳақида икки-уч оғиз сўз айтганман. Наҳотки, ўшандан бери ўн беш йил ўтди? Хўш, шундай экан, ўтган йиллар мобайнида қандай яшадик, қандай ишладик, қандай воқеалар юз берди? Бу саволнинг жавоби, бир қараганда, осон, аммо жуда теран, жуда мароқли... Ҳатто, ўн беш йил эмас, унга етар-етмас фурсат ичида элу юртимизда жаҳоншумул улкан ўзгаришлар, тарихий бурилишлар, тасаввурга сиғмас янгиликлар юз бердики, энг муҳими, энг муқаррами, бу ўзбекнинг эзгу тилаги, асрий армони – Мустақилликдир!

Президентимиз бош бўлиб, илму маърифат, санъат ва адабиёт, умуман, зиёли аҳли дахлсиз давлатимиз тамал то-

шини, маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш билан банд бир пайтда Ҳамид Фулом қутлуғ жараёндан четда турмади:

Ёшликдагидай соз уравер юрак,
Мен ҳали кўп йиллар яшашим керак!

Сабабки, чин даврон энди бошланди,
Халқимга шараф-шон энди бошланди.

Эзгу мақсадим: эл камолин кўрай,
Юртимнинг беқиёс жамолин кўрай...

Белни маҳкам боғлаб, ким шимирса энг,
Унга саодат ёр, унга олам кенг.

Кимки Ўзбекистон деса — тиллар бол,
Кўксин тоғ каби кўтарар иқбол.

Мен атоқли қалам соҳиби, қадрдон дўстим Ҳамид Фуломнинг қутлуғ 85 ёшини муборакбод этар эканман, унга янги ижодий парвоз, оиласига бахт-саодат тилаганим ҳамон хотирамда. Бинобарин у бағри кенг, баркамол, бебаҳо инсон, истеъдодли, заҳматкаш адиб эди. 1941 йил кўкламида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Унинг шоир ва адиб сифатида шаклланишида Чўлпон ва Қодирий, Фафур Фулом ва Ойбек ижоди ижобий таъсир кўрсатганлиги сир эмас. Шунингдек, жаҳон ва рус мумтоз адабиёти намуналаридан моҳирона қилган таржималари таҳсинга сазовордир.

Ҳамид Фулом Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида узоқ вақт бошқарув котиби, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида директор, Республика журнал ва газеталарида бош муҳаррир бўлиб ишлади ва ўз фаолиятида етук ташкилотчи эканлигини кўрсатди.

Ҳамид Фулом Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, бир қанча мукофотлар ва шарафли унвонлар, орден ва медаллар соҳиби эди... Не кўргиликки, куни кеча 2005 йил 21 август тонг отарида дунёдан ўтди, энди у орамизда йўқ. Бундай оғир жудоликка қандай чидаш мумкин?!

Дейдиларки, шоир зоти икки бор яшар эмиш,
У ўлса ҳам, шеъридаги эътибор яшар эмиш...

Дарҳақиқат, шундай! Ҳамид Фулом босиб ўтган йўл ҳаминша чароғон, қалами остидан чиққан ҳаётбахш асарлар эса эл қароғида, юрт сабоғида!..

«ОҲ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ»

(Сафдошимга бағишлов)

Ҳасад эмас, ҳавас бу,
Умрбоқий зўр туйғу...
Ёшликни ўтди дема,
Ҳамон чалади бурғу.

Кун нури алвон-алвон,
Хотира жаҳон-жаҳон...
Ёшлик саргузаштлари
Мисоли карвон-карвон...

Ёшлик йиллари, балки,
Кексаликдаги кулки...
Сен қуйлаган орзулар
Буюк муҳаббат мулки.

Демак, ёшлик ўтганмас,
Сени ташлаб кетганмас!
У сенинг юрагингда
Юрак аза тутганмас!

Ёшлик ҳали барҳаёт,
Елкангда қоқар қанот...
Ҳавас қилсанг, арзийди,
Ёшликнинг боғи обод...

Инонмасанг, келиб кўр,
Гул ичида қиру ўр...
Сен қўмсаган ёшликка
Тонготарда булбул жўр...

Иброҳим Раҳим,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЎЗ ЗАМОННИНГ КУЙЧИСИ

Ёзувчи ўз халқининг содиқ фарзанди сифатида ҳамиша Ватан ишқи, халқ дардию эл хизматида яшайди, ўз замонини куйлайди. Шоир, лирик ёзувчи, драматург Ҳамид Фулом ана шундай қаламкаш эди.

Ҳамид Фулом ёшлиқдан шеър битиб, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжонларга эргашиб, уларнинг этагини тутиб, адабиётга кириб келди, уларнинг ижодий таъсирида камол топди. Ўз замонасининг куйчиси сифатида унга ўша даврнинг оташин шоири Фафур Фуломдан юққани рост.

Ёш шоирнинг «Одам», «Қуёш каби чароғон» каби шеърый машқлари, кейинча етилган чоғида битган «Қасосим бор», «Катерина», «Қитъалар уйғоқ», «Хиросима балладалари» Фафур Фуломча жўшқин, Фафур Фуломча оташин қалб кўри билан ёзилган. Уларда ўз замонининг катта-кичик, узоқ-яқин қаҳрамонларининг образлари куйланган.

Ҳаётимизнинг энг қийин давларида Ҳамид Фулом, айниқса, хушёр, ҳамиша уйғоқ туриб истеъдоди имконияти даражасида серқирра ижод қилди. Мен бу ўринда унинг алангали шеър ва мақолалари билан айни бир вақтда Ўзбекистон радиоси тўлқинларидаги левитанча ҳужумкор дикторлигини кўзда тутяпман.

Ўз замони ва ўз халқига хизмат қилиш ишқи уни ҳаётимизнинг энг қайноқ нуқталарига боришга даъват этди ва у ерларда тарих яратаётган давр қаҳрамонлари жасоратларини қаламга олди. Ёзувчининг бу соҳадаги тинимсиз меҳнати натижасида Мирзачўлни ўзлаштирувчиларни мадҳ этувчи икки роман — «Сенга интиламан» ва «Бинафша атри» юзага келди. Шоирнинг наср соҳасидаги баракали хизмати «Машғал», «Тошкентликлар», «Машраб», «Мангулик» романларида ўз ифодасини топди.

Ҳамид Фуломнинг жуда кўп шеърый ва насрий асарлари чет эл халқлари тилларига таржима қилинган. Адибнинг

тинимсиз меҳнатлари натижаси ўлароқ, ўзбек китобхонлари Пушкин, Лермонтов, Шекспир, Шевченко, Лопе де Вега каби хорижий ёзувчиларнинг дурдона асарларини ўз она тилларида ўқиш имкониятига эга бўлдилар.

Серқиррали, кўп жанрли адиб Ҳамид Фулом драматургия соҳасида ҳам самарали хизмат қилди. Унинг мусиқали драма асарлари Муқимий номидаги театрни ўзига забт этди, десак, лоф бўлмас. Унинг «Фарғона ҳикояси», «Тошболта ошиқ», «Ўғил уйлантириш», «Ажаб савдолар» каби асарлари кўпдан бери театр саҳнасидан деярли тушмай келяпти. Айниқса, «Тошболта ошиқ» бу жамоанинг мумтоз спектакли бўлиб қолди.

Ўз даври — замонасига хизмат қилишнинг чеки-чегараси йўқ. Қайси соҳа ёки қайси ишда бўлмасин, сидқидилдан хизмат қилган ютади. Ҳамид Фуломни ўзбек журналистикасидан, айниқса, нашрчилик тарихидан ажратиб бўлмайди. «Қизил Ўзбекистон» газетаси адабий котиби, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири сифатида маълум из қолдирган Ҳамид Фулом ношир сифатида ҳам Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти тарихида яхши из қолдирган ижодкордир. Унинг хизматлари юксак баҳоланди: Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофотлари совриндори бўлди.

Ҳамид Фулом анча ёшга борганига қарамай, хушёр ва чаққон адиб сифатида мустақиллик мафқурасига ҳам чин дилдан хизмат қиляпти.

1994 йил, май



Шукрулло, Ўзбекистон халқ шоири

КЎНГЛИДА ЯХШИЛИК ЭДИ

Ҳар бир одам ўзидан кейин касби-коридан ташқари феъли-атворига лойиқ яхшими-ёмонми хотира қолдиради. Кимнингки номи, касби-кори, амал-мартабалари, айрим нуқсонларидан қатъи назар, кишилар орасида тилга олинса, «худо раҳмат қилсин, яхши одам эди», деб қувонч билан эсланса, бу катта бахт.

Ҳамид Фуломни танибманки, ўз тенгдош дўстлари, ҳамкасб ёзувчилар орасида муомала, гап-сўз, кийинишда ҳам ўзига хос шахс сифатида бошқалардан ажралиб турарди. У ўзининг қадрини ҳам яхши биларди, катта-кичик демасдан бошқалар ҳурматини ҳам қиларди. Унинг олижаноб фазилатларидан яна бири шу эдики, у бировга ҳасадни билмасди. На тенгдошлари ва на бирор кишига қаттиқ-қуруқ, ҳатто жаҳл билан гапирганини эслолмайман. Баъзан иш устида ёки бирор асар муносабати билан ўринсиз гап айтганлар ёки асарига нисбатан танқидий фикр билдирганлар бўлса, гина сақлаб ёвқараш қилганини сезмаганман, бағри кенг одам эди. Балки бу ҳақда ўйлашга унинг вақти ҳам бўлмагандир. Чунки мен уни бирон жойда ишламасдан ишсиз юрган даврини билмайман. У ғайратли, ишчан, ишбилармон, билимдон ёзувчи эди. Ресторан ёки чойхоналарда ош қилиб гурунглашган вақтини билмайман.

У жуда хушмуомала эди-ю, аммо кўришганлар билан узоқ пачакилашиб гаплашмасди, ўзини сипо тутарди. Гапни қисқа қилиб, “оғзингизга шакар” қабилидаги муомалада бўларди. У билан яна гаплашгинг келиб кетарди.

Халқимизда “Жанжал чиқарадиган ростдан, муросага келтирадиган ёлғон афзал”, деган гап бор. Ҳамид Фулом шу ақидага амал қилган. У Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида директорлик қилган йиллар эди. Бир йил олдин шеърларим тўплами, ундан кейин иккинчи насрий

китобимни ҳам топширган эдим. Режага киритилганига қарамай иккисининг наширдан ҳам дарак йўқ эди.

Бир куни иш охирига қолган вақт эди. Жаҳл чиқса, ақл кетади, деганларидек, жаҳлимни ичимга сиғдириб қилиб Ҳамид Фуломга телефон қилдим. Салом-аликни чўзиб ўтирмай жаҳл билан:

– Ҳамид Убайдуллаевич, бу менинг китобларим қачон чиқади, ахир! – деб гап бошлаган эдим, у ҳеч нарса бўлмагандек:

– Шукруллохон, чиқади, сабр қилинг, – деган эди, унинг бепарво сўзлари аламимни алангалатиб, гапини охиригача эшитмай:

– Ия!... Иккитадан биттаси ҳам чиқмаса. Яна ...! – деган эдим, ҳолатимни сезган Ҳамид Фулом ўзига хос босиқлик, хушмуомалалик билан:

– Режа бор, бошқаларни ҳам... – деб гап бошлаган эди, “бошқалар” деган сўзни эшитишим билан гапининг давоми-ни эшитмай:

– Бошқалар қаторига бизлар қачон кирамиз! Агар гап шундай бўладиган бўлса, у маҳалда... – (билмадим ўша маҳалда жаҳл билан оғзимдан қандай гаплар чиқди, ҳатто шахсига тегадиган қаттиқ гапларни ҳам айтиб юбордим). Унинг гапиришига ҳам имкон бермай телефонни қўйиб қўйдим. Гўшакни қўйдиму унинг дилини оғритганимдан ўзим ҳам хурсанд бўлмадим, ўзимдан хафа бўлиб кетдим.

Ёшлиқдан бир-биримиз билан қўшни маҳаллада ўсмаган ёки яқин ҳамкасб бўлмаган бегона раҳбар бўлганида, балки бундай муомала қилмаган бўлармидим. Нима бўлса ҳам, яхши қилмаганимдан кўнглим гаш бўлди.

Орадан бирор соат ўтар-ўтмай (гўё булут ичидан кўёш чиққандай бўлди), иш кунининг охирига эди, уйимга телефон бўлди. Ким десам, уйдагилар Ҳамид Фулом эканлигини айтишди.

«Оббо!.. Ана энди у ҳам ҳақини олса керак, китобларим чиқишининг кечикиши ҳам гапми энди, йиллаб орқага сурилса керак. Мана жаҳлнинг оқибати», деган ўй билан, гўшакни олдим. Ё оллоҳ! Гўшакни олдим-у, Ҳамид Фулом овозини эшитиб ёқамни ушладим. Унинг муомаласи мен ўйлаган худбин хаёлларимнинг бутун акси бўлиб чиқди. У менга: “Кимни ҳақорат қилдинг?” дейиш ўрнига мулойимлик билан:

– Шукруллохон, мен Ҳамид акангизман, уйдан кўнги-роқ қиляпман. Телефонлар расво. Боя гапингизни яхши эши-толмадим, – деди.

Мен нима жавоб қилишимни ҳам дарҳол билмай қолдим. Кўнглимга нур кирди, енгил тортдим.

– Нима гап бўларди, Ҳамид Убайдуллаевич, ахир иккита китобим... – Гапимнинг ҳаммасини айтиб улгурмасимдан:

– Шукруллохон, гап бундай (одати бўйича гапни қисқа қилиб), яқинда кўп қоғоз олдик, шеърларингизни корректураси келган. Шу ойнинг охирларида босилиб чиқади. “Жавоҳирлар сандиғи”ни икки ойдан кейин, Янги йилнинг бошида оласиз. Гап шуми, саломат бўлинг, – деди.

Ҳамид Фуломни Худо раҳмат қилсин. Бир шахс сифатида уни қачон хотирламай, ўз ҳаётида бировлар билан қасдлашиб яшашни хаёлига келтирмаган, гина сақлаб, ёмонлик қилишни билмаган, бировга тухмат қилишдан қочган ажойиб феълли одамни кўз олдимга келтираман.

Табиатида ёмонлик бўлмаган одамдан ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳеч қандай ёмонлик чиқмайди.

Мен Ҳамид Фулом билан у Арпапоя, мен Олмазор кўчасида турган бўлсак ҳам, ҳовли-жойларимиз бир-бирига жуда яқин бўлган. Ҳамид Фуломнинг уйига бирор меҳмон келса, айниқса, бошқа шаҳарлардан, албатта, ўғилларидан бирини, Фарҳодни ёки Шерзодни юбориб мени чақиртирарди. Баъзан Фафур Фулом ҳам бизларга яқин – Арпапоя кўчасида яшагани учун кечки пайтлар айланишиб, унинг уйига бирга борардик. Эй! Нималарни гаплашмасдик, нималарнинг гувоҳи бўлмаганмиз. Мана бугун Ҳамид Фулом ҳақида хотира ёзиш сабаб бўлиб, бундан тахминан икки йил бурун раҳматлик Ҳамид Фулом хотини Манзурахон билан, мен рафиқам Миновархон билан шифохонада бирга даволанган вақтимизда деярли ҳар куни боғни айланиб қилган суҳбатларимиздан бирини кўнглимдан ўтказдим. Бугунги соғлигимиз, умрнинг ўтиши ҳақида дардлашиб, ёшлик йилларини эсладик. Гаплашсак, ойлаб гаплашсак ҳам гапимиз тамом бўлмасди.

Ҳамид Фулом билан 1939 йили институтда бирга ўқиганмиз. Ўша йиллардаёқ у яхши шоир сифатида “Ўйлаб қарасам” каби шеърлари билан адабиёт аҳли ўртасида обрўга эга

бўлиб, машхур бўлиб кетган эди. Усмон Носирдек буюк шоирнинг меҳрига лойиқ бўлган эди. Лекин Усмон Носирга яқинлик халқ душмани сифатида қамалиб кетган институт домлари Фитрат, Ғози Юнусларнинг тарбиясини олганлиги сабабли унга қувонч бағишламади. Жабр келди, жабр чекди.

Мен ўша шеърдан ёдимда қолган бир-икки мисрани ўқиган эдим, у хаёлга толиб, кутмаганимда:

– Дўстим Шукруллохон, мана сиз, дўстим, қадрдоним Шухрат ноҳадан-ноҳад 25 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиндинглар. Рафиқангиз Миновархоним, ўғил-қизларингиз тортишган азобни биламиз. Ана буни жабр деса бўлади. Хўрликларни сизлар кўрдинглар... Бизлар, Худога шукр, омон қолиб, бола-чақамизнинг бағрида бўлдик. Жабрдан гап очдингиз, очиқ гап, мен Республика газеталарида масъул вазифаларда ишладим, Ёзувчилар союзининг раҳбарларидан бири, давлат нашриётининг директори бўлдим. Тагимдан давлатнинг машинаси аригани йўқ, давлат яхши уй-жой билан таъминлади. Давлат мукофотини олдим. Ахир бу ҳаммага маълум-ку! Энди, дўстим, сизлар қатори мен ҳам ўзимни жабрланган десам, жабрланганлар қаторига қўшсам ёки шундай деб ёзсам... Биласизми! – Бир оз ўйланиб, – қамалмадим-ку, аммо давр битта менга эмас, ҳа, ҳаммамизнинг ижодимизга жабр қилди, десам, тўғри ва инсофдан бўлади, – деди.

Унинг бу гапи мени ҳаяжонга келтирди. Бу унинг қалбида йиғилиб қийнаган, энди юзага чиққан очиқ дарди эди. Ўйлаб айтилган ҳалол гап эди. Шу ерда ҳам у гина қилишни, қасдлашишни, нолишни билмаган, ёмонликни ёмон кўрган Ҳамид Фулом эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Унинг гапидан хурсанд бўлганлигимнинг тасдиғи сифатида хаёлимга келган бир ҳазилни айтиб бердим:

– Ҳамид Убайдуллаевич, бу гапларингиз учун офарин. Лекин ўз даврида иши сабаб бўлиб, хайфсан олган ёки вазифасини удралай олмай бошқа ишга ўтганлар орасида “бизлар ҳам жабр чекканмиз”, дейдиганлар ҳам чиқиб қолди-ку, бунга нима дейсиз? – десам, у қисқа қилиб:

– Демократия! Дўстингиз Одил Ёкубов “Буни ҳаёт дейдилар”, деганидек, хўп деяверасиз...

Кула-кула палаталаримизга кирдик.

Худо раҳмат қилсин. У билан кўришиб суҳбатлашиш ҳаминша қувонч бағишларди.

Назармат,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

ЙЎЛЛАРДАГИ ГУЛЛАР

9 май —Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаётганимизда собиқ қуролдош кекса жангчи дўстларимнинг жанггоҳларда ўтган бўронли ҳаётларини кўз олдимга келтирдим.

Шахсий ҳужжатлар папкада “Қизил Ўзбекистон” (“Ўзбекистон овози”) газетасининг 1944 йил 5 май нусхаси сақланади. Хотира кунда бу газетани қўлга олдим. Унда “Қалам ва қурол” деган мақола босилган. Мақоладаги парча ёдимда:

“Аширмат сиёсий лирика шоиридир. Унинг жанг майдонларида яратилган мисралари озодлик жангларида сўзлайди. Аширматнинг укаси Назармат ҳам Белоруссия ўрмонларида жанг қилиб, фашист газандаларини ўз қурол ўти ва ўз қалами оташи билан қийратмоқда.

Ҳамид Фулом, Зафар Диёр”.

Газетани мен жанг майдонида олганман. У ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди. Оқшомда отишма тингач, имконият топиб рота командирининг ертўласига кирдим. Аҳволни айтиб, сўнг газетани ҳаяжон билан кўрсатдим. Командирим рус-ўзбек тилидаги газетани қўлида тутиб раҳмат айтди. У қизиқиб шеър мазмунини сўради. Мен хурсанд кайфиятда: “Шеър сиздан бошланган”, дедим. Сўнг тушунтирдим:

“Командир буйруғин кутар бўлинма,
Қуроллар хужумга тайёр, жанг кутар.
Ложувард осмонда нурлар сочиб ой,
Юлдузлар кўксидан оҳиста сузар.
Ўрмоннинг ғарбида уфқ-аланга
Тўплардан ер титраб, учмоқда олов.
Шиддатли жангларга юрди бўлинма,
Зарбимиз остида мажақланди ёв”

“Қизил Ўзбекистон”. 1943 йил, 17 сентябрь.

Командир менга раҳмат айтиб: “Жанггоҳдамиз, ёвни энгиб, тинчликни қўлга киритиш учун қалам ҳам, қурол

ҳам керак”, деди. Командирнинг бу дилкаш буйруқо муз сўзи бир умр эсимда қолган. Хотирамда эса фронтга етиб борган шеърим босилган газета. Қаламкаш дўстларим устоз Ҳамид Фулом ва Зафар Диёр кўз олдимга келади.

Мен 1947 йилгача ҳарбий хизматда бўлиб, Ҳамид акага жангнома шеърларимни юбориб турдим. Урушдан қайтганимдан кейин Тошкентда матбуотда ишлаб, Ҳамид ака билан бир бинода Республика газета редакцияларида ёнма-ён журналистлик хизматимизни давом эттирдик.

Мен устоз Ҳамид Фуломни ёшлигимдан, ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимдан билардим. У ёзувчи акам Аширматнинг матбуотда бирга қалам тебратган қадрдон, ҳамкасб яқин дўсти эди. 1937–38 йилларда Душанбеда чиқиб турган “Қизил Тожикистон” газетаси редакциясида ҳамкор ижодкор бўлган эди. Акам билан учрашганимда у Ҳамид акани моҳир ёзувчи, таржимон, ёшларга ижодий ёрдам кўрсатувчи устоз, деб тилга оларди. Мен ўзим ҳам Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, журналистлар даврасида ундан ижодий ёрдам олганимни унутмайман. Ҳамид ака ижодий кўмагини аямасди. Шеър, лавҳа, очеркни кўрсатсак, қўлга қалам олиб, таҳрир жойларини тез тузатиб: “Шундай бўлса, майлими?” деб сўрарди. Мен 1936–41 йилларда Самарқанд дорилфунунида ўқиб юрганимда унинг газета-журналларда босилган шеърларини, асарларини, таржималарини севиб ўқирдим. Эсимда, 1939 йилда “Қизил Ўзбекистон” газетасида машҳур инглиз шоири Байроннинг “Корсар” деган шеъри Ҳамид Фулом таржимасида эълон қилинганди. Шеър маҳорат билан ўзбек тилига ағдарилган эди.

Ҳамид ака ҳамкорлик, дўстлик, тенгдошликнинг қадрига етарди. Ижодий ишларимиздан хабар олиб, маслаҳатлар бериб турарди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2003 йил 23 май сонида Ҳамид Фуломнинг “Ака-ука шоирлар – Аширмат ва Назармат” деган очерки эълон қилинди. Унда акамнинг 90 йиллиги хотираси ва менинг саксон беш ёшга қадам қўйганлигим тилга олинганди. Ҳамид Фулом: “Биз Аширмат билан 1937–38 йилларда “Қизил Тожикистон” таҳририятида бирга ишлаганмиз ва қатағон даври азобларини биргаликда бошдан кечирганмиз. Аширмат дили пок, метин иродали, халққа, Ватанга чексиз содиқ шоир,

чин инсон бўлган. Дўстим Назармат ҳамон тетик, бардам, янги шеърлар ёзиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади”, деб ёзганди.

Фидойилик, ватанпарварлик ҳар бир қаламкашни доим она юрти-ла, азиз халқи-ла бирга бўлишни тақозо этади. Она Ватанимиз, шунингдек, қардош қўшни республикалар бўйлаб бирга юрганимизда Ҳамид Фулом бизларга бошлиқ бўларди. Бу вазифани ўз бурчи деб биларди. Муомала, мулоқотларда ҳар қандай учрашув соҳиби билан холис, инсоний самимиятини кўрсатиб, эл ҳурматида бўларди. Унинг дўстлари, танишлари кўп эди. Тошкентда 1960—70 йилларда бўлиб ўтган қитъалараро мушоирада, учрашувларда, шунингдек, шеърий мулоқотларда ҳам қатнашиб, йиғилишларни юксак савияда олиб борганининг гувоҳимиз.

Республикамиз бўйлаб ижодий учрашувларга борганимизда вилоятлардаги ижодкорлар, айниқса ёш шоирларни шеърият мухлислари давраларида фаол қатнаштириб, бирга олиб юарди. 1965 йилда Наманган вилояти бўйлаб китобхонлар билан учрашувларда қатнашиб, яхши таассурот қолдирганлигини наманганлик Халқ шоири марҳум Ҳабиб Саъдулла сўзлаб берганди. Наманган шаҳрининг Маданият ва истироҳат боғида ва шаҳар яқинидаги жамоа хўжаликларида бўлган мушоираларни Ҳамид Фулом бошқариб, гўзал шаҳар боғига бағишланган шеърни ёзганлардан бири эди:

Фоятда хушдурур Наманган боғи,
Кундузи сояси, оқшом чароғи,
Биз ўзбек шеърдан салом келтирдик
Баҳорнинг ана шу муборак чоғи.

Бу табаррук шеърни вилоят туманларидаги меҳнаткашлар билан учрашувларда ҳам ўзбек ёзувчилари — Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳаким Назир, Асқад Мухтор, Адҳам Раҳмат номидан Ҳамид ака ўқир эди.

Буюк устоз Фафур Фулом мамлакатимизнинг турли жойларида меҳнаткашлар билан бўлиб турадиган учрашувларга яқин ҳамкор дўсти, шогирди Ҳамид Фуломни бирга олиб юарди, у билан ижодий мулоқотларни бирга бошқарарди.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла ҳаётининг сўнгги кунларида устоз Ҳамид Фуломни эслаб “Адиб ибрати” деб

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилган мақоласида “Мен устоз Ҳамид Фуломнинг Наманганга сафарларида ҳамроҳлик қилиш, бошқа вилоятларга бирга сафарга чиқишда юксак инсоний фазилатларини кўрдим. Ғоят дилкаш суҳбатдош, бошидан кўп ишларни кечирган донишманд сифатида устозга бўлган меҳру ихлосим ошди”, деб ёзган эди.

Ҳамид Фулом нашриётда, радиода, адабий журнал ва редакцияларда раҳбар ўринларда хизматда бўлганда ҳам ижодкорларга, айниқса, ёш қаламкашлар асарларининг нашр этилишига катта эътибор берарди. Менинг шеърӣ тўпламларимни шахсан ўзи кўздан кечирганини мамнуният билан хотирлайман. Акам Аширмат оғир бетоб бўлиб, туғилган жойимиз, Сирдарё яқинидаги Нов районида касалхонада ётганида ҳам Ҳамид ака хабар олган эди, вафот этганидан кейин дафн жойини зиёрат этишга боришини менга айтган эди.

Аширмат ҳаёт вақтида Тошкентда бўлганида қадрдон дўсти Ҳамид Фуломни бориб кўрарди ва унинг маслаҳати билан “Жангчининг дафтари”ни ва бошқа шеърлар тўплами ҳамда достонини нашрга тайёрлади.

Ҳамид Фулом ижодда кенг кўламли бунёдкор эди. Бадий адабиётнинг ҳамма турларида асарлар яратди. Республика марказий ва вилоят театрларида пьесалари муваффақиятли кўйилди. Радио эфири орқали устознинг дostonлари, шеърӣ туркумлари жаҳон бўйлаб янгради. Насрий ижодда ҳам баракали ижод қилди. Романлари, қиссалари, ҳикоя, очерклари китобхонларнинг жавонларидан жой олиб, сеvimли мутолаасига айланди.

Республикамизда олиб борилаётган кенг ҳажмдаги қурилишлар, янги ўқув даргоҳларининг бунёд этилишида Ҳамид Фулом редакцияларнинг илтимосларини бажо келтириб, қўлда ўткир қалам билан журналист бўлиб забардаст бинокорлар қаторида хизматда бўлганди. Унинг Фарғона водийси, Мирзачўл қурувчиларининг жасоратли ишлари ҳақидаги очерк, хабарлари ўз вақтида газета саҳифаларидан жой олганди. Ёш китобхонларни, мактаб ўқувчиларини ҳам унутгани йўқ. Улар тўғрисида шеърӣ лавҳалар, хотиралар, учрашув таассуротлари ҳақида ҳам ёдномалари бор.

Ҳамид Фулом халқаро мавзуда ҳам баракали ижод қилди. Унинг “Замондошлар” деб номланган асари ҳақида Азиз Қа-

юмов бундай ёзганди: “Куба ҳақида ҳикоялар”, “Япония ҳақида ҳикоялар”, “Европа бўйлаб саёҳат”, “Жазоирда тонг” тўпламлари ҳам ҳужжатли адабиётнинг яхши мисоллари бўлиб, ҳам ўзбек адабиётида халқаро мавзуни бойитиб таҳсинга сазовор бўлди”.

Ҳамид ака билан редакцияда бирга ёнма-ён ишлаб унинг ишчанлиги, тезкорлигидан, мақола, шеърларни кўриб чиқиб, тез нашрга тайёрлаганлигидан беҳад хурсанд бўлардим. Унинг иш столида гулдон бўлиб, ҳар куни янги гуллар турарди. Мен Ҳамид ака билан диёр бўйлаб ижодий сафарларда бирга бўлганимда, унинг йўлларида, турган жойларида ҳам гуллар кўрардим.

Мен азиз, мўътабар, ҳурматли ҳамкасбим, устози табаррук, буюк ижодкор Ҳамид Фулом ҳақида хотира ёзиб, у азиз инсоннинг бутун ҳаёти гуллар йўлида ўтган деб тасаввур қиламан. Ҳа, Ҳамид ака гулларни, одамларни, гўзал ҳаётимизни севарди. Унинг абадий севгиси, меҳри бизларда, китобхонларда, шогирдларида, мухлисларида, гулларда қолди.



Ҳамид Фуломнинг “Машғал” романи замонга аниқ мос келадиган ҳаққоний драматик ва шиддаткор конфликтлар билан ёзилган. Романнинг кучли томони мана шундадир.

Л.Якименко

ИЖОД КЎЛАМИ

Устод Ҳамид Фулом — ўзбек адабиётимизда ғоят салмоқли, сермахсул, катта истеъдод соҳиби бўлган ижодкорлардан. Саксон олти йиллик умрининг деярли етмиш йилини шеърятимиз, драматургиямиз, насримиз ривожига бахш этган нурли сиймо. У киши бадиий ижоднинг деярли барча соҳаларида муваффақиятли иш олиб борди. Ўнлаб шеърӣ китоблар, қизиқиб ўқиладиган ва томоша қилинадиган бир неча насрий ва саҳнавӣ асарлар муаллифи сифатида халқимизнинг севимли адибларидан бирига айланди. Ўзбекистонимизни, чин инсоний бахтни улуғловчи жўшқин кўшиқлари, оташин публицистикаси билан қалбларга йўл топди. Тинибтинчимай ижод этиш, умрнинг ҳар бир соатидан унумли фойдалана билиш, маҳорат чўққисига интилиш — Ҳамид Фуломнинг ҳаётӣ мезони эди. Устоднинг мана шундай катта меҳнат қобилиятига қойил қолар эдик. “Машғал”дай мураккаб тарихий романни ёзиш, “Тошболта ошиқ”дек кулги тўла саҳна асарлари яратиш, жаҳон адабиётидан қилинган мукамал таржималар, кўшиқлар, балладалар, дostonлар ва қиссалар... барчасини санаб чиқишнинг ўзи ҳам бир талай меҳнат. Бунинг устига дунёнинг ярмидан кўпини айланиб, кезиб, ўз халқига ҳикоя қилиб бериш... Бунча ишлар замирида эса, катта меҳнат, тафаккур, кеча-кундуз ҳаракатда бўлган истеъдод борлигини ҳис этиш қийин эмас.

Ҳамид Фулом номини, мен ўзим шахсан ўқувчилик вақтимда уруш йилларида эшитганман, газеталарда ўқиганман. Кейинчалик Тошкентда дорилфунунда — талабалик йилларимда шоирлар ва адиблар билан бўладиган учрашувларда у кишини тез-тез кўриб, шеърларини ўзларидан эшитиб, бирмунча яқиндан билдим. У киши шеърларини салобат билан, ширали, таъсирчан оҳангда ўқир, тингловчиларда яхши таассурот қолдирарди. Ёзувчилар уюшмасида бўладиган ижо-

дий мунозараларда ҳам нутқининг мазмуни, мантиқий асосланганлиги билан тингловчини лол этарди. Кейинчалик... Шу уюшма биносида Ҳамид Фуломнинг ёш ҳаваскор шоирлар билан учрашуви бўлди. Йигирма чоғли ёшлар орасида мен ҳам бор эдим. Бундай мулоқотлар ижодга қизиқишимизни оширишда муҳим тадбирлардан эди. Ўшанда роса савол-жавоблар бўларди. Бадиий ижоднинг нима учун зарурлиги, унинг табиати, жамиятдаги ўрни, айрим шоирлар ҳақидаги додир саволларимизга гоҳ кулиб, гоҳ жиддий мисоллар билан жавоб беришдан толмасдилар. Биз эса, кўп нарсаларни ўзимиз учун аниқлаб олардик. Кейинчалик... 1949 ёки 1950 йилда муҳим бир санага бағишланган катта тўплам-китобга уч-тўрт талаба тақриз ёзиб, энг доврўгли газетамизга юрак ютиб олиб бордик. Ҳамид ака газетанинг адабий котиби бўлиб ишлар эканлар. Уялиб-тортиниб кириб бордик. У киши очиқ чехра билан кутиб олдилар ва «Мақолани ўқиб чиқиб, фикр айтаман», дедилар. Биз ўйлагандикки, “ҳозирча мунақа ишларни қўя туринглар”, дея насиҳатлар айтсалар керак... Йўқ, биз, аксинча, рағбатлантирувчи илиқ сўзларни эшитдик... ва ниҳоят газетанинг навбатдаги сонларидан бирида бир саҳифанинг сал кам ярмини эгаллаган мақоламизни кўриб, кўзларимиз ўйнаб кетди! Гўё, назаримда, бутун дунё барча бошқа ишларини йиғиштириб қўйиб, бизнинг ушбу мақоламизни ўқиш билан банддек эди! Биз ёшлар Ҳамид аканинг бундай самимий муносабатида катта ишонч ва меҳрибонликни кўрганмиз.

Ўтган асрнинг 50-йиллари бошида Москвадаги Олий адабиёт курсларидаги икки йиллик таҳсилдан Ҳамид ака “Машғал” деган романини олиб келди. Демак, ўқиш жараёнида адиб катта ижодий меҳнат билан ҳам шуғулланган. Чунки романда қамраб олинган катта ҳаётий воқеалар, давр зиддиятлари, мураккаб тақдирлар, тарихий материалнинг ранг-баранг ва чалкашлиги романда анча теран ва маҳорат билан кўрсатилган эди. Роман ўша пайтда мен ишлаб юрган “Шарқ юлдузи” журналининг бир неча сонларида босилди ва у жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Асар қўлма-қўл бўлиб, тилга тушди. Бир неча бор қайта-қайта босилиб чиқди. Кўз олдимизда улкан адиб — йирик насрий жанр устаси намоён бўлганлигини ҳамма мам-

нунлик билан тан олди, муносиб баҳосини берди. Кейинчалик... изма-из яна бир неча роман: “Мангулик”, “Тошкентликлар”, “Бинафша атри”, “Машраб” ва бошқалар майдонга келди. Айни замонда театрларимиз саҳналарини безаган “Тошболта ошиқ” қа ўхшаш ўнга яқин саҳна асарлари ҳам туғилди. Хуллас, Ҳамид ака ёзган асарларини, биз ўқувчилар ўқиб улгуролмасдик, албатта, бу асарларнинг ҳаммаси ҳам юксак бадиий даражада ёзилган, деб бўлмайди, улар ўша даврга хос ғоявий тебранишлар, тезкорлик, замонасозлик натижасида юзага келган талай нуқсонлардан ҳам холи эмас эди.

Мен бу гапларни машҳур адибнинг таржимаи ҳолини ёзиш учун эмас, балки ўзим гувоҳи бўлган учрашувлар, бевосита мулоқотлар, турли-туман сафарларда туғилган таассуротлар орқали “сувратга чизгилар” маъносида ёзмоқдаман. Чунончи, 1973 йили Қорақалпоғистонга бир гуруҳ ижодкорлар сафида борганмиз, у кўпгина қизиқ воқеаларга, унутилмас суҳбатларга бойлиги билан ажралиб туради. Ўшанда катта мукофотга сазовор бўлган қорақалпоқ адиби Тўлепберген Қайипбергенов хонадонидаги суҳбатларда Ҳамид ака ўз билими, ҳаётий тажрибасининг кўплиги, ҳозиржавоблиги билан кўнгилларга йўл топар эди. Бундай давралар эса жуда кўп бўлган. Ҳамид ака сўзларни чертиб-чертиб, мантиқий бир тарзда, ёқимли талаффуз билан гапириши, она тилимиз бойликларидан ғоят унумли — ўринли истеъфода этиши, сўз бойлиги билан ҳам алоҳида ажралиб турар эди.

Ҳамид Фулом оғир ва мураккаб, кўп қиррали ёзувчилик фаолиятини катта ташкилотчилик хизмати билан қўшган ҳолда олиб борарди. У кишининг мана шу қирраси Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бир неча йиллар мобайнида раҳбарлик қилган даврида айниқса яққол кўринди. Жаҳон ва рус адабиётининг, ўзбек мумтоз адабиётининг, замонавий истеъдодли адибларнинг энг яхши асарлари шу даврда босилиб чиқиб, маънавий хазинамизни бойитди. Гёте-нинг “Фауст”, Дантенинг “Илоҳий комедия”, Фирдавсий-нинг “Шоҳнома” асарлари шулар жумласидан.

“Шоҳнома” таржимонларидан бири сифатида гувоҳ бўлдимки, Ҳамид ака жасоратли ношир эди. У киши машҳур шарқшунос олим ва шоир Шоислом Шомуҳамедов бош-

чилигидаги ижодий гуруҳимизнинг шундай таржимани (уч китобдан иборат) муносиб даражада амалга ошира олишимизга кўзи етди ва масъулиятни бўйнига олиб, “оқ йўл” бера олди. Чунки олдимизда энг ками қирқ минг мисрали форс шеърляти дурдонасини ўзбекча жаранглата олишдек мураккаб вазифа турар эди. Ҳамид ака таржимани қайси вазнда, қай тарзда, қандай муддатда бажара олиш ҳақидаги фикрларимизни обдан эшитиб, бизга ишонч билдирди ва ёрдамини аямади. Хуллас, тўрт-беш йил мобайнида улкан иш бажарилди...

Бунча кўп ижодий фаолиятнинг бир адиб тимсолида му-жассам бўлиши ноёб ҳодиса, албатта. Теран интизомга асосланган талант мўъжизалар яратишга қодир. Ҳақиқатан устоз Ҳамид Фулом ўз ҳаёти билан буни исбот этди.

Нуроний адибимизни охириги марта 2003 йилда Фафур Фулом номидаги боғда буюк устознинг 100 йиллиги муносабати билан ҳайкали очилиши тантанасида кўрдим. У кишининг ўзлари ҳам 85 ёшлари боис “Меҳнат шўхрати” нишони деган олий мукофот билан тақдирланган кунлар эди. У киши ҳамон дадил, ижодий ғайратга тўла бўлсалар-да, кўп йиллик меҳнат, неча минг кеча-кундуз давом этган узлуксиз ижодий фаолият ҳам ўз муҳрини урганлиги аниқ кўри-ниб турарди. Даста-даста китоблар, гўзал саҳна асарлари, жўшқин шеърлар яратган, ўз ҳаётини халқ, жонажон Ватан хизматига бағишлаган сеvimли адибнинг ҳаёти, иккинчи умри қалбларимизда абадий сақланиб қолади ва бу ёрқин ижоддан ҳали кўп насллар баҳраманд бўлади.



Барот Бойқобилов

Ўзбекистон халқ шоири

ШОИРГА ЎЛИМ ЙЎҚ

Мен Ҳамид аканинг ўзи билан танишишдан олдин унинг асарлари билан танишганман. Менда Ҳамид аканинг «Қитъалар уйғоқ» шеърлар гўплами, «Машғал» романи катта таассурот қолдирган. 1961 йили домла Ориф Икромов билан Самарқанддан Тошкентга келиб Ҳамид аканинг хонадонида меҳмон бўлганмиз. Ўша пайтларда Ҳамид ака Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида правление котиби эдилар.

Ҳамид ака ўта маданиятли, ҳар бир гапини ўйлаб, тарозига тортиб ва топиб гапирадиган одам эди, рус тилини яхши гапирар, сўзлаганда урғуни жой-жойига қўйиб салмоқлаб гапирарди. Бу унинг ўзбек радиосида кўп йиллар суҳандон бўлиб ишлаганидан далолат бериб турарди.

1962 йили Ёзувчилар уюшмаси ёш ижодкорларнинг ижодий семинарини ўтказди. Ҳамид ака ёш ижодкорлар олдида ижоднинг машаққатли томонлари, сўз қудрати ҳақида мароқли чиқиш қилганлари ҳали-ҳануз кўз ўнгимда.

Кейинчалик Тошкентга ишга келганимдан сўнг, у киши билан адабий давраларда, мушоираларда тез-тез учрашадиган бўлдик. Бундай давраларда Ҳамид ака ўз салобати билан ўтирар, гали келганда доимо Ойбек домланинг ҳам шеърларини йиғилганларга ўқиб берарди. Нега Ойбек домла ўз шеърларини бошқаларга ўқитмасдан фақат Ҳамид Фуломдан илтимос қиларди? Бу унинг Ҳамид аканинг жарангдор ҳамда залворли овозига тан берганидангина эмас, балки Ҳамид Фуломда инсонийликни кўрганидан, унга меҳри тушганидан эди.

Ҳамид аканинг бошқалар учун яна бир ибратли томони — у ўз сўзида қатъий турар, кимга нима ваъда қилган бўлса унинг урдасидан чиқарди. У ана шу хислатлари туфайли жуда кўп ижодкорларга ёрдам берди.

Хизмат тақозоси билан собиқ Иттифоқ бўйлаб саёҳатларда Ҳамид ака билан кўп бор йўлдош бўлганман. У киши-

нинг нафақат ижодкорлар давраларида, балки оддий инсоний муомалада ҳам нозик дидли, маданиятли инсон эканлигини сезиш мумкин эди. Ҳамид акага меҳрим баландлигидан у кишининг 60 ёшга тўлиши муносабати билан адабиётшунос Пирмат Шермуҳамедов билан биргаликда «Ижоднинг юлдузли онлари» номли адабий-портрет китобини ёздик. Мен, асосан, Ҳамид аканинг шеърляти ҳақида тўхталганман.

Йиллар ана шундай тез ўтиб кетар экан, ҳамон кўз ўнгимда давраларга салобат тўкиб Ҳамид ака кириб келаётгандек туюлади, дўстлари даврасида у кишининг ўрни билиниб туради. Менинг хотирамда Ҳамид ака шундай из қолдирган, у киши ҳамиша тирикдек. Ҳа, шоирга ўлим йўқ, у ҳамиша инсонлар қалбида яшайверади.



Қадрли дўстим!

Ҳурматли ва сеvimли Ҳамид Фулом! Ушбу номани шахсан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига самимий миннатдорлигимни билдириш учун ёзаяпман. Сизнинг ва бошқа ўзбек ёзувчиларининг менга кўрсатган илтифотларингизни ҳеч қачон унутмайман. Сиз билан дўстлигимиз Ўзбекистон ва Ҳиндистон ёзувчилари ҳамда халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлайди. Ҳинд ёзувчиларининг асарлари мамлакатингизда қандай севиб ўқилса, ўзбек ёзувчиларининг китоблари ҳам бизнинг юртимизда шунчалик севиб ўқилади.

Ҳозир мен Зулфияхоним шеърларини таржима қилаяпман. У кишига менинг қалб саломимни етказгайсиз.

Сажжод Зоҳир,
ҳиндистонлик адиб.
Деҳли, 24.07.1962

Мақсуд Қориев,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

УНИ УНУТИБ БЎЛАРМИДИ...

Ҳамид Фулом, бу мўътабар ном узоқ йиллар газета ва журналлар саҳифасидан тушмади, радио тўлқинларида эшитилиб, ойнаи жаҳон экранларида кўриниб турди. Театр саҳналарида унинг асарлари завқ-шавқ билан ўйналди, томошабинлар ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди.

Мен 1949 йили “Қизил Ўзбекистон” газетасига ишга келганимда биринчи бор Ҳамид ака билан танишганман. Ўша кезлари адиб Республикамизнинг энг эътиборли газетаси бўлган “Қизил Ўзбекистон”да адабий котиб бўлиб ишлар эдилар. Зукко, ҳаракатчан, тиниб-тинчимас, сермаҳсул журналист ва шоир эди у. Газета саҳифаларида чиқиши керак бўлган мақола, бадиий асарлар шу ажойиб ақл соҳибининг қўлидан ўтарди. Агар Ҳамид ака қўл қўйсагина “Қизил”да бемалол чиқиб кетарди. Аммо Ҳамид ака унақа-бунақа материалга қўл қўйиб юбормасди, қаттиққўл, ўз ишига пишиқ, газетанинг обрў-этиборини ҳар томонлама ўлчаб, ўйлаб иш тутадиган, ўта талабчан, жонкуяр котиб эди. Биз уни ана шу ишбилармонлиги, талабчанлиги, заковати учун ҳурмат қилардик, тўғриси, севардик.

Ҳамид Фулом кўп қиррали ижодкор эди десак, хато бўлмас. Шоир, ёзувчи, таржимон, замонбоп журналист эди.

Ҳамид ака газетага ишга келмасдан олдин Ўзбекистон Радио қўмитасида ишларди. Энг муҳими, суронли уруш йиллари ва ундан кейинги даврларда радио орқали эълон қилинадиган энг муҳим ҳужжатларни кўпинча фақат Ҳамид Фулом ўқирди. Чунки унинг овози жуда ҳам тиниқ, ширали эди. Жамоатчилик уни “ўзбекнинг Левитани” дерди. Албатта, ўша кезлари радиода Туроб Тўла, Убай Бурҳон, Қодир Махсумовдек зўр суҳандонлар ҳам бор эди, лекин Ҳамид аканинг овозига етадиган кучли, оҳангдор ва ёқимли овоз йўқ эди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Муқимий номидаги музи-

кали драма театрида мушоира кечаси ўтказиладиган бўлди-ю, унга Ўзбекистоннинг энг машҳур шоирлари қатнашади, деган овоза тарқалди. Шунда Ҳамид ака менга: “Қоризода, юринг, сизни мушоира кечасига олиб бораман”, деб қолдилар. Мушоира кечаси жуда қизиқ ва мазмунли ўтди. Ман-ман деган ўзбекнинг атоқли шоирлари ўз шеърини гулдасталарини ўқиб кечага тароват ва файз киритишди. Аммо Ҳамид ака ўзининг янги ёзган бир шеърини шундай чиройли қилиб ўқидики, шоир томошабинларнинг олқиш ва қарсақлари остида қолиб кетди. Агар фаромуш хотирам мени янглиштирмаса, ўша шеърнинг сарлавҳаси “Ўйлаб қарасам” деб аталар эди. Мушоира кечасидан сўнг қайтаётганимизда Шайх ака ҳазиллашиб: “ Ҳамиджон, бугун байроқ сизнинг қўлингизда кетди, нима қилса ҳам зўр суҳандонсиз”, деб ҳазиллашди.

Ҳамид ака редакцияга қайтиб келгач, менга: “Албатта, устозларнинг шеърлари меникидан зўр эди, лекин мен, Шайх ака айтганидек, шеъримни маромига етказиб ўқидим, нима қилса ҳам суҳандонлик касбим ҳам бор-да”, деб қўйдилар. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, кейин менга бир қизиқ ривоят сўзлаб берган эдилар. Мана ўша ҳикоя:

“Бир аёл қўлида хат, эшиги олдида бир оз хуноби чиқиб ўтирган экан. Қўшниси чиқиб қолиб, ундан: “Нега хафасиз”, деб сўраб қолибди. “Мана ўғлим яна пул сўраб хат юборибди”, дебди. “Ўғлингиз қаерда ўзи?” дебди қўшниси. “Ленинградга ўқишга кетган эди” дебди аёл. Қўшниси Билим жамиятида лектор бўлиб ишлар экан. “Қани хатни менга беринг-чи”, дебди. Қўшниси ажабтугул суҳандон экан, хатни шундай чиройли қилиб ўқиб берибдики, ҳалиги аёл кўзига ёш олиб: “Ўғлим ҳақиқатан ҳам қийналиб қолибди”, деб ўша заҳотиёқ ўғлига пул юбориш учун маҳалладаги алоқа бўлимига жўнабди”.

Ҳамид ака, тез ёзарди, аммо тез ёзса ҳам соз ёзарди. Редакциядаги ёшлар ундан сабоқ оларди, десам хато бўлмас. Редакцияга дастлаб ишга келган кунларимда икки варақли мақола ёзиб, адабий котибга олиб кириб топширдим. Ҳамид ака мақолага кўз югуртириб чиқди-да, кейин қўлига қалам олиб, уни бошдан-оёқ бўяб, “қайта кўчиртириб келинг”, деб қўлимга берди. Машинисткага олиб кириб кўчиртиришга уялиб, хонамга қайтиб кирдим-да, ўзим қайтадан кўчириб, кейин машинисткага олиб бориб бердим. Мана шу са-

боқ менинг бир умрга ёдимдан чиқмайди. Яна энг муҳими, газетада ишлаган кезларимда ҳар ҳафтада “Летучка” (“Адабий ўқиш”) деган йиғилиш бўларди. Унда ҳафталик газета таҳлил қилинарди. Ана шу йиғинда Ҳамид ака сўзга чиқса, ҳаммамиз ҳайиқиб турардик. Чунки у бўлимлардан чиққан мақолаларни таҳлил этишга жуда устаси фаранг эди. Сўзлари адолатли, ишончли, мантиқан кучли фактларга асосланган бўларди.

Бир куни газета ишини энди тугаллай деб турган эдик, бирдан Москвадан катта расмий материал келадиган бўлиб қолди. Мен газетада навбатчи эдим. Ҳамид ака ўша расмий ҳужжатни таржимадан сўнг таҳрир қилиши керак. Тарвузизмиз кўлтиғимиздан тушиб кетгандай бўлди. Ҳамид ака менга юзланиб: “Қоризода, энди бўлар иш бўлди, қани кетдик, бир овқатланиб келамиз”, деб қолдилар. “Қаерга борамиз”, дедим. “Тошкент” ресторанига”, дедилар. “Менинг ёнимда сариқ чақа ҳам йўқ”, дедим. “Мана менда икки сўм бор”, деб қолдилар. Қайдан пул топамиз деб ўйлаб турган эдим, Ҳамид ака дадиллик билан: “Юринг, бир амал қиламиз”, деб, мени редакциямиз қаршисидаги Навоий театри сари бошладилар.

Ўша кезлари Навоий театрининг бош маъмуриятида Илёс Азимов деган йигит ишларди. Ҳамид акага ҳам, менга ҳам яқин дўст, улфат эди. Унинг ёнига кириб, ўз мақсадимизни айтдик. Илёс Азимов театр кассирини чақириб, кассадаги ўша куни тушган бор-йўқ пулнинг ҳаммасини бизга олиб берди. Хуллас, биз эртаси куни қарзимизни бериб қутулганмиз. Бу воқеани келтиришимдан мақсад, Ҳамид ака шундай улфати, мард, фақат яхшилик учун туғилган олижаноб инсон эди. Айниқса эндигина адабиёт оламига атак-чечак қилиб кириб келаётган ёш ижодкорларга меҳр-шафқатли адиб эди. Ҳозирги адабиётимиз оламида қалам тебратиб келаётган машҳур шоир-ёзувчиларнинг кўпларини Ҳамид аканинг эътибор ва ғамхўрлиги туфайли катта адиб бўлиб етишди, десак, хато бўлмас. Ҳамид ака газета даргоҳидан Москвадаги Жаҳон адабиёти институтига ўқишга кетди, сўнг “Литературная газета”сининг Ўзбекистондаги махсус муҳбири, кейин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби, 1958–1971 йилларда “Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳаррири ва кейинчалик Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори лавозимларида ишлади.

Мана энди, ҳақиқат кўзи билан қараганда, ҳозирги қалам тебратиб, эл-юртга машҳур ва маълум бўлиб кетган адибларимиз ажойиб ва мард инсон Ҳамид Фуломнинг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлганлар.

Менинг ҳам дастлабки қиссаларим Ҳамид аканинг бево-сита эътибор ва ҳомийлигида нашр этилган. “Афросиёб гўзали” қиссамнинг дастлабки нусхасини ўқиб, кейин “Сўзбо-ши” ёзиб берганлар.

Ҳамид Фулом ёзувчилар ичида энг сермаҳсул ижодкор эди. Унинг кўп асарлари газета-журналларда, “Қизил Ўзбекистон” газетасида ишлаган чоғларида юзага келган. Икки жилддан иборат “Машғал” романи Ёзувчилар уюшмасининг котиби ва “Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлаган йиллари ёзилган.

“Ўзбекистон овози” газетасида ишлаган кезларида Ҳамид ака билан қадимий дўстлик, ака-укалик муносабатларимиз яна ҳам мустаҳкамланиб кетди. Бир куни менга кўнғироқ қилиб, “Қоризода, Муқимий театрида “Тошболта ошиқ” асаримнинг кўриги бўлади, сизни қадрдон дўстим сифатида шу спектаклга таклиф этаман”, деб қолдилар. Ишдан сўнг театрга бордик. Одам тўла, жой етишмайди. Ўша кеча ҳеч ёдимдан чиқмайди. Театрдан сўнг Ҳамид аканинг Эски шаҳардаги уйига кузатиб қўйдим. Шунда у менга ҳали ён дафтаримда ёзилмаган кўшиқларим кўп, деб қолдилар. Ҳамид аканинг “Ўғил уйлантириш”, “Ажаб савдолар” каби замонавий мавзудаги қувноқ саҳна асарлари ҳали-ҳали ёдимиздан чиқмайди.

Ҳамид Фулом ўзбек халқининг маълум ва машҳур адибларидан бири эди. Унинг асарларини ўқиб, кўриб, эшитиб бутун бир авлод камол топарди. Битта ёзувчи бўлса, шунчалик бўлади-да! У элим, юртим, деб ижод қилди.

У Истиклолимизни ифтихор ва қувонч билан кутиб олди. Садоқатли хизматлари учун “Эл-юрт ҳурмати” орденига сазовор бўлди.

Мен ушбу мақоламда унинг бутун ранг-баранг ижоди ҳақида гап юритганим йўқ. Фақат ижодкор ҳақидаги айрим эсдаликларимни, кечинмаларимни қаламга олдим, холос. Имоним комилки, севимли ёзувчимиз Ҳамид Фулом ҳам ўзбек халқининг Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир, Шуҳрат, Раҳмат Файзий каби адиблари қаторида қалбимизда абадул-абад сақланиб қолади. Азиз адиб дўстимизни Оллоҳ ўз даргоҳида қабул айласин, жони жаннатда бўлсин.

**ҲАМИД ҒУЛОМ ВА УНИНГ “МАНГУЛИК”
КИТОБИ ҲАҚИДА**

Машҳур ёзувчилардан бири Ҳамид Ғуломнинг “Мангулик” романи ҳақида шундай деган эди: “Бу Шарқнинг барча республикалари тўғрисидаги ҳақиқатдир”. Бошқа бир ёзувчи эса, “Агар бу китоб Афғонистонда нашр этилса, афгон китобхонлари ундан ўз мамлакатларининг бугунги ҳаётини билиб оладилар”, дея қўшимча қилган. Хўш, гап нимада? Бир халқнинг ҳаётидан олинган бадиий ҳақиқат қандай қилиб бошқа халқлар ҳаётидаги туб ўзгаришларда ва бошқа вақтда шундай аҳамият касб этсин?

Айрим бадиий баҳсларда “материал эмас — моҳирлик” деган фикр билдирилди. Агар унга чуқурроқ ёндашилса, бу “санъат — санъат учун”, мазмун аҳамиятга эга эмас, фақат шакл аҳамиятлидир, деган формализмнинг эскирган ақида-сининг янгича талқинидан бошқа нарса эмас. Бўш идиш қанчалик жимжимадор безатилмасин, ундан сув ичиб чанқоқни босиш кимнинг ҳам хаёлига келади. Агар Пушкин, Руставели, Лев Толстой, Диккенс, Горький, Маяковский, Алексей Толстой, Шолоховлар ижодининг бутун бир авлод маънавий дунёсининг шаклланишига жуда катта таъсир этган мазмуни йўққа чиқарилса, улардан нима қолади, ахир! Бу ерда жавоб битта — санъатнинг ҳақиқий кучи мазмун ва шакл бирлигидадир.

Айтайлик, Шароф Рашидовнинг кўп томли эпопеясида мужассамлашган ўзбек прозаси — бу асрлар давомида поэзиянинг устунлиги билан машҳур бўлган ўзбек адабиётининг туб ўзгаришлар туфайли янгиланишидир. Унинг асосий хусусиятлари — бу реализм, бу ҳаётнинг кўп қиррали томонларини тадқиқ этишда дадиллик, бу кўтаринки руҳдаги илғор адабиётнинг энг яхши анъаналарини миллий бадиийлик билан бойитган ҳолда давом эттиришдир. Инсон, унинг ишлари, ички руҳияти, кучли ҳис-туйғулари, тарих ҳақиқатига, инсон обра-

зини яратишда ҳақиқатга содиқлик, бадиий шаклнинг миллий руҳда замонавийлаштирилиши эҳтирос билан ўқиладиган “Мангулик” романининг асосий қадр-қиммати дир. Унда баъзи камчиликлар бўлиши мумкинми? Эҳтимол.

Ҳамид Фулом адабиётда аллақачонлардан бери шоир, драматург, прозаик, публицист сифатида машҳур дир. Турли жанрларда моҳирона қалам тебратишини ёзувчининг катта ҳаётий материалга эгалигидан ва ижтимоий фаоллиги – кўп нарсани ифодалашга интилишидан, дейиш мумкин. Ахир, ҳар бир жанрнинг ўз чегараси ва доираси бор-да. У прозада шунгача (“Мангулик” қача), воқелик ривожига кўра, бир-бирини тўлдирган “Феруза” ва “Бинафша атри” романларидан иборат “Мирзачўл” дилогиясини яратди. Ҳамид Фуломнинг янги “Мангулик” романи ўзбек адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлиб, унда Ўзбекистондаги туб ўзгаришларнинг мураккаб босқичларидан бирида бўлган вақт ва инсон драмаси, вайрон қилувчи ва яратувчи ҳаёт ўртасидаги ҳаёт-мамот кураши ишонарли даражада акс эттирилган.

Ҳамид Фуломнинг “Мангулик” асари муаллифнинггина эмас, бутун ўзбек адабиётининг янги ютуғидир.

Москва, 1989 йил



УКАМ ҲАМИД ФУЛОМГА

*Қосиди бир мужда келтирди ажиб,
Мен эдим бир кекса дармонсиз, ғариб.
Келди бир шафқатли қўл бошим силаб,
Мен деди қошу қабоғингдан қариб.*

Ҳабибий
12.01.75 йил

Муҳаммад Али, *Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

ИЖОДКОР УМРИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, кўплаб шеър ва дostonлар, қисса ва романлар, публицистик асарлар ва драмалар, комедиялар муаллифи, жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилган Ҳамид Фулом қизгин ижодий умрни бошдан кечирди.

У замонаси учун жуда ҳам долзарб бўлган мавзулар ҳақида самарали қалам тебратди. Унинг таржимаи ҳолига қараб, бўйи баробар китоб ёзган адиб, деб бемалол айта оламиз. У чиндан ҳам ўз даврида фаол ва ҳозиржавоб адиб сифатида ажралиб турарди. Аини пайтда, у етук жамоат арбоби ҳам эди.

Эсимда бор. 1958 йил эди, Бекобод туманида ўрта мактабнинг охириги синфида таҳсил олардим. “Ўзбекистон маданияти” газетасида Ҳамид аканинг ижодкор ёшларни фаолликка чорлаб ёзилган жўшқин мақоласи босилиб чиқди. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби бўлиб ишларди. Мақоладан руҳланиб кетдим-да, ўзимни яқин олиб шартта Ҳамид акага мактуб ёздим, у ижодим ҳақида тасаввур ҳосил қилиши учун “Илҳом парисига” номли шеъримни ҳам қўшиб юбордим. Кўп ўтмай, конвертига адресим ва номим босма ҳарфлар билан (машинкада!) ёзилган жавоб олдим. Жавобда Ҳамид Фулом номига юборган шеъримни матбуотга тавсия қилиш мумкин бўлмагани учун консултация бюросига ўтказилганлиги айтилиб, айрим ижодий маслаҳатлар берилган, лекин энг муҳим гап хат охирида ёзилган эди: “Агар йўлингиз тушса, бизга бир кириб ўтинг, батафсил суҳбатлашамиз”. Ёзувчилар идорасининг бланкасига ёзилган бу маҳобатли хатнинг тагида: “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Консултация бюроси етакчи консултант Шухрат”, деган ёзув турарди. Қувончим чексиз, чунки бу адиблар номи мамлакатда машҳур эди. Мактабимизда байрам бўлиб кетди. Хатни ушлаб кўрмаган одам қолмади. Афтидан, чет қишлоқдаги бир мактаб

ўқувчисининг машқи устозларни бефарқ қолдирмаган ва улар бу борада бир гап борга ўхшайди, уни диққат назаридан қочирмайлик, деган фикрга келишган кўринади.

Бу хатни тумордай асраб юрганимга кўп дўстларим гувоҳдир. Мактабни битириб, Бекободда қум-шағал карьеридида ишладим. 1959 йили Тошкентга келиб Шухрат акага учрашдим...

Хуллас, Ҳамид Фуломнинг мақоласи сабаб бўлди-ю, биз Шухрат ака билан устозу шогирд бўлиб кетдик. 1960 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мени Москвадаги М.Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга йўллади. Ўшанда уюшма котиби бўлиб ишлаётган Ҳамид аканинг яхши ўқиб келинг, деб оқ йўл тилагани ёдимда турибди.

1966 йили институтни битириб Тошкентга қайтдим. Ўшанда Ҳамид ака “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири эди. Журналда ишладим. Илк дostonим “Машраб” 1967 йилда журналда Ҳамид Фулом хайрихоҳлиги ва кўмаги остида эълон қилинди. Озод Шарафиддинов ўзининг “Йиллар ва йўллар” мақоласида ёш шоирнинг бу дostonини эллик йил ичида яратилган эътиборли асарлар қаторига кўшди... Аммо дostonнинг эълон қилиниши олдидан уни Ёзувчилар уюшмасида синчиклаб ўқиб чиқиш, уни эълон қилиш-қилмаслик муаммоси туғилиб қолади. Гап шундаки, у пайтларда Бобораҳим Машраб ижоди ва шахсига ҳар хил қарашлар мавжуд эди: шўролар уни авлиё, диндор деб ёқтирмасдилар, диндорлар эса Машрабни шаккоклик даражасига чиқариб қўйган эдилар. Энди бўлса ёш бир шоир у ҳақда дoston ёзибди... Хўш, ёш шоир шундай мураккаб мавзуга қандай ёндашди экан?.. Хуллас, дoston корректураси сўраб олинади, уни шахсан ўзим ўша пайтда уюшма котибларидан бири Асқад Мухторга элтиб бергандим. Юқорида таъкидлаганимиздек, уюшмада ҳам дoston маъқул бўлди шекилли, ҳар қалай, эълон қилинди. Албатта, бунда журнал муҳаррири Ҳамид Фуломнинг роли катта бўлганлиги шубҳасиз.

Ҳамид ака узоқ йиллар Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида директорлик қилди, камина кўп томлик нашрлар редакциясига бошлиқ эдим. Ана шу даврларда адабиётимиз кўрки бўлишга арзийдиган кўплаб оригинал асарлар, адибларимизнинг кўп томлик китоблари, сайланмалари босилиб чиқди, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, ўқувчиларга тақдим этилди.

Айрим асарлар номини келтиришнинг ўзи сўзларимни исбот этади. Масалан, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си таржима-си бевосита Ҳамид ака ташаббуси билан амалга оширилди, ҳатто ўзи таржимонлардан бири сифатида қатнашди. Абдулла Орипов Данте Алигъери қаламига мансуб “Илоҳий комедия”-нинг “Дўзах” қисмини муваффақиятли таржима қилиб чоп эттирди. Эркин Воҳидов Гётенинг (Ҳёте эмас!) “Фауст” асарини шу пайтларда ўзбек тилига ўгирди ва эълон қилди. Жованни Боккаччонинг “Декамерон” романи Қодир Мирмуҳамедов таржимасида кўп нусхада босилиб чиқди. Камина ҳам қадимий ҳинд эпоси “Рамаяна”ни бевосита Ҳамид аканинг қўллаб-қувватлови билан таржима қилдим ва у катта нусхаларда дунё юзини кўрди. Келтирилган асарларнинг ҳар бири улар мансуб бўлган халқ маданиятининг гултожи ҳисобланади, энди улар умрбод ўзбек халқининг маънавий мулкига айланиб қолди.

Буларнинг бари Ҳамид Фуломнинг ижодкор шахс сифатидагина эмас, балки маданият ва жамоат арбоби сифатида ҳам қизгин фаолият олиб борганлигини кўрсатади.



Ўзбекистонга мафтун бўлдим. Бу ерда ижодкор қаҳрамон халқни, фидокор кишиларни кўрдим. Ўз ватаним Чили ҳам шундай озод, обод ва чароғон бўлишини орзу қиламан. Ўзбек қардошларимга чин юрагимдан ташаккур.

Пабло Неруда

СЎЗ ҚУДРАТИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳамид Фулом уруш йиллари Ўзбекистон радиосининг етакчи диктори бўлиб ишлаганлигини ҳозирги авлоднинг аксарияти билмаса керак.

Дикторлик маҳоратини астойдил эгаллашда Ҳамид аканинг олдига тушадигани йўқ эди ўша маҳаллар. У ҳар бир эшиттириш, ҳар бир ахборотни микрофон орқали ўқишга пухта тараддуд кўрар, қайси воқеани тингловчига қай йўсинда етказиш, қай иборага урғу беришу қайси жойда овозни пайсантириб ёки титратиб, қалбларнинг энг чуқур ерига етказиш, нозик торларини чертиб ўтиш заруратига эътибор берар, шу билан бирга, беқиёс қаҳрамонликлар кўрсатиб, фронтда жанг қилаётган миллатдошларимизга нисбатан оташин муҳаббат уйғота билишнинг жуда-жуда ҳавосини олган эди. Унинг овозидаги фақат ўзигагина хос нафосат, жозиба, ҳатто жонсиз вужудга ҳам руҳ бағишлаётгандай туюлган сеҳрли қудрат Аллоҳ таолонинг унгагина эҳсон қилган бебаҳо туҳфасига ўхшарди.

Унинг “Диққат қилингиз, Тошкентдан гапирамиз!..” дегандаги мўъжизакор овози барча радиотингловчиларнинг эътиборини дарров боғлаб оларди ўзига. Шундан кейин ярим дақиқалик сукутга толарди-да, кейин овозини яна бир парда юқорироқ кўтариб ўқишда давом этар, тотли ҳаяжон уйғотарди кишида.

– “Сўнгги ахборот” эшиттирамиз!

Айниқса, Сталинград фашистлар исканжасидан озод этилиб, шаҳар аҳли озод бўлганлиги ҳақидаги биринчи ғалабани қанчалик маҳорат, бетакрор нафосат билан эълон қилганлигини шу кеча-кундуздаги кексаларнинг кўпчилиги эсласа ажабмас. Дарҳақиқат, уч йилга яқин уруш азобини тортди, деярли аждаҳо домида умр кечирган сталинградлик-

лар ниҳоят эркин ҳаётга эришаётганликларини астойдил ҳис қилишлари, қоронғи дилларга чироқ ёқилиб, нурафшонликка тўлган ўша севинчли кунларни унутиб бўлармиди?! Ўша дастлабки ғалабада гўё Ҳамид Фуломнинг катта ҳиссаси бордай студиядан чиқиши билан уни барча радио ходимлари қуршаб олиб табриклашлари, ўша маҳаллар адабий драматик эшиттиришлар бошлиғи бўлиб ишлаётган машҳур ҳикоянавис ёзувчи Ойдин Собирова ҳам:

– Ҳамиджон, ахборотни жуда антиқа қилиб ўқидингиз, раҳмат сизга, табриклайман! – дея кучоқлаб олганлиги кўз олдимида менинг.

Ҳамид Фуломнинг матн ўқишига ҳавасмандлар жуда кўп эди. Ўшанда барча шоғирдлари ҳам унга тақлид қилиб ўқишга ҳаракат қилишарди. Шулардан бири Қодир Махсумов бўлиб, ҳар бир ифодасидаги сўзларга ўзгача жило беришини, ҳар бир талаффузни тўғри ва аниқ, ҳатто тиниш белгиларигача жой-жойида ишлата билишлигини эшитиб, худди Ҳамид Фуломни тинглаётгандай бўларди ҳамма. Айниқса, овоз пардаларидаги ранг-баранглик дам най куйидай, дам танбур садосидай ҳузурбахш, дам денгиз тўлқинидай шиддатли жўшиб янгрардики, бу ўз навбатида ҳар бир жумла, ҳар бир талқин этилган сўз оҳанг билан омихталаниб, алоҳида кўркемлик, дилраболик касб этарди. Ҳамид Фуломнинг шоғирдлари ундан нусха кўчирардилар гўё. Унинг ихлосмандларидан шоир Туроб Тўла, кейинчалик дикторлик соҳасида ном қозонган ва Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган Туйғуной Юнусхўжаева, таниқли журналист Бурҳон Зиёев, Сайфиддин Рихсиев, Ҳуррият Набиевалар ҳам дикторликда Ҳамид Фуломдан мактаб олардилар. Устознинг овозидаги сир-синоатни билишга жуда қизиқардилар улар. Шу тўғрида савол берардилар кўпинча.

– Бунинг ҳеч сирини йўқ, – дея жавоб қиларди Ҳамид Фулом. – Москва радиосининг диктори машҳур Левитан овозини оғиз бўшлиғидан чиқаришни маъқул кўради, мен эсам қоқ кўксимдан суғуриб оламан. Шу, холос. Фақат овозимга юрагимни ҳам андак қўшиб чиқараман. Чунки юрак қўшилмаган овоз куруқ, ширасиздай эшитилади, унчалик жарангламайди, ифода қилаётган сўзларингизнинг етарли таъсири бўлмайди. Бундай матн ўқишдан кимга фойда? Микрофон орқали тара-

либ, қуруқдан-қуруқ ҳавога учиб кетаверади, тамом. Йўқ, биз дикторларнинг ҳар бир сўзимиз шундай ифодаланиши керакки, ўша заҳоти инсонларнинг юрагига етиб борсин, у ерни нурга тўлдириб, эзгулик ҳиссини қўзғатолсин, эртаги кунларига астойдил ишонч ҳисси уйғотсин, қувонч ато этсин, ҳаяжонга солсин.

Унинг тажрибаси, айниқса, ғазал ўқиган пайтлари қўл келарди. Радиода фақат у-ю шоир Туроб Тўлагина ғазал ўқишни ўрнига қўя оларди. Кейинчалик бу санъатни Қодир Махсумов ҳам эгаллаб олди.

— Ғазал ўқиш бармоқ вазнида ёзилган шеърларни ўқишдан бутунлай фарқ қилади, — дея шогирдларига уқтирарди Ҳамид Ғулум. — Ғазал ўқишда ҳар бир байт, ҳар бир мисрага алоҳида безак бериб, қироатни ўрнига қўйиш керак. Лекин қироатга берилиб, маънони унутиш ҳам ярамайди. Энг муҳими, маъно. Маъно бузилдими — тамом, ғазалнинг таъсир кучи паққос йўқолади, завқсиз, мантиқсиз оддий гапдан фарқи бўлмай қолади. Вазни бузилмай, ўлчови ҳам ўрнида жаранглаган ғазал алоҳида жозиба кашф этади. Айниқса, сўзлар, турли ибораларнинг ҳижоси, яъни бўғинга аҳамият беришнинг роли муҳим. Бармоқ вазнида ёзилган шеърларда “боғ” ёки “тоғ” сўзлари бир бўғинда эшитилса, ғазалда шу сўзлар “о” ҳарфининг чўзилиши ҳисобига икки, баъзан эса уч бўғин (ҳижода)да ифода этилиш хусусиятига эга: “бо-о-ғ”, “то-о-ғ”... “бўстон”, “боғбон” сўзларида эса “ғ” ҳарфи ифодасидан кейин ярим “и” кашф этилиб, тўрт бўғин (ҳижода) ифодаланиши мумкин: “бўс-то-он”, “бо-ғ/и/бо-он”, “ўрто-о-ғ/и/лар”, “қишло-о-ғ/и/лар” ва ҳоказо...

Ҳар бир байтнинг ҳар мисраси ўзига хос урғу талаб қилади. Ҳар бир мисранинг сўзлари ҳам шундай. Масалан, “...таҳ-ба, таҳ қон айладинг кетдинг” мисрасидаги “қон” сўзига алоҳида урғу бериб ўқишга тўғри келади: “таҳ-батаҳ қ-о-о-н айладинг айладинг кетдинг”. Дарвоқе, ғазал муаллифи севгилисининг фироқида эзилиб, юрак-бағри қон бўлиш даражасига етганидан қийналса ҳам бир оз эркаланиб, дардини изҳор этганига қарамай, озори камлик қилгандай яна ошиғига беписанд бўлиб кетиб қолганлигидан алам чекади гўё. Ижрочи ҳам ана шу маънони англаб, тингловчига етказиб бера билиши керак. Бунга эришиш учун шу мисранинг

мағзини чақа биладиган даражада маълумот ва фаросатга эга бўлмоқ лозим. Бу ҳам кичкина санъат эмас.

Қодир Махсумовни ҳам худди ана шу руҳда тарбиялайди у. Ҳатто шогирди матн ўқиш маҳорати билан устоздан ўтиб кетаётганига ҳам ранжимаиди, қайтага қувонади. Унга муҳим ва ниҳоятда масъулиятли материалларни ўқишга ишониб топшираверади. Ҳатто уруш тамом бўлишини микрофон орқали эълон қилишни ҳам Ҳамид Фулом ўзи ўқимай, айнан Қодир Махсумовга топширади.

Дарҳақиқат, салкам тўрт йил уруш азобида қийналиб, сабр косаси тўлган халқ ниҳоят озодликка чиққанларига ҳам дарров ишониб-ишнолмасдилар ўшанда. Радиодан эса галабани қутловчи куй-қўшиқларнинг кетма-кет таралиши тинмасди. Бутун мамлакат узра эл олқишига сазовор бўлган хонандалар, созандаларнинг хонишлари баралла янграшдан бир зум тўхтамайди. Шоирлар кетма-кет шеърлар ўқийди. Фақат урушнинг тугаганлиги ҳақидаги расмий хабардан дарак йўқ, холос. Ўзбекистон радиоси ходимлари ҳам Москвадан келадиган махсус матнни кутиб, сабрсизлик исканжасида, ҳайрону гирён эдилар. Шу алпозда кеч киради ўша мавҳумлик ҳукм сурган куни.

Уруш тугаганини ҳамма биларди, аммо радио орқали расмий эълонни ўз қулоқлари билан эшитиб, кўнгиллари ўрнига тушиши керак. Шунинг учун радио карнайлари ости, ҳатто радио биноси олди ҳам одамларга тўлиб кетган. Трамвайлар иш соати тугаб, қўналғаларига бориб, дам олиш ўрнига қаерда тўхтаган бўлса, ўша ерда қотиб қолган. Ҳайдовчилар, чипта сотувчиларгача оломонга қўшилиб, қандай бўлмасин радио биноси ортидаги почта томига ўрнатилган радиокарнайи остига яқинроқ келиб, қулоқларини динг қилганлар. Йиғилганлар бир-бирларидан соат неча бўлганини суриштиришади. “Сўнгги ахборот” нимага бунчалик кечикаётганидан хайрон бўлишади. Унинг ўрнига концертдан кейин яна концерт. Вақт ярим кечага яқинлашади. Юқори авж пардаларида янграётган куй-қўшиқлар тугай демайди. Ниҳоят, қандайдир муסיқа юқори авж пардасига етганда шартта узилади-да, унинг ўрнини дириллаган бўғиқ садо эгаллайди. Бироқ тагин узилиш... Яна ҳеч тушуниб бўлмас тикир-тикир, фир-фир этган сас-садолар эшитилиб, барчанинг жигига тега бошлайди. Ку-

тилмаганда радиотингловчиларга яқиндан таниш, қадрдон товуш янграйди бирдан. Бу Ҳамид Фуломнинг эмас, унинг шогирди бўлмиш Қодир Махсумовнинг жарангдор овози эди. Барчанинг нафаси ичига тушиб, бутун вужуди қулоққа айланади гўё. “Диққат қилингиз, Тошкентдан гапирамиз!” деган айнан Ҳамид Фулом тақлидидаги мўъжизакор овоз барчанинг эътиборини ўзига боғлаб олади. Яна сукунат...

Ҳамид акада азалдан тингловчиларнинг эътиборини тортиш мақсадида бирон муҳим маълумот, қувончли ҳодиса ёхуд буйруқ, фармойишларни эълон қилиш олдидан мурожаат зиммасини шундай такрорий ифода этиш одати бор эди. Аммо нутқининг ҳар жумласидан кейин алоҳида маънога эга бўлган бунчалик сирли узилиш усулини қўлламасди ҳеч. Қодир Махсумов эса атайин тингловчиларнинг юрагида андак ҳовлиқиш ҳиссиётини уйғотиш, ички дунёсини така-пукага солиш, ҳаяжонлантириш ниятида бўлса керак, шундай қилади. Уни тинглаб ўтирган Ҳамид акага ҳам бу усул ёқиб тушади. Қодир ака эса айни муддаога ўтади кейин:

– Уруш тамом бўлди, ўртоқлар!

Барча учун худди ана шу керак эди. Шу қисқагина ва жуда-жуда соғиниб, кўпдан бери интизор кутилган жумла янграгандан сўнг гумбирлаган момақалди роқ янглиғ зафар салютитай олам ларзага тўлди. Одамларнинг ички дунёсидан кучли вулқон каби отилиб чиққан “Урра! Урра!” садолари янграйди атрофда. “Хайрият, хайрият, ё парвардигорим, шу кунларга етар кунлар бор экан-ку!” деган нидолар кучаяди, таниш-нотанишликни суриштирмай, бир-бирларининг кучоқларига отилаверади, севинчдан кўзлар ёшга тўлади. Шодиёна бақир-чақирлар, беихтиёр хўнграб йиғлашларни эса тасвирлашга сўз ожиз. Радио ходимларининг ҳам ҳаяжондан юрак тўлқинлари юзлари ва кўзларида баралла экс этар, бир-бирларини кетма-кет табриклар эдилар. Ҳамид ака ҳам ўзини тутолмай, ғалаба матнини қойилмақом қилиб ўқиб эфирга узатган шогирдини бағрига босади, ундан мамнун бўлганлигини изҳор этади. Бир неча кунгача дили ёришиб, Қодир Махсумовни олқишлаган ва унга бахшида этган устозлик меҳнатидан мамнун бўлганлигини билдириб юради. Қодир Махсумовнинг яхши дикторлиги учун Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлишида ҳам яқиндан ташаббус кўрсатганлардан бири бўлади.

Сўз кудрати ана шундай. Дикторлик санъатини пухта эгаллаган Ҳамид Фулом ўшанда бунга исботлаб берган эди.

У радиода ишлаб юрган йиллари ватанпарварлик руҳида ёзилган қатор шеър ва балладалари матбуотда эълон қилинди. Яхшигина ёзувчи бўлиб етишишида мазкур даргоҳнинг роли катта бўлади. Бу ердаги ижодий жамоа, улкан адабиёт аҳли билан учрашув, ўзаро суҳбат-мулоқотлар унинг учун бир дорилфунундай хизмат қилади. “Олмос қизи”, “Тошкентликлар”, “Машғал” романлари ана шу дорилфунуннинг илк ҳосилалари ҳамдир десак, янглишмаймиз. Ёзувчининг “Сенга интиламан”, “Бинафша атри” романлари Мирзачўлни ўзлаштирувчилар ҳақида ҳикоя қилади. У “Тошкентликлар” ҳамда “Мангулик” романлари учун юксак мукофотларга сазовор бўлди. “Жазоирда тонг”, “Қитъалар уйғоқ”, “Вафонинг узун йўли”, “Хиросима балладалари” асарлари ҳам китобхонлар томонидан севилиб ўқилади.... “Фарғона ҳикояси”, “Тошболта ошиқ”, “Ажаб савдолар”, “Ўғил уйлантириш”, “Муҳаббат навоси” номли мусиқали ва комедия жанрида яратилган пьеса ҳамда драмалари ўзбек театри саҳналарида намоиш этилиб, халқнинг энг сеvimли спектакллари қаторидан ўзига муносиб жой олади. Драматург сифатида ҳам элга танилган устоз адиб ўз номини шарафларга буркайди.

Истеъдодли ўзбек ёзувчиси Ҳамид Фулом Ўзбекистон радиосидан кейин Москвага бориб, Адабиёт институтининг Олий Адабиёт курсида таҳсил кўриш билан ёзувчилик малакасини оширади, ундан кейин “Литературная газета” сининг Ўзбекистон бўйича муҳбири бўлиб ишлаб, миллий адабиётимиз вакиллариининг ижодий маҳоратларини дунёга таништиришда астойдил жон куйдиради.

“Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби вазифасида хизмат қилган кезлари ва айниқса, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига бошчилик қилган йиллари ўзбек адабиёти ривожига ниҳоятда улкан ҳисса қўшганлигини юксак ҳурмат ва эъзоз билан эслайди ҳамма. Улар қатори мазкур сатрлар муаллифи – каминанинг камтарона ижодий фаолияти шаклланишида ҳам ўз ёрдамини аямаган жонкуяр ва табаррук устоздан бир умр миннатдорман. “Шарқ юлдузи” журналини бошқарган кезлари ўз ҳузурига чақириб Қизилқум воҳаси-

даги Аму—Бухоро канали қурувчилари ҳақида каттароқ очерк ёзиб келиш учун мени хизмат сафарига жўнатади. Ундаги мўъжизакор янгилик яратувчилар ҳақида ёзган “Сув ортига оқарми?” номли очеркимни ўқиб, мамнун бўлади ва буни роман қилиб ёзишимга маслаҳат беради. Шу маслаҳат асосида “Тўфон” номли романим дунёга келгандан кейин уни журналда босиш билан бирга рус тилига таржима қилиниб нашр этилишига унинг ўзи шахсан бош-қош бўлганлиги ҳеч эсимдан чиқмайди. Роман Москвада энг яхши замонавий проза асарлари учун эълон қилинган Бутуниттифоқ конкурси мукофотига сазовор бўлади. Бунинг ҳам Ҳамид аканинг шарофатисиз амалга ошмаганлигига амин бўлганман. Фафур Гулом номидаги нашриётга раҳбарлик қилган маҳаллари ҳам унинг бебаҳо ва беқиёс марҳаматига муяссар бўлганимни унутолмайман ҳеч. Ўша йиллари уч китобдан иборат “Борса келмас” номли асарим тайёр бўлади. Буни биринчилардан бўлиб ўқиб чиққан устоз чин дилдан қутлайди мени. “Шу тирмизак ёзувчига трилогия ёзишни ким қўйибди”, дея мени менсимай, ичдан ғайирлиги келиб, тилига ортиқча эрк бериб юрган айримларнинг қаршилигига қарамай, Ҳамид ака китобни икки марта олтмиш мингдан 120 минг нусхада нашр эттиради. Роман китобхонларга манзур бўлади. Ҳатто рус тилига таржима қилиниб, Москвада, ундан кейин айрим хорижий мамлакатларда ҳам чоп этилади. Буларнинг ҳаммаси учун азиз ва муҳтарам устознинг мардлиги, ҳалол, зилол сувидай тиниқ қалб муруввати олдида тиз чўкиб, бош эгаман доим. Шундай олижаноб хислат эгаларига ўлим йўқ, ундайлар ўлмайди ҳеч қачон. Қаторимизда ўзи бўлмаса ҳам хотирамизда мангу яшайди, шундай меҳридарё инсонлар абадий барҳаётдир бу ёруғ дунёда.



Носир Фозилов,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби

ТАЪЗИМ

Мен бу одамни оддийгина Ҳамид Фулом пайтида таниб, кейинчалик Ҳамид Убайдуллаевич бўлган кезларида бирга ишлаш бахтига муяссар бўлганларданман. Бундай деяётганимининг сабаблари бор...

Эллигинчи йилларнинг бошларида бўлса керак, қўлимга бир журнал тушиб қолди, ҳозир аниқ эсимда йўқ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» миди ё «Шарқ юлдузи» бўлган пайтимиди, бундай варақлаб қарасам, шу Ҳамид акамизнинг «Олмос қизи» деган қиссаси чоп этилган экан. Бир зарб билан ўқиб чиқдим. Бу асарни ҳозир негадир кам эслашади. Қисса менга ўша пайтда жуда ёққан эди. Ҳатто кўнглимда шундай асар ёзиш ҳавасини уйғотган ҳам эди. Менинг ёзувчиларим ўша пайтларда бошланганини мамнуният билан эслайман. Ундан сўнг, қўлимга Парда Турсуннинг «Ўқитувчининг йўли» асари тушди. Буни ҳам зўр иштиёқ билан ўқиб чиққанман. Эндигина қишлоқдан келган, бадииятга кўзи оч ўсмирлардан эмасмизми, у кезларда нимани қандай ўқиш, қачон ўқиш ҳадисини билмасдик. Менинг айтмоқчи бўлганим, бу асар ҳам Ҳамид аканинг таҳририда чоп этилган бўлиб, ўша пайтларда муҳаррир деган сўз бизга бир илоҳий тимсолдек туюлар эди. Назаримда, муҳаррир муаллифдан кам одам эмасди. Мен ҳам нашриётларда ишласам, таҳрир қилган китобларим охирига муҳаррир фалончи деб гажакдор имзо чексам, деб орзу қилардим. Фаришталар омин деган эканми, кейинчалик бу орзулар ҳам амалга ошди...

Талабалик даврларимда камина тез-тез Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига бориб турардим. Турли кенгашлар, мажлислар борми, муҳокамалар борми, иложи борица барчасига қатнашишга ҳаракат қилардим. Мақсадим, таниқли адибларни, узоқдан бўлса-да, кўриш эди. Уларга ҳавас қилардим. Ҳамид акага ўшанда узоқдан қараб, худди одам кўрмаган-

дай томоша қилганман. У қадди-қомати келишган, башанг кийинадиган, нутқи ниҳоятда равон, ҳамиша кулиб турадиган ёқимтой киши эди. Тақдир тақозоси билан кейинчалик, ўқишни тугатганимдан сўнг аста-секин у билан яқинлаша бошладим: у пайтда мен «Гулхан» журналида ишлардим. Биринчи қадамимни қозоқ адибларининг асарларини таржима қилишдан бошладим. 1950 йилнинг ўрталари эди. Бу вақтда мен Собит Муқоновнинг «Ҳаёт мактаби», Фабиден Мустафиннинг «Қарағанда» романларини таржима қилиб, уюшмадаги баъзи акаларимизнинг назарларига тушиб улгурган эдим. У кезларда Ҳамид акамиз уюшмада адабий котиб бўлиб ишлардилар. Бу орада Қозоғистонда Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги ўтадиган бўлиб, шу баҳона севимли адибим Ҳамид ака билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. У ниҳоятда ширинсухан, яхши сўзнинг гадоси бўлиб юрган бизга ўхшаш ёшларнинг гапларини, илтимосларини рад этмайдиган инсон эди.

Қозоғистонда бўладиган Адабиёт ва санъат ўн кунлигига тайёргарлик ишлари қизигандан-қизиб кетди. Камина эндигина ўқишни тугатиб, кўрсат ишингни, деб кўкрагига муштлаб юрган пайтлари эмасми, енг шимариб ишга тушиб кетдим. Уни қил, буни қил, бориб кел, олиб кел қабилдаги ишларга жуда чаққон эдим. Ўша кезларда Олмаота билан Тошкент ораси мен учун бир қадам бўлиб қолган эди. Худди бўзчининг моксидек зув қатнардим. Нонуштани уйда, тушликни Олмаотада, кечки овқатни уйга келиб еган пайтларим ҳам бўлган. Ҳозир эсласам, юракларим орқага тортиб кетади. Ўша йиллари Ҳамид аканинг илтимоси билан олти китоб таржима қилибман. Собит Муқоновнинг «Чўпон бола», Қоратоев ва Брагинларнинг «Кўшиқ қанотида» номли туркум адабий мақолалари, «Қозоқ ҳикоялари» деган ном билан қозоқ адибларининг ҳикоялари антологияси ва ҳоказо.

Аммо декадага тайёргарлик ишлари билан танишган раҳбарлар таржималар ичида бирорта йирик асар йўқлигини айтишди. Ўн кунлик бошланишига атиги икки ой қолганда Фабит Мусреповнинг 23 босма тобоқдан иборат “Қозоқ солдати” романини таржима қилишни Ҳамид ака мендан илтимос қилдилар ва менинг ишлашим учун барча шароитларни яратиб бердилар.

Бу асар атиги ўн тўққиз кунда таржима қилиб бўлинди ва босмахонага жўнатилди. Ҳукумат олдида юзимиз ёруф

бўлди-ю, ammo менинг ҳам бўладиганим бўлган эди. Бурнимдан тортса йиқилгудай чарчаган эдим.

Оқ юз, обрў билан Олмаотага бориб, ўзимизни дўстлар кучоғида, ардоғида кўрганимиздаёқ ҳамма чарчоқлар чиқиб кетган, дўстлар, устозлар қуршовида ниҳоятда бахтиёр, ниҳоятда эрка ҳис этардим ўзимни!..

Йиллар ўтиб, Ҳамид ака «Шарқ юлдузи»га бош муҳаррир бўлиб келдилару бирга ишлай бошладик. У киши ниҳоятда интизомни яхши кўрадиган, ҳаммадан шуни талаб қиладиган одам эди. Мен «Шарқ юлдузи»да йигирма беш йиллар чамаси ишлаган бўлсам, шунинг беш-олти йилини Ҳамид ака билан бирга ўтказдим. Бу йиллар — ўзбек адабиёти гуркираб ривожланиб турган пайти — таҳририятга қарийб ҳар ўн кунда битта йирик асар келарди. Уни синчиклаб ўқиб, фикр айтиш таҳририят ходимлари зиммасида эди.

Ҳамид ака муҳаррирлик қилган йилларда журналнинг нуфузи ошиб, ўзининг шуҳрат чўққисига кўтарилган эди. Уни бежизга ўзбек адабиётининг «қора қозони» деб аташмасди. Ҳақиқатан ҳам бу қозонда қанчадан-қанча асарлар пишиб, етилиб чиқмади дейсиз! Ўҳ-хў! Журналда чоп этилган асарларни нашриётларнинг демай қабул қилиб олишарди. Қанчадан-қанча асарлар шу ердан парвоз қилиб, жаҳонга чиқиб, умумбашариятнинг маънавий мулкига айланиб кетмади дейсиз! Ўша пайтда журналнинг адади 230—240 минг нусхага етиб, рекорд даражага чиққан, адиблар бу журналда чиқишни ўзларига фахр деб билардилар. Журналда шунча ишлаб, асарни зудлик балан ўқиб, ўз фикрини дадил ва ҳалол айта оладиган муҳаррирни биринчи кўришим. Нақ беш юз саҳифалик романларни бир кечада ўқиб келардилар, десам, балки ишонмасиз. Аслида худди шундай эди. Бошқалардан ҳам шу жадалликни талаб қилардилар.

Умуман, мен шу йиллар ичида беш-олтита муҳаррир билан бирга ишлаган бўлсам, улар орасида Асқад Мухтор ва Ҳамид акачалик ишга масъулият билан ёндашганлари камдан-кам бўлди.

Ҳаммада бўлганидек, Ҳамид акада ҳам бировни мақташ, яхшилик қилиш ниятида бир оз ошириб гапириш, ўрни келса, ишонувчанлик одатлари бор эди. Бир куни шундай воқеа юз берди: ўша пайтларда қаердадир бирон-бир нуфузли йигин бўлиб қолгудай бўлса, албатта, бош муҳаррирлар так-

лиф қилинарди. Шу жумладан, бизнинг бош муҳарриримиз ҳам. Ҳамид ака тушликдан кейин ўша йиғиндан қайтиб, мени хоналарига чақирдилар-да, юпқароқ кўк папкани олдимга қўйдилар ва бу қиссани эрталабгача ўқиб чиқиб таҳрир қилишни илтимос қилдилар.

Мен қўлёзмани уйга олиб кетиб ўқиб чиқдим. У ниҳоят-да бўш эди. Ҳамид ака унча-мунча асарларни журналимизга раво кўрмасдилар. Шу боис: “Демак, кеча йиғинда бир амалдор қиссани мақтаб қўлларига тутқазган. У киши ишонувчан одам эмасмилар, “гап йўқ, бўлади”, деб олиб келаверганлар”, деб ўйладим. Эртасига ишга борганда қўлёзмани ўқиб чиққанимни, у ниҳоятда бўшлигини, камчиликларини Ҳамид акага тушунтирдим. Улар бунга қўшилдилар. Дарҳол мазкур асар муаллифининг номига хат битиб, Ҳамид ака иккаламиз имзо чекдик-да, жўнатиб юбордик.

Ўша пайтларда биз – таҳририят ходимлари худди «Пахтакор» футбол командасининг дарвозабонидек ҳушёр эдик. Яхши асар келса, бутун жамоамиз билан хурсанд бўлардик. Ночор-нотавон асар келса, ишонтирарли далиллар билан маслаҳат бериб қайтарардик. «Шарқ юлдузи» таҳририятининг дарвозаси улар учун берк эди. Тўғриси айтиш керак: журналга келган муаллифлар орасида аввал юқоридан сим қоқтириб, сўнг қўлёзмасини олиб келадиган амалдорлар ҳам бўлар, баъзан улар олдида ночор қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Начора! Биз муҳарриримизга, муҳаррир эса бизга қаттиқ ишонардилар. Ҳамид ака уч-тўрт йил илгари «Шарқ юлдузи» журнаliga берган бир суҳбатларида: «... «Шарқ юлдузи»-да биз Ваҳоб Рўзиматов, Ҳайдарали Ниёзов, Носир Фозиловлар билан бирга ишладик. Буларнинг ҳар бири ўзича бир забардаст муҳаррир эди», деганларида мана шу воқеаларни назарда тутган бўлсалар ажаб эмас.

Ҳамид ака «Шарқ юлдузи» журналидан кейин Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига директор этиб тайинландилар. Унга ўтишлари билан мени олдиларига чақириб: «Қани, Носирхон, наср бўлимини қўлингизга олинг!» дедилар. Ўтдим. Яна бирга ишлай бошладик. Энди юмуш икки-уч баробар ошди. Бош қашишга вақт бўлмай қолди. Кундан-кунга иш кўпая борди. Мен директорнинг олдига янги-янги таклифлар билан кирардим. Бирортасини қайтарганларини, мени ноумид қилиб чиқарганларини эслаёлмайман. Худди

ўша кезларда бирон-бир каттароқ китоб чиқаролмай юрган ёшларнинг китоблари дунё юзини кўрди. Жумладан, Шукр Холмирзаев, Неъмат Аминов, Йўлдош Сулаймон, Жонрид Абдуллахонов, Самар Нуоров, Саъдулла Сиевларнинг залворли бир-икки жилдлик асарлари кетма-кет чиқа бошлади. Каминанинг икки жилдлик сайланмаси ҳам ўша кезларда чоп этилган эди. Ўзбек адибларининг энг яхши романлари, энг яхши дostonлари, жаҳон адабиётининг энг сара асарлари сериялари ҳам ўша пайтда чоп этила бошланди. Ўҳ-хў, айтаверсак, гап кўп.

Мен бугун Ҳамид аканинг баъзи ўзим билган инсоний фазилатлари ҳақида сўз юритдим. Ҳали ижодлари шундайлигича турибди. Агар устознинг ёзганлари жамланса, залворли-залворли ўн том бўлмаса, мен кафил. Бу ҳақда олимларимиз батафсил айтишар, ёзишар. Мен эса бугун у кишининг самимий акалигига, меҳрибон устозлигига, жўшқин иқтидорига, тадбиркор раҳбарлигига, ширинсухан оғалигига таъзим қиламан, бўлмайдиган ишларни бўлдирадиган, йўқни йўндирадиган таланти олдида, умуман, ёшларга кўрсатган ғамхўрликлари олдида таъзим қиламан.

Илоҳо, ихлосмандларингизнинг Сизга бўлган меҳру муҳаббатлари нурга айланиб, ётган жойингизни чароғон айласин. Имон келтириб айтишим мумкинки, Ҳамид акажон, Сиз энди устозларингиз қолдирган битикларда, ўзингиз меҳр кўргизган шогирдларингиз укаларингизнинг миннатдорлик туйғулари ила йўғрилган порлоқ хотираларида мангу яшаяжаксиз...



Бу гўзал хонадонда бахт, муҳаббат ва садоқат пиёласи тўла бўлсин. Дўстлар учун эса бугунгидай тўлиб-тошсин!

Зинаида Кириенко

Зиёд Есенбоев,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ҲАМИД

Атоқли ёзувчи ва шоир Ҳамид Фулом билан 1949 йили танишганман. Ўша пайтда ўзбек матбуотининг нуфузли отахон газетаси — “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) таҳририятида бирга ишлаганмиз. Мен газетанинг масъул котиби бўлсам, Ҳамид таҳририятнинг адабий котиби бўлиб ишлар эди. Тиниб-тинчимас, ижодий ишда, изланишда ҳамкасбларига шахсий намуна кўрсатиб, олижаноб фазилатлари билан барчамизни қойил қолдирарди. Шубҳасиз, Ҳамид Убайдуллаевич матбуотимизнинг ижодий лабораториясида ёрқин из қолдирган ижодкорлардан бири, десам, муболаға бўлмайди.

Эсимда, биз вақт билан ҳисоблашмай, тун-кун бирга ишлаб, тонготарни таҳририятда кутиб олардик.

Замон талабларига кўра Республикамизда Давлат Матбуот қўмитаси ташкил этиладиган бўлди. Мен 1963 йили бу Қўмигага раис этиб тайинландим. Давр тақозоси билан Қўмига тизимида янги нашриётлар очилди. Ҳамид Фуломни моҳир ташкилотчи, қалами ўткир ижодкор сифатида яхши таниганим туфайли Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига директор бўлиб ишлашга таклиф этдим. Рози бўлди. У, чамамда, 10–11 йил бу нашриётни бошқарди. Шоир ва адиб сифатида эса, Ҳамид Республика фан ва маданият ходимлари, санъат вакиллари, зиёлиларни яхши танирди. Шу боис нашриётда иш қўнғилдагидек борди. У ноширлик сирасорлари, паст-баландини тез ўзлаштириб, жамоанинг ютуқларини кўпайтиришга ҳисса қўшиб борди. Китоб нашр этиш илмини атрофлича билиб олган Ҳамид матбаачилар, босмахона бошлиқлари билан яхши муомалада бўлганлигини кўп бор кўрганман.

Ноширлик шундай санъатки, у кишидан тинимсиз ўқиб-ўрганишни талаб этади. Ҳамид Убайдуллаевич ҳар бир китоб

қўлёзмаси тахририятда кўрилиб, босмахонага топширилгунгача, сўнгра китобхонлар кўлига етгунига қадар бўлган нозик иш жараёнларини пухта ўргангани. Нашриёт чашмасидан бахраманд бўлиб, ноширлик тамини татиб кўрди, китобларнинг мазмунли, ғоявий-бадий жиҳатдан пишиқ, юқори даражада чоп этилиши учун жонбозлик кўрсатди. Ташкилотчи раҳбар сифатида ўз атрофига кўплаб иқтидорли ёш ижодкорларни тўплади, ғамхўрлик кўрсатиб, уларни тарбиялади, кўз қорачиғидек асради.

Ҳамид Убайдуллаевични китоб тарғиботчиси сифатида ҳам жуда ҳурмат қилардик. Турли даражада ўтказиладиган китоб кўргазмаларида бирга бўлардик. Тошкент ва Республика вилоятларида очиладиган китоб кўргазмаларида қатнашганмиз. Ҳамиджон ўзига топширилган ишни, раҳбар бўлса ҳамки, елиб-югуриб бажарар, маслаҳатларини аямас эди. Айниқса, қардош ёзувчи ва шоирлар Ҳамидни жуда ҳурмат қилиб, дийдор кўришганда мириқиб суҳбатлашишарди. Баъзан шундай давраларнинг иштирокчиси бўлганман. Сўз албатта, адабиётнинг бугуни ва келажаги, ижодкорларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳақида бўлиб, фикр алмашилар эди. Уни билган, уни таниган инсонлар борки, ҳаммавақт ҳурмат ва эъзоз билан номини тилга олишганини яхши эслайман.

Қадрдон дўст, ажойиб инсон, серқирра ижодкор Ҳамид Фулом ёдимда, қалбимда абадий яшайди.



Одатда машъала дейиларди, сен эса машъал сўзини қўллаб, тилга янгилик киритибсан. Жуда яхши.

Ф.Фулом

БИНАФША АТРИ

Ҳар бир ёзувчининг фаолиятида муҳим ўрин тутадиган ўз мавзулари, ғоялари бўлади. Ана шу мавзулар ёзувчининг, минглаб мухлисларнинг юрагидаги ҳаяжонлар, кўнглидаги изтироблар, ҳаёлидаги орзулар билан пайваста бўлиб кетса, ана шунда ёзувчи битган асарлар халқнинг маънавий мулкига айланади. Маънавий мулк эса халқнинг ўзи билан бирга наслдан наслга, авлоддан авлодга мерос бўлиб қолаверади. Ўзбек адабиётининг забардаст вакилларида бири Ҳамид Фуломнинг “Машғал”, “Тошкентликлар”, “Мангулик”, “Бинафша атри” каби асарлари ана шундай маънавий мулкмизга айланган.

Мен атоқли ёзувчимиз Ҳамид Фулом асарларидаги хотин-қизлар образини чинакам зиёли, назокатли ва курашчан аёллар тимсоли деб биламан. Улар доимо манфаатга, катта ҳаётга, кенгликларга интиладилар. Юракдаги меҳр-муҳаббат кўрларини атрофдагиларга бахшида этишга чоғланадилар. Бундай фидойилик, жасорат, айниқса, адибнинг “Машғал” романидаги Эъзозхон тимсолида яққол намоён бўлади.

«Бинафша атри»да ёзувчи аёлларни чексиз ҳурмат билан тасвирлайди, оналик жозибаси, дилбарлиги Аёл фазилатидаги маъсумлик, латофатлилик, ҳаётсеварликни адибимиз ғоят нафис чизгилар билан тасвирлайди. Чўлларга бинафша атрини олиб борган Инсон қадамларига мадҳия айтади у.

“Тошкентликлар” асари эса воқеалар қамрови, олижаноб талқинлари билан ўқувчига қадрдон бўлиб қолган.

Ҳамид Фулом қаламига мансуб юзлаб кўшиқлар, унинг таржимасидаги кўплаб жаҳон ва қардошлар адабиётининг дурдона асарлари, қаҳрамонлари эл орасида машҳур бўлиб кетган. “Тошболта ошиқ” томошаси ёзувчининг ижод уфқлари кенглигини кўрсатади. Мухлисларга айтадиган гаплари шеърга сиғмаганда насрга қўл уриши, насрга сиғмаганда эса

сахнавий асарларга дадил мурожаат қилиши ёзувчининг кенг қиррали ижодкорлигидан далолатдир.

Ҳамид Фулом “Шарқ юлдузи” журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаган йиллари бу адабий нашр гуллаб-яшнаган, ўқувчилар давраси кўпайган, унинг ҳажми ҳам йигирма босма тобоққа етган эди. Ёшларга ниҳоятда меҳрибон, уларни ҳаминша қўллаб-қувватлайдиган Ҳамид Фулом кўнгли кенг бош муҳаррирлардан эди. Ҳиммат ва саховати кўпларга ўрناق эканлиги сир эмас. Ҳуда-беҳуда ходимларини тергайвермас, уларни ўз ихтиёрига қўйиб берар, ҳар гал навбатдаги соннинг режаси тузилаётганда ходимларига янги мавзулар бериб, уларни рағбатлантирар эди.

Фафур Фулом номидаги нашриётда директор бўлиб ишлаган йиллари ҳам Ҳамид ака адабиётимизнинг чинакам жонкуяри, тарғиботчиси, ёш ижодкорларнинг ҳақиқий устози бўлиб, уларнинг китобларини кўп нусхаларда чоп эттиришда меҳр-илтифотини аямади. У ўнлаб ёш шоир ва ёзувчиларга оқ йўл тилаб, уларни катта адабиёт майдонига олиб кирди. Фафур Фулом, Ойбек каби устозларнинг меҳрини қозонди.

Устоз Ойбекнинг 60 йиллик, Шухрат аканинг 70 йиллик таваллуд айёмларида Ойбекнинг, Шухратнинг армон ва фахр тўла сўзларини ўқиб берганида, Ойбекнинг, Шухратнинг нидосини халққа етказганида бутун халқ ҳаяжон билан тинглаган эди Ҳамид Фуломни...

Ҳамид Фулом ёнида сўлим, маъсума рафиқаси Манзура-хон ая билан умр деб аталган синовларга тўла, машаққатли йўлларнинг саксон олти довонини босиб ўтдилар. Умр деб аталган бу йўлнинг олтмиш етти довонини елкама-елка, бахту иқболини баҳам кўриб, зулматли кечаларда ҳамлард бўлиб, меҳнат ва ижоднинг қувончларидан кўнгли юксалиб ёруғ кунларга келишнинг ўзи бахт. Аллоҳ суйган бандаларига узоқ умр бахш этади. Мукаррамликка муяссар қилади. Яхши рафиқа билан сийлайди. Қобил ва доно фарзандларга ота бўлиш бахтини беради. Минглаб мухлисларнинг ихлосини ҳадя этади. Уни севиб тингловчи, даврага кирганда сийлаб тўрга ўтказувчи, ёзувчим деб улуғловчи она халққа сазовор этади. Боз устига, кўнглини кўтаргучи мукофотлар, унвонлар ҳам беради.

Ҳамид Фулом ана шундай сийловлар, рағбатлар ва эл-юрт эҳтиромига эришган улкан ёзувчимиз эди. Шогирдла-

рига қилган барча яхшиликлари ва эзгуликлари умрбод юракларда сақланажак.

Унинг вазмин ва улуғвор чеҳраси, меҳрибон, олижаноб қиёфаси шогирдлар қалбида машъалдай нур сочиб туражак.

ҲАМИД ҒУЛОМ ВИДОСИ

Дўст-ёронлар, хуш энди,
Иссиқ дийдор туш энди,
Тилдан қолди, водариғ,
Юрак деган қуш энди.
Даврангизнинг тўрида
Битта ўрин бўш энди,
Бир кун Сизга қайтаман...

Мен элимга қайтаман
Бинафша атри бўлиб,
Қадим тошкентликларнинг
мартаба, қадри бўлиб,
Ғафур Ғулом наъраси,
Ойбекнинг фахри бўлиб
Мен элимга қайтаман.

Қитъалар уйғоқ, дея
долғали ҳаётим-ла,
Шоҳ Машраб оҳи била,
мангулик ёдим била
Мен элимга қайтаман.

Ёшлар тоққа интилса –
мен сўқмоқ йўл бўламан,
Чўққидан узатилган
мададкор қўл бўламан,
Оҳ, сенинг ёшлигинг деб,
ҳиммати мўл бўламан
Мен элимга қайтаман.

Вафонинг узун йўли
Кўргонимни беади,
Фарзандлар, неваралар
Жаҳонимни беади,
Шогирдлар саф-саф бўлиб
Бўстонимни беади,
Мен элимга қайтаман.

Кўзларимга жойлабон
Юртим жаннат жамолин,
Гойибдан мужда бўлиб,
Тилаб Ватан камолин,
Ҳамидман, Гуломдирман —
саховатдир аъмолим,
Ҳар кун сизга қайтаман,
Мен элимга қайтаман...



*Бу тортиниш аро секин пичирлаш,
Жой сўраб қилинган илтижо эмас —
Илтимос мен учун мушкул мудом,
Уйингиз севаман, хулласи калом.*

Римма Казакова

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

Очигини айтмай, мен қаламга олмоқчи бўлганим хушмуомала, хушфезъл инсонни ниҳоятда хурмат қилганман ва 70 йил давомида машҳур қаламкаш, атоқли маданият арбоби Ҳамид Фулом ижодини кузатиб борганман. Биринчи бор унинг “Бизнинг лагерь”, “Қуёш каби чароғон” шеърлари, “Катерина”, “Қасосим бор” балладаларини ўрта мактабдаёқ ўқиб, жозибаси ва мазмунига қойил қолган эдим. Шу-шу Ҳамид Фуломга меҳрим тушиб қолди. Шу туфайли унинг қаламидан чиққан бадиий асарларни завқ билан ўқиб бордим.

Ҳамид Фулом адабиётимизнинг барча тур ва жанрларида жуда катта адабий мерос қолдирди. Биз эса уни қадрига етишимиз, эъзозлашимиз, келгуси авлодларга тўла-тўкис етказишимиз даркор.

Тўғри, Ҳамид Фуломнинг асосий ижодий фаолияти шўро даврига тўғри келди. Шу сабабдан ҳам у замонга мослаштириб қалам тебратишга мажбур бўлган.

Тарихга назар ташласак, янги пайдо бўлган тузумга қараб, ўзига хос сиёсат ҳам рўёбга чиқаверган. Аммо халқ тузум қандай бўлишидан қатъи назар, ҳамиша астойдил меҳнат қилган. Мамлакатдаги ўзгаришларни, ютуқларни ҳам фақат сиёсатга боғлайвермасдан, улар халқ оммасининг қаҳрамонона меҳнати туфайли юз берганлигини таъкидлашимизни давр талаб қилади.

Буларни айтишдан мақсад, Ҳамид Фулом ҳам мумкин қадар ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқиб, асосий урғуни фуқароларнинг меҳнатини, курашини, ички оламини ёритишга қаратган.

Ҳамид Фулом ижодининг туб моҳиятига назар солсак, унда соғлом ғоялар, ажойиб ниятлар, мустақиллик мафкурасига мос ва хос бўлган қарашлар, бадиий баркамоллик жиҳатлари бўртиб туради.

Ҳамид Фулом ижодининг ижобий жиҳатларидан яна бири — юртни севиш, ватанпарварлик мотивларини куйлашдир.

Бу мавзу ижодкорнинг марказий мавзуларидан бирига айланган. Бу мавзу ўз-ўзидан дўстлик мотивлари билан уйғунлашиб кетади.

Адиб жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида бўлган ва ҳар бирининг ўзига хос жиҳатларини қалбидан ўтказиб талқин ва таҳлил қилган. Оқибатда “Куба ҳақида ҳикоялар”, “Қитъалар уйғоқ”, “Европа таассуротлари”, “Хиросима балладалари”, “Жазоирда тонг” каби пухта асарлари билан ўзбек миллий адабиётида халқаро мавзуни бойитди.

Ҳамид Фулом ижодида мамлакатимизда юз берган йирик ҳодисалар ҳам муҳаббат билан қаламга олинган. “Машғал” романида XX асрнинг бошларида ўзбек халқининг ҳаётида содир бўлган муҳим масала – маданий кўтарилиш жараёни ёрқин, бадиий шаклда ифодаланган. “Мангулик”да ҳам халқ тарихининг бир қисми – маънавият ва маърифатнинг Республикада авж олиши акс эттирилган.

Ҳамид Фулом ижоди маълум даражада ўзбек миллатининг бадиий солномаси сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Буларга яна унинг поэтик асарларини, қатор очерклари ва комедияларини қўшсак, ишончимиз янада ортади. Характерли томони шундаки, шоир сифатида ҳам, ёзувчи, драматург, очеркнавис, таржимон сифатида ҳам баракали ижод қилган.

Энг қийин жанр – драматургияда ҳам у ўзига хос услуб яратди, унинг сир-асрорларини чуқур ўрганиб, драматургияни, айниқса, комедияни тараққий эттирди. Биринчидан, Ҳамид Фулом ўз комедияларига мусиқа басталашда йирик бастакорларимиз Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Манас Левиев, Сулаймон Юдаковларни жалб қила олди. Демак, Ҳамид Фулом комедияларининг бадиий савияси уларни қониқтира олган.

Иккинчидан, санъаткорнинг кўп комедияларини томошабинлар илиқ кутиб олишди, шу сабабдан ҳам улар узоқ вақт саҳнадан тушмади.

“Қуралай кўз, қуралай
Туйнугингдан мўралай,
Сан ялло айтганингда
Оҳангига йўрғалай”.

“Тошболта ошиқ” комедиясидаги бу ария томошабинлар ўртасида кенг тарқалиб ёд бўлиб кетди.

Ҳамид Фулом бундан ташқари “Фарғона ҳикояси”, “Ўғил уйлантириш”, “Ажаб савдолар”, “Муҳаббат навоси” пьесалари билан Муқимий номидаги мусиқа театрининг репертуарини бойитди.

Адибнинг яна жиддий ижодий саҳифалари ҳам борки, улар ҳақида тўхталмасак, ижодий қиёфаси кўз олдимизда тўла намоён бўлмай қолади. Гап санъаткорнинг либреттист ва киносценарист сифатлари устида кетмоқда. А.Навоий номидаги опера ва балет театрида қўйилган “Хоразм қўшиғи” операсининг асоси — либреттоси ҳам талантли шоиримиз қаламига тааллуқли.

Юқорида айтганлардан кўриниб турибдики, Ҳамид Фулом серқирра ижодкор. У қайси жанрга қўл урмасин, уни қойил қилиб удалайди.

Ҳамид Фуломнинг бу фазилатлари атоқли рус адиби Константин Симоновнинг фаолиятини кўз олдимга келтиради. У ҳам адабиётимизнинг барча жанр ва турларида қалам тебратиб, бадиий дурдоналар яратиб кетган. Ўзбек санъаткорининг рус қаламкаши билан самимий ҳамкорлиги, дўстлик ришталарининг мустаҳкам пойдеворга эга бўлиши ҳам тасодифий бўлмаса керак. Ҳа, бу дўстлик ўзининг ажойиб меваларини берган. Ҳамкорликда Мирзачўл ҳақида фильм сценарийсини ёзишлари, бир-бирларининг асарларини ўз она тилларига таржима қилишлари ҳам дўстликнинг самараси бўлган.

Бир ажойиб ҳодисанинг шоҳиди бўлганман. К.Симонов Ҳамид Фулом ҳузурига келганда, у Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” повестини мақтаб-мақтаб, улуғ рус адибини таржима қилишга кўндиради. Бу унинг катта савобли иши эди.

Ҳамид Фуломнинг яна бир фазилати ёқимли, ажойиб овозга эга бўлишидир. У ҳар бир бадиий асарни, айниқса, шеър ва поэмаларни чиройли оҳангда, чуқур билимдонлик билан ўқирдики, эшитувчиларни лол қолдирарди. Ҳатто, Фафур Фулом ва Ойбекдай сўз усталари ҳам ўзларининг поэтик асарларини Ҳамид Фулом ўқиб беришини илтимос қилишар эди. Фикримни тасдиқловчи айрим далилларни келтирай.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Олий Бош Қўмондоннинг ҳамда жангчиларнинг мардона курашини таҳлил

қилувчи материалларни радиода бош диктор Ҳамид Фулом жарангдор овози билан таъсирли қилиб ўқиб берган. Таъкидлашим керакки, Ҳамид Фулом бу материалларни шундай ўқир эдики, тингловчи қалбини ларзага соларди, кўнглини кўтариб, меҳнатга илҳомлантирарди. Шу туфайли эл орасида Ҳамид Фулом ўзбекларнинг “Левитани” деган овоза тарқалган эди. Улуғ адибимиз Ойбекнинг 60 йиллиги тўйида унинг миннатдорчилик хатини Ҳамид Фулом ўқиб, залдагиларни тўлқинга солиб юборганининг гувоҳи бўлганман.

Унинг чиройли ўқиши, ҳаттоки, матндаги айрим нуқсонларни ҳам билдирмай кетар эди.

Унинг бу истеъдодини йирик адибимиз Саид Аҳмад таъкидлаб, “Ҳамид Фулом врачларнинг берган справкаларини ҳам худди шеърдай ўқийди”, дейишида жон бор.

Ҳамид Фулом узоқ вақт Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи кўмитанинг раҳбарларидан бири сифатида фаолият кўрсатди. Шу даврда у миллий қаламкашларнинг асарларини чет элда нашр қилиш, чет эллик адибларнинг бадиий дурдоналарини Республикамизда чоп эттириш учун жонбозлик кўрсатди.

Ҳамид Фулом ижодида яна бир фазилат борки, у ҳам бўлса, чин ҳаққоний, самимий дўстликни кўйлаш. Адиб тор миллий қобиққа ўралиб қолмасдан, кенг кўламда қалам тебратди. Унинг нигоҳи Африка, Осиё қитъаларигача бўлган қатор мамлакатларга тушади. У жуда кўп мамлакатларни кезди, у ерлардаги ҳаётни ўзининг зийрак кўзи билан кузатди, улардаги ўрнак бўладиган жиҳатларини олди, ўзига сабоқлар чиқарди. Адибимизнинг ажойиб хислатлари шундан иборатки, у қаерга борса, нимани кўрса, уларни адабиётга олиб киришга, из қолдиришга уринган. Унинг “Қитъалар уйғоқ” балладаси, “Куба ҳақида ҳикоялар”, “Япония ҳақида ҳикоялар”, “Жазоирда тонг”, “Европага саёҳат” каби қатор дostonлари ва очерклариди ўша мамлакатлардаги ҳаёт, улардаги муаммоларга жамоатнинг диққат-эътиборини тортади.

Ҳамид Фуломнинг пишиқ, пухта бадиий асарлари рус, хитой, инглиз, француз, форс, эрон, украин, озарбайжон, қозоқ тилларига ўгирилган.

“Тошкентликлар” романида Ҳамид Фулом ўз қаҳрамони тилидан шундай дейди:

“Ҳозирги кунлар унутилиб кетади, аммо оға-инилигимиз, қадрдонлигимиз эса улуғ мулкимиз бўлиб қолади. Йигит сафарда, дўст кулфатда, инсон машаққатда синалади”.

Ҳамид Фулом қаҳрамонлари ана шундай матонатдан, ироладан, Ватанга меҳрдан сабоқ бермоқдалар.

Ҳозирги кунларда хотиралар, мемуарлар ёзишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳамид Фулом ҳам бу соҳада ўзини синаб кўрди. Унинг “Вафонинг узун йўли” хотиралар тўплами ҳаётий лавҳалар билан бойитилди.

Ҳамид Фуломнинг яна бир фазилати – яхши ташкилотчилигидир. У қаерда ишламасин, “Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳаррири, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби каби лавозимларни ўрнига қўйиб бажарди. Маданиятимиз ривожига, қаламкашларнинг асарларини чоп эттиришга катта ҳисса қўшди.

Ҳамид Фуломнинг юксак мукофотлар ҳамда “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланиши, “Ўзбекистон халқ ёзувчиси”, “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби” унвонлари билан мукофотланиши унинг ижодий хизматларининг муносиб баҳоланишидир.

Ҳамид Фуломдек серқирра ва серҳосил, серфарзанд ва сердават ижодкор халқимиз қалбида абадий қолишига ишончимиз комил.



Ўзбек прозасининг бугунги камолотида Ҳамид Фуломнинг ўзига хос ўрни бор.

К.Яшин

Александр Файнберг,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲАМИД

Эски Тошкентнинг тош кўчалари. Сомонли лой билан сувалган девор билан қуршалган ҳовлилар, зилол сувли ариқлар. Чиғириқлар босиқ шилдирайди.

— Ҳа-мид! — чақиради она ўғлини.

Оёқяланг бола чўғдай қизиган тупроқни чангитиб уйга югуради.

Мана шу бола номи элга таниқли шоир бўлиб етишди — бу Ҳамид Фулом эди. Исми каби унинг шеърлари ҳам нафақат она-Ватанида, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида жаранглажак. Бироқ ҳозирча у бола...

Ҳозир Ҳамиднинг барҳаёт тенгқурлари ҳамон осмонга тикилади. Ҳа, дўстларининг руҳи ўша баланд фалакларда кезиб юрибди.

Ҳамид Фулом шундоқ кўз ўнгимда турибди — алпқомат, эгнида дид билан дазмолланган хушбичим костюм.

Тоғ кўчкилари, тоғлардаги момақалдироқлар, саҳродаги ўтли гармселлар — ҳамма-ҳаммаси бор шоирнинг шеърларида. Мақомларнинг оҳанглари, буюк халқ оғзаки ижоди ва оддий жайдари ўзбекча нутқ шулардан сизиб чиққан эмасми! Энг асосийси, улар Шахсни яратганлар.

Ҳамид ака!

Сизнинг шеърларингизни ўқийётган одамга тақлидан мен ҳам чиранишни истамайман. Фақат бир нарсани такрор айтаман — Сиз йирик Шахссиз!

Ҳаммаси фалакларда ҳал бўлади. Айнан ўша ёқдан туриб Ҳамид аканинг ўз Дилшоду Маликасини, Шерзоду Абу Алисини, невара-чевараларини, унинг ҳаётини давом эттираётган Шоҳрух, Темур, Камилла, Ясмينا ва яна кўплаб истиқбол эгаларини кўриб завқланиб турганига ишончим комил.

Ҳамид ака аллақерда — бақо чексизликларида ҳаётдан жуда эрта кўз юмган жигарбанди Фарҳодни учратиб қолади. Ҳа, ҳаммамиз ҳам бандамиз — бу дунё омонат. Айтишга тил бормади-ю... Аммо ҳаётдаги асосий нарса — сен нима қилдинг, кимга ёрдам бердинг, кимни қутқардинг...

Ҳамид ака, мени эсламасангиз ҳам майлига, ўз қариндош-уруғларингизни эсланг.

Уларни Тангри ўз паноҳида асрагай.



Ҳурматли Ҳамид Фулом!

Мамлакатингизда бўлган вақтимизда бизга кўрсатган самимий илтифотингиз учун делегациямиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Мен шахсий инсоний муносабатлар халқаро алоқаларни ўрнатишда муҳим омил эканлигига ишонаман. Биз барчамиз Сиз билан танишганимиздан ва Сизнинг ишга бўлган муносабатингизни билганимиздан бағоят хурсандмиз.

Ўйлайманки, ноширлик ишларимизни янада ривожлантиришда бир-биримиздан ёрдамимизни аямаймиз.

Шахсан сизга ва оилангизга эзгуликлар тилайман.

Хироши Фуруока,

япониялик ношир.

Токио, 25.10.1974

ҲАВАС ВА АРМОН

Фитрат ва Чўлпонлар, Ойбек ва Фафур Фуломлар авлодидан кейин 30-йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётига кириб келган ёзувчилар орасида Ҳамид Фуломдек ҳам Ўзбекистонни, ҳам кўплаб хорижий мамлакатларни кезиб чиққан ҳамда қадрдон қишлоқ ва шаҳарларда, Фарб ва Шарқ мамлакатларида яшаган кишилар ҳақида кўплаб асар ёзган ижодкор йўқ.

Ҳамид Фулом авлоддошларидан ижодининг кўп қирралилиги билан фарқланган, бадий ижодда ўзига хос йўлни босиб ўтган ва адабиётимизда Ҳамидона из қолдирган адибдир.

Ҳамид Фулом – XX асрда яшаган ўзбек ёзувчиларининг бахт-саодат юлдузи остида туғилган камёб вакилларидан бири.

Ижод аҳли икки тоифага бўлинади. Биринчи тоифа кишилари умрининг ҳар бир дақиқасини азиз билиб, адабий-маданий ҳаётга аралашмай яшайдилар. Иккинчи тоифага мансуб кишилар эса, ёзувчилик бурчини кенг тушуниб, китобхонлар билан мулоқотлардан қочмайдилар, халқ ва мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеаларга муносабат билдиришга, қаламкаш дўстларининг яхши кунларида камарбаста бўлишга интилиб яшайдилар. Ҳамид Фулом ана шу иккинчи гуруҳга мансуб тез ва равон ёзувчи ижодкорлар қавмидан эди.

Одатда шеър бир зарб билан ёзилади. Унинг бир зарб билан ёзган шеърлари орасида умрбоқийлари оз эмас. Унинг, айниқса, лирик тароват билан йўғрилган шеърлари шеърят мухлислари қалбига узоқ вақт давомида ҳаяжон бағишлаб туради.

Ҳамид Фулом зиёли оилада туғилиб, Тошкентнинг Форобий номи билан аталган машҳур мактабларидан бирида дастлабки таълимни олди. Худди ўша даврда миллатнинг келажagini ўйлаган ва шу йўлда савий-ҳаракат қилган кишилар билан танишди. Ёшлар, шу жумладан, улар қўлида таҳ-

сил кўрган ўқувчилар эса бошқа руҳда тарбияланди. Агар Ҳамид Гулом “Машғал” дилогиясини 50-йилларда эмас, балки яқин тарихимизга муносабат кескин ўзгарган 80-йилларда ёзганида, бу асарнинг маърифий, бадиий ва тарбиявий қиммати заволсиз бўларди.

Мен бу сўзларни романнинг дастлабки режаларини яна бир карра назардан ўтказиб туриб айтаяпман. Мана, қаранг, Сталин шахсига сиғиниш фожиалари фош этилганидан кейин Ҳамид Гулом “Машғал” романида қандай қаҳрамонлар ва воқеаларни тасвирлашу қандай сюжет чизиқларини асарга олиб кирмоқчи бўлган:

“Саид афанди. “Темир тўда” — Ҳайдар Шавқий, полковник — “Ватан” — “Изчилар” уюшмаси. Талғат пошо, генерал, Туркия баҳрия министри.

Жамол пошонинг куёви, “Ирфон” мактаби — Исмоилзода. “Олтин ёшлар”.

Салимхон Тиллаҳон — шаҳар маорифи.

Раҳмонқул қўрбоши янтоқ атрофида, 1921.

Бокуда. 1922. Шарқ съезди.

Анвар пошо — ҳарбий министр.

Халил пошо.

Жамол пошо.

Съездда Анвар пошога сўз берилмаган. У мусовотчилар билан алоқа боғлаган.

Ўрта Осиёга келган.

Бу вақт аҳвол танг бўлиб қолган.

3–4 кун сўнгги манёврларни кўрган.

Дарҳол Бухорога чиқиб кетган.

Идея: Шериклик давлати (Анг. билан).

Абдуваҳоб Муродий — Герм. университети.

*Бухоро ёшларининг раҳбари Файзулла (чет эл)”.
Романнинг бу хомаки режаси билан танишар эканмиз,*

1917 йилдан кейинги воқеалар кўз олдимиздан кино тасмасидек бирма-бир ўтади. 1917 йил Февраль инқилобидан кейин Сибирдаги лагерларнинг бирида сақланаётган турк зобитларининг бир қисми Ўзбекистонга келиб, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги мактабларда ишлай бошладилар. Ўша йилларда Саид афанди исми билан танилган Саид Аҳрорий (таниқли журналист ва таржимон Холида Аҳророванинг

отаси)нинг ташаббуси билан 1918 йил 1 сентябрь куни Ўқчи кўчасида жойлашган “Ватан” мактаби биносида “Изчилар тўдаси” ташкил этилади. Саид афандининг ўзи мазкур ташкилотнинг раиси, Абдуваҳоб Муродий раис ўринбосари, Фатхулла Умаров котиб, Мирҳамид Миршаропов хазинабон, Акмал Икромов ва бошқалар эса аъзо этиб сайландилар. Тўда олдида қўйилган асосий мақсад 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган “олтин ёшлар”га миллий байроқ остида илм бериш, улардан мутахассислар тайёрлаш, уларни жисмоний жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, шунингдек, ўрта таълим мактабларини тугатгач, илм олиш учун хорижга жўнатиш, санъатни ривожлантириш, адабиёт ва матбуотни миллий заминда барпо этиш, ҳарбий ўқувни йўлга қўйиш ва охир-оқибатда Туркистон халқини миллий мустақиллик учун курашчи қилиб етиштириш эди.

Хадра маҳалласидаги “Намуна” мактабида ўқитувчилик қила бошлаган полковник Ҳайдар Шавқий эса “Темур тўдаси”ни ташкил этган. Бу ва бошқа тўдалар олдида қўйилган мақсад ҳам “Изчилар тўдаси”нинг мақсади билан муштарак бўлган.

Мазкур режада тилга олинган Салимхон Тилахонов атоқли маърифатпарвар ва истиқлолчи Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг маслакдош ва қуролдош биродари бўлиб, Туркистоннинг озод бўлиши йўлида фаолият кўрсатган ва устози билан бирга 1931 йилда Москвада отилган.

Шу йилларда Туркистонга турк зобитларидан ташқари, Жамол пошо, Анвар пошо сингари таниқли турк давлат арбобларининг ҳам келиши “Миллий иттиҳод” (“Миллий бирлик”) ташкилотининг фаоллашишига самарали таъсир кўрсатди.

Саид Аҳрорий билан бирга келган турк зобитларидан бири Рожи Чақирўз Жамол пошонинг Тошкентга келишини эслаб, кейинчалик бундай ёзган эди:

“Жамол пошо ва унга ҳамроҳлик қилаётган полиция бошлиғи Бадрибейни Оренбургдан олиб келаётган поезд Тошкентга яқинлашар экан, биз, саксон нафар турк зобити туркистонлик талабалар ҳамроҳлигида ва мусиқа садолари остида вокзал томон юриб борар эдик. Вокзалга келгач, олдинги қаторда мусиқачилар, кейинги қаторда маҳаллий мактаблардан келган вакиллар, ўқувчилар, орқа қаторда эса турк

зобитлари саф тортиб турдик. Кутиб олиш учун ҳукуматнинг расмий ҳайъати ҳам келди ва биздан бир оз илгариди турди. Поезд келгач, ҳайъат бошида турган Туркистон фронтининг бош қўмондони Фрунзе ва унга таржимонлик қилаётган маориф комиссари Содиқ Сагтор меҳмонларга пешвоз чиқдилар.

Жамол пошо поезддан тушар экан, протоколга кўра, муסיқачилар “Байналминал” маршини чала бошладилар. Меҳмон Фрунзе билан кўришгач, рус аскарлари сафлари олди-дан ўтди. Кейин асир турк зобитларидан ҳол-аҳвол сўради. Жамол пошо биз турган ерга яқинлашар экан, муסיқачилар меҳмон севган “Туркиз, яшариз” (“Туркмиз, яшаймиз”) маршини чала бошладилар. Жамол пошонинг ҳаяжонланганлиги юзидан сезилиб турди”

Жамол пошонинг Тошкентга келишидан мақсад, Афғонистонга бориб, афғон кўшинларига ёрдам бериш, унинг ҳарбий тайёргарлигини замонавий даражага олиб чиқиш, шунингдек, Ҳиндистонда инглиз мустамлакачиларига қарши курашувчи ҳинд ихтилолчилик ҳаракатини вужудга келтириш эди. Унинг бу ҳар иккала режаси ҳам ўша кезларда ёш совет давлати томонидан қўллаб-қувватланган. Аммо шу билан бирга унинг бошқа яширин мақсади ҳам йўқ эмас эди.

Рожи Чақирўзнинг адабиётшунос Рустам Шариповнинг “Туркия манзаралари” рисоласига илова қилинган “Туркистон хотиралари” да шу ҳақда бундай маълумот берилган: “Аммо сафарнинг яна бир яширин мақсади ҳам бор эдики, русларнинг ундан хабари йўқ эди. Унга кўра, Ҳиндистонда вужудга келадиган ҳаракат муваффақият билан амалга ошса, у янада шимолга, яъни Туркистоннинг турли ҳудудларига, шу жумладан, Фарғона водийсига ёйилиши ва у ерда совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган босмачи гуруҳларига ҳар жиҳатдан мадад бериши кўзда тутилган эди.

Учрашувимиз чоғида (“Турон” мактабида турк зобитлари билан бўлган учрашув назарда тутилмоқда – *Н.К.*) Жамол пошо биз, турк зобитларининг Туркистондаги фаолияти барчамиз учун зарурлигини ва у миллий бурч сифатида қабул қилиниши лозимлигини таъкидлади”.

Режада тилга олинган воқеалардан яна бири 1922 йили Боку шаҳрида бўлиб ўтган Шарқ халқлари қурултойидир. Қурултой шундай тарихий бир паллада ўтказилган эдики, ўша вақтда Озарбайжонда мусофотчилик, Туркистонда эса

иттиҳодчилик ҳаракати авж олган, бу халқларнинг илғор вакиллари қурултойда иштирок этишдан миллий мақсадда фойдаланиб, совет давлатининг бу ҳар иккала минтақада зўравонлик йўли билан ўрнатилгани ва большевикларнинг шу минтақаларда олиб бораётган жиноий ишлари ҳақида сўзламоқчи бўлган эдилар. Аммо Зиновьев раҳбарлик қилган қурултойда нафақат Анвар пошо, балки Шарқ халқлари вакиллари ҳам қаттиқ тазйиққа дуч келиб, улар ўз мақсадларига эриша олмадилар. Шундан кейин Анвар пошо Бухорога келиб, совет ҳокимиятига қарши курашаётган “босмачилик ҳаракати”нинг байроқдорларидан бирига айланди.

Ҳамид Фулом ўзбек халқи тарихининг 1917 йилдан кейинги даврида рўй берган шундай воқеалар тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Тахмин қилиш мумкинки, у ҳатто Сталин вафотидан кейин совет даври тарихига муносабат ўзгара бошлаганини кўриб, юқорида баён қилинган воқеаларни қаламга олмақчи бўлган. Бизнинг бундай фаразни олға суришимизга сабаб бўлган нарсалардан бири, мазкур “режалар”даги сўнгги икки жумладир. 20-йилларда Германияга ўқишга бориб, ўзбек ёшлари орасида ўз ватанига биринчи бўлиб агрономлик дипломи билан қайтган Абдуваҳоб Муродий “олтин ёшлар”нинг бири бўлибгина қолмай, 1937 йилда қамоққа олингунига қадар Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ривожланишига сезиларли ҳисса ҳам қўшишга улгурган. Файзулла Хўжаев эса, ҳам “Ёш бухороликлар” ҳаракатининг раҳбари, ҳам Бухоро ХСРнинг раиси сифатида туркистонлик етмишга яқин талабанинг Германияга ўқишга юборилишида ташаббускор бўлган. Аммо ўзбек халқининг немис халқидек озод ва обод мамлакатда яшагани истаб, шу йўлда фаолият кўрсатган Абдуваҳоб Муродий ҳам, Файзулла Хўжаев ҳам 1937 йилда қатағон қурбонлари бўлганлар. Сталин шахси ва у олиб борган қатағон сиёсати фош этилганидан кейин худди шундай кишилар бадий асарга қаҳрамон бўлиб киришлари мумкин эди. Тахмин қилиш мумкинки, Ҳамид Фулом ҳам “Машғал” романини дастлаб ана шундай режа асосида ёзмақчи бўлган. Аммо, афсуслар бўлсинки, бу эзгу бадий ниятнинг тўла рўёбга чиқиши учун замон ҳам, адибнинг ўзи ҳам пишиб етилмаган эди.

О, қани энди “Машғал” романи ўша режадагидек ёзилган бўлса!..

ХАЙРИХОҲ ИНСОН ВА АДИБ

Университетда таҳсил йиллари охирлаётганда Ҳамид Фуломнинг “Қитъалар уйғоқ” шеърлар китобини ўқиганман. Менда жуда кўп ҳайратлар ва ундан ҳам кўп саволлар туғилди. Бир оз вақтлар шу китобнинг таъсирида юрдим. Ўтириб уни ҳар томонлама таҳлил қилдим. Саволларимга ўзим мустақил жавоб қидиришга тушдим. Тақриз ёздим. У жуда чўзилиб кетди. Қайта-қайта ўқиб кўрсам, ўзимга маъқул келмади. Муҳокамаларим ҳаётгийликдан йироқ кўринди. Унинг қўлёзмаси сақланган экан, яқинда топиб ўқидим. Шунда менга йиллар ўтиб, ёшликдаги саволларимнинг жавоби очик, равшан, аниқ бўлиб кўринди. Айрим саволларнинг жавоби узоқ йиллар ўтгач ва ҳатто ижтимоий тузумлар ўзгаргачгина топилар экан. Киши Навоий, Пушкин, Ҳамид Олимжон ёки Усмон Носир каби жуда эрта, ҳаддан зиёд эрта етилмаган ва само тўлқинларию беланчиқларида беҳад эрта ва тез камолотга етишмаган бўлса, баъзи саволларга жавоб топиши учунгина бир умр керак бўлади.

Ўшанда 60-йил эди. Мен тақризлар, ҳикоялар, ғазаллар машқ қилиб юардим. Яхши кўрган асарларимнинг парчаларини ўзим учун она тилимга ўгирардим. Ҳамид Фулом шеърларининг ўта тантанавор, ўта кўтаринки, башанг руҳи менга таъсир қилди-ю, лекин шеър шундай бўлиши керакми деган савол туғилиб, унга ўша пайтда ишонарли тузук-қуруқ жавоб тополмадим. Лекин бу китобдан қитъалар уйғоқ деган жуда серқамров, сержозиба, башанг шоирона ибора ва “ўғлонлари доно Осиё, жувонлари барно Осиё” деган патриотизм руҳидаги сатрлар хотирамда ўчмас бўлиб муҳрланиб қолди.

Кейин “Машғал” романининг биринчи китоби чиқди. Эъзозхон ва Ботиралига ошиқ бўлдик. Адиб романнинг иккинчи китобини тугаллаётганида мен Давлат бадий адабиёт нашриётида хизмат қила бошлаган эдим. Бир куни ношир

ва таржимон Лола Тожиева мени Ёзувчилар уюшмасига жўнатди: “Ҳамид акангиз “Машғал”нинг тайёр бўлган бобларини бериб юборди. Олиб келасиз. Бирга ўқиймиз”, деди. Уюшмага бордим. Ҳамид Фулом хонасида ўтирар, қўли қўлига тегмай ишлар, чамаси ниҳоятда ошиқар, ниҳоятда банд эди. Менга шоша-пиша нимтабассум қилди-ю, олдида тайёр турган қўлёзмаларни уюшманинг муқовасига солиб бериб юборди. Бир оғиз сўз айтмади. Сўнг трамвайда уни бошимни кўтармай ўқиб кетдим. Ростини айтсам, чинакам адибнинг қўлёзмасига биринчи дуч келишим, биринчи варақлашим эди. Қўлёзма машинкада ёзилган, лекин устидан таҳрир қилинган, саҳифада тирноқдек бўлсин соғ жой қолмаган, сўзлар фавкулудда тарзда қалашиб ётар, буни ҳатто таҳрир деб ҳам бўлмас, ҳар бир саҳифа бутунлай қайтадан ёзиб чиқилган эди. Адиб романини жуда тез, ҳайратланарли шитоб ва шиддат билан қайта ишлаётгани, балки қайтадан ёзиб чиқаётганлиги кўзга ташланарди. Бу таҳрирда қаҳрамонларнинг тақдирлари, уларнинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари, улар ҳаракат қилаётган муҳит тасвирлари одамни лол қолдириб ўзгариб борарди. Мен ёзувчининг хаёл кучи, фантазиясининг қудрати қандай даражада бўла олиши, бўлиши мумкинлигини ўшанда “Машғал” романи иккинчи китобининг муаллиф таҳрир қилган қўлёзмасини кўргач, тасаввур қилганман.

Ёзувчилик меҳнатига тан берганман. Юрагимда ёзувчилик меҳнатига ҳеч сўнмас ҳурмат ва муҳаббат ўрнашган. Рост, шу қўлёзмани кўриб ёзувчилик меҳнати, машаққати нималигини билдим. Шундай ишламаса, фидокор бўлмаса, одам ҳеч қачон ёзувчи бўлолмайди, деб ўйладим. Кейин билсам, адиб барча асарларини шундай зўр меҳнат ва инсоний қудрат билан ёзар, ишлар, қайта бино қилар экан.

Ҳамид Фулом жуда катта ҳаёт мактабини ўтади. У 1971 йилдан 1981 йилгача ўн йил Давлат бадиий адабиёт нашриётига раҳбарлик қилди. У машҳур “Литературная газета” сининг Ўзбекистон муҳбири бўлган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида котиблик қилган, “Шарқ юлдузи” журналинини бошқарган йиллари дунё кезган, одамларни, сиёсатни ҳўп таниган, шулар баробарида донишмад адиб ва эл фарзанди бўлиб етишган эди. Давлат бадиий адабиёт нашриётида унинг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, энг яхши, оли-

жаноб фазилатлари амалий ишда намоён бўлди. Нашриёт мислсиз равнақ топди ва ўз тараққиётининг чўққиларига кўтарилди. Барча адиблар, санъаткорлар шу нашриёт эшигини очиб кирар, ҳеч ким бу эшикдан ноумид қайтмас эди. Китоб чиқариш, кўп томли асарлар нашр этиш, жаҳон адабиёти намуналарини она тилига таржима этиш бир неча баробар кўпайди. Мамлакат миқёсида нашриёт ва унинг нашрларининг обрў-эътибори юксалди.

Биз ҳаммамиз – ёшу қари адиблар, олим, танқидчилар Ҳамид Фуломнинг нақадар хайрихоҳ инсон эканлигини кўрдик. Унинг ҳар бир қадами, ҳар нафаси шу хайрихоҳликнинг амалий исботига айланарди. Унинг адиб-уламолар, ёшлар, умуман, инсонларга меҳрибонлиги амалий меҳрибонлик эди. Бу меҳрибонлик боис ёзувчилар китоб ёзишга рағбатланар эдилар.

Унинг атрофидан шогирдлар аримас эди. Бу чинорнинг боши доим сайроқи қушлар билан гавжум эди. Кейинроқ хассос ва девҳиссиёт шоир Йўлдош Сулаймон репрессия қурбонлари ҳақида таъсирчан бир асар ёзиб, гап шу асар устида бораркан, “О,Ҳамид Фулом! Ҳамид Фулом! Мен ҳамма асарларимни унинг таъсирида ёзганман! У ҳамма китобларимга оталик қилган!” деб юборди жўшқинлик билан.

Бу эътирофда заррача муболага йўқ эди. Шундай дейишга ҳаққи бор адиблар анча-мунча топиларди. Жуманиёз Жабборовми, Ҳусниддин Шариповми, Юсуф Шомансуровми, Ойдин Ҳожиевами, Йўлдош Сулаймоновми, Охунжон Ҳақимовми, Омон Матжонми, Шукур Холмирзаевми – ким бўлмасин, шундай дилдан чиқариб сўз айта олар ва бунинг исботига кўп жонли мисоллар келтира олардилар! Адибнинг тенгдош, сафдошларини-ку айтмай қўя қолай! Ҳамид Фулом борасида улардан ҳар бирининг ўз ардоқли, муҳаббатли сўзлари бисёр эди.

Ҳамид Фулом нашриётни бошқарган йиллари зўр куч ва ғайратга тўлган, ўз ишидан ажиб бир илҳом оларди. 1971–1981 йиллар орасида у “Бинафша атри”, “Мангулик”, Машраб ҳақидаги йирик романларини ёзди. “Лолакўл” каби шеъру дostonлар китобини тақдим этди. Унинг “Тошболта ошиқ” асари эл ичига ёйилган. Одамлар “Алишер Навоий” драмасини қандай ёдлаб юрсалар, “Тошболта ошиқ”ни ҳам шундай муҳаббат, завқ-шавқ билан ёд айтардилар, у маданий мента-

литетнинг ажралмас бўлагига айланиб кетган эди. Халқ “Тошболта ошиқ”ни ўз миллий ҳикмати каби қабул қиларди. Бу томондан Ҳамид Фулом моҳиятан Мольер билан мавқеда тенглашган эди. Ҳамид Фулом эллигинчи йиллар охирида “қитъалар уйғоқ” деган кенг қамровли бир шоирона ифодани топди. У “машъал” деган сўзни кенг муомалага киритди. Унинг “оҳ сенинг ёшлигинг менда бўлсайди”, “вафонинг узун йўли” каби иборалари бадий адабиёт ва инсон қалбининг ҳикматига айланди.

Нимасини айтасиз? У том маънода қалби уйғоқ инсон эди, қалби ижод ва севгига ташна адиб эди. Унинг яхшиликларидан ҳали узоқ замонлар яхшилик унади ва равнақ топади.



Ҳамид Фуломнинг “Машъал” романи ўзбек адабиётининг ижодий ютуқларидан биридир.

Г.Ломидзе

Ҳабиб Саъдулла,
Ўзбекистон халқ шоири

АДИБ ИБРАТИ

Мен Ҳамид Фуломни жуда эрта — 5–6 синфларда ўқиб юрганимда ғойибдан таниганман. Ўшанда тасодифан кўлимга 1944 йили чоп этилган «Армуғон» номли баёз тушиб қолди. Баёз, асосан, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида бўлиб, фронтда фашизмга қарши жанг қилаётган ўзбек адиб ва шоирларининг асарларидан таркиб топган эди. Шунингдек, ундан Ойбекнинг «Кўёш қораймас», Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» асарларидан парчалар, атоқли ижодкорларнинг жанговар руҳдаги шеър уқиялари, публицистик мақолалари ҳам ўрин олган эди.

Эътиборни тортувчи асарлардан бири Ҳамид Фуломнинг уруш йилларидаги шеърят таҳлил этилган, жанггоҳлардан юборилган асарлар шарҳланган йирик мақоласи бўлиб, унда ўша даврдаги ижодий жараён манзараси ёрқин намоён этилганди. Ўшанда муаллифнинг мавзу қамровини кенг олгани, асарларга оқилона баҳо бергани ҳавасимни келтирган эди. Кейинчалик бу мақолани ёзган пайтида Ҳамид Фулом 24–25 ёшларда эканини билиб олдим. Орадан ўттиз йилга яқин вақт ўтиб Ҳамид ака билан анча қадрдонлашиб қолгач, шу ҳақдаги таассуротимни айтдим.

— Ўшанда йигирма бешга тўлмаган йигит экансизу, мен адабиётнинг оқсоқолларидан бири бўлсангиз керак, деб ўйлабман.

Ҳамид ака чиройли кулди:

— Болалиқданоқ саркарда бўлиб ўсганмиз-да, Ҳабибуллахон!

Бу ҳазиломуз гапда ҳақиқат ҳам бор эди.

...Ҳамид Фуломни иккинчи бор кашф этганимда унчунча китоб кўрган ўсмир эдим. Энди 10-синфга ўтган пайтимизда, ўша давр удумига кўра, Москвада Ўзбек адабиёти

ва санъати ўн кунлиги бўлиб, шу муносабат билан декада қатнашчилари бўлмиш ижодкорлар қатори Ҳамид Фуломнинг бир жилдлик «Танланган асарлар»и чоп этилди. Китобнинг биринчи саҳифасида муаллифнинг сурати берилганди. Бу суратда боқиб турган сиймони парвардигор гўзал ва фариштали яратган эди. Балки сиёқидаги ана шу зиё туфайли одамлар унга интилар ва давраларида оқсоқол этиб сайлардилар. Ўзи айтган «Саркарда»лик ҳам шу туфайли эди, эҳтимол.

Китобда шеърлар, дostonлар билан бирга «Олмос қизи» номли қисса ҳам берилган бўлиб, унда наманганча лаҳжадан жуда ўринли фойдаланилган ва бу ҳам менинг Ҳамид Фуломга меҳримни кучайтирган эди.

Ўрта мактабни битириб, Тошкентга келган кезларимизда Ҳамид ака Ёзувчилар уюшмасининг котиби лавозимида ишлар, катта ташкилотчилик фаолиятини олиб борар, ёшларга ғамхўрлик қиларди. Устоз Миртемир раҳбарлигидаги ёшларнинг семинари, 1960 ҳамда 1962 йиллардаги Ўзбекистон ёш ёзувчиларининг ўн кунлик анжуманлари ўнлаб ёш талантларни кашф этди. Бундай машғулотларга барча вилоятлардан, шунингдек, Қирғизистон ва Тожикистондан ўзбек тилида ижод қиладиган Ўлмас Жамол, Турсунбой Адашбоев, Қўлдош Мирзо, Абдуғани Абдуғафуров каби ижодкорлар таклиф этиларди. Уларда қатнашчиларнинг илк тўпламлари муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилар, истеъдодли ёшлар эса уюшма аъзолигига қабул қилинарди.

Бу хайрли ишларга Ҳамид ака бош-қош эди. Бундай тадбирлар ёшлар тақдирига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўтган асрнинг олтиншинчи йилларида Ҳамид Фулом серқирра фаолияти билан довруқ қозонди. Унинг «Машғал» романи қизғин кутиб олинди, ўнлаб хорижий тилларга таржима қилиниб, нашр этилди. Дунё кезган адибнинг «Қитғалар уйғоқ» балладалар туркуми, «Европа таассуротлари» публицистик китоблари чоп этилди. Йигирманчи аср жаҳон адабиётининг йирик сиймолари билан дўстлашиб, миллий озодлик ҳаракатининг оташин куйчилари сафидан ўрин олган адиб серқирра фаолияти билан эл-юртда эътибор топди.

Ҳамид Фулом 1965 йили «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррирлигига, 1971 йили Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директорлигига тайинланди. Журнал ва

нашриётни бошқарганда адабиётимизда пайдо бўлган ҳар бир янги асарни тезроқ халқ мулкига айлантиришга ҳаракат қилди. Айниқса, ўн йилдан зиёдроқ нашриётни бошқариш жараёнида унинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Нашриётнинг китоб чоп этиш ҳажми ҳам, муаллифларга тўланадиган қалам ҳақи ҳам кўпайиб борар, айти пайтда, эҳтиёж ҳам ортар, ҳар бир қаламкаш китоби каттароқ ва тезроқ чиқишини истарди.

Тақдир тақозоси билан 1973 йил баҳорида Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига ишга ўтдим. Ана шу пайтдан мен устоз Ҳамид Фуломни ҳам инсон, ҳам адиб сифатида тўлароқ кашф этдим. У кишининг Наманганга сафарларида ҳамроҳлик қилиш, бошқа вилоятларга бирга сафарга чиқиш жараёнларида инсоний фазилатларга бойлигини кўрдим. Фоят дилкаш суҳбатдош, бошидан кўп ишларни кечирган донишманд сифатида устозга бўлган меҳру ихлосим ошди. Ҳамид аканинг на ҳаётдан нолиганини, на бирор одам ҳақида ёмон гап айтганини эшитмадим. Аксинча, ижод, нашриёт иши, сафарлардан олган таассуротлари билан, шогирдлари муваффақияти ҳақидаги суҳбатлар билан даврага файз бағишларди.

Бу мўътабар зот катта муваффақиятларга эришган пайтларда ҳам, тақдир синовларига дучор бўлганида ҳам ўзини бир хил тутар, босиқлик билан ғамни енгар эди. 1976 йили Фарҳод исмли ўғли оғир дард туфайли йигирма тўрт ёшида оламдан ўтди. Мевазор маҳалласидаги икки қаватли уйида маросим бўлди. Маросимга Намангандан икки-уч қадрдон бир кун илгари етиб келдик. Ўша куниданоқ бу хонадондан одамларнинг оёғи узилмади. Кексаю ёш ижодкорлар, арбоблар келишиб, дуо-фотиҳа қилишар, адибга ҳамдардлик билдиришарди.

Албатта, суюкли ўғлидан ажралиш отага оғир эди. Аммо у дардини ичига ютар, ўзидан-да кўпроқ изтироб чекаётган аёли Манзура опани юпатишга уринарди. Она она-да, Манзура опанинг кўз ёшлари ёқасини мунтазам ҳўл қилиб турарди. Ҳовлидан бир неча юз қадам наридаги Тешикқопқоқ мазори иккинчи қаватдан кафтдек кўриниб турар, онанинг наздида шу мазорда ётган Фарҳод уйига интилаётгандай, аммо ета олмаётгандай туюлар, унинг дардини баттар оширарди.

Ҳамид ака рафиқаси ғамини енгиллатиш учун ҳовлисини болалар боғчаси ихтиёрига топшириб, шаҳарнинг Чим-

кент кўчасидаги кўп қаватли уйлардаги бир хонадонга кўчиб ўтди. Нисбатан осойишта бу уйда опанинг ҳам дарди енгиллашгандай бўлди. Хуллас, бу уйда Ҳамид аканинг қатор асарлари дунёга келди.

Ҳамид Фуломнинг ҳар бир вилоятда дўстлари, қадрдонлари, суҳбатига интиладиган мухлислари кўп эди. Шунинг учун унинг ташрифи ўз-ўзидан тадбирга айланиб кетарди. Адиб қаламкашлар давраларига, мухлислар ҳузурига талпинар, раҳбарлардан узр сўраб, шаҳар кезар, бозорларни айланар, турли буюмлар харид қиларди.

Адибнинг олтмиш йиллиги нишонланган 1979 йил баҳорида тўй баҳона адабий тадбирлар бўлиб ўтди. Вилоятларда Ҳамид ака ва унга ҳамроҳ бўлиб келган тенгдошлари, шогирдлари китобхонлар давраларида ўзбек адабиёти ривожига, бу жараёнда Ҳамид Фуломнинг ўрни ҳақида қизиқарли суҳбатлар, шеърхонликлар ўтказдилар. Ўша кунларда ҳам адиб бўш соатларда шаҳар кезиб, ундаги ўзгаришлар билан танишарди.

Ҳамид ака билан боғда ёлғиз қолиб суҳбатлашиб ўтирдик. У киши Намангандан чиққан шоир ва адиблар Нодим Намангоний, Сўфизода, Усмон Носир, Жасур (Тўра Зокиров), Чустий, Рафиқ Мўмин, Сотим Улуғзода, Ҳусниддин Шарипов, Турғун Пўлат ижодлари ҳақида гапириб туриб:

— Энди Машрабга келсак, яқинда Машраб ҳақидаги романим битади. Ўқирсиз, — дедилар.

Дарҳақиқат, орадан уч-тўрт ой ўтар-ўтмас адибнинг «Машраб» номли романи «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиқди. Асар Ҳамид Фуломга хос тезкорлик билан ёзилган бўлиб, адиблар, машрабшунос олимларнинг турли мулоҳазаларига сабаб бўлди. Машраб ҳаёти, ижоди қанчалик баҳсли бўлса, унинг ҳақидаги асарлар ҳам шунчалик баҳсли эди. Табиийки, Машраб тўғрисидаги биринчи роман ҳам бундан холи бўлмади. Айни пайтда, унинг муаллифи ўз қаҳрамони яшаган давр, қаҳрамоннинг аянчли қисмати, унинг ҳаётидан афсонага айланган воқеалар ва халқ орасидаги ривоятларни қанчалик чуқур ўрганган бўлмасин, мулоҳаза билдирганларга ҳурматан ҳам, ўз асарига масъулият билан қараш нуқтаи назаридан ҳам, мавзуга яна бир бор қайтишга қарор қилди ва уни китоб холида чиқаришни кечиктирди.

Кейинчалик эса, анча муддат давом этган беморлик туфайли бу мақсадни амалга оширолмади. Балки адибнинг бу

борадаги ишларида силжишлар, янгиликлар бўлгандир. Балки янги боблар, ўзгартиришлар қилингандир. Лекин бу ишдан камина беҳабарман. Эҳтимол, унинг ижодий меросини ўрганувчилар мазкур масалага аниқлик киритишар...

Хуллас, ўша куни оқшомда учрашувларнинг якуни сифатида вилоят театрида катта ижодий кеча бўлиб ўтди. Вилоят раҳбарлари, олимлар, Тошкентдан келган меҳмонлар адибни қутлашди. Наманганлик қаламкашлар номидан табриклаш менга насиб этди. Ўша куни — 5 апрель менинг туғилган куним, боз устига, Ҳамид аканинг биринчи китоби 1942 йили — мен туғилган йилда нашр этилган эди. Табрик орасида ҳазил аралаш бу уч байрамни эслатдим-да, қолган гапимни шеърда ифода этдим. Шеър қуйидаги сатрлар билан яқунланганди:

...Баҳор ғамли дилда умид уйғотар.
Баҳорга ошнаман,
Баҳорга ташна,
Ўзинг баҳор бўлиб қўллайсан халқим.
Мен чанқоқ йўловчи,
Сен қайноқ чашма,
Қалбингни таржима айламоқ ҳаққим.
Олтмиш баҳордирки, ошиқ дилдаги
Эзгу бир орзуман, сирли каломман.
Умрим — ишқ достони,
Баҳор эртаги,
Убайдулло ўғли Ҳамид Фуломман.

«Баҳор фарзанди» сарлавҳали бу шеър Ҳамид Фулом монолози сифатида ёзилган эди.

Ҳамид аканинг олтмиш йиллик тўйи Республикада адабиёт байрамига айланди, адиб Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони билан тақдирланди.

Ҳар гал Тошкентга келганда Ҳамид акани ё зиёрат қилиб, ёки телефон орқали боғланиб, ҳол-аҳвол сўрардим. Бир куни уйларига телефон қилсам:

— Э, Ҳабибуллохон, кеннойингиз зайтун ёғида ош дамлаб турибди, тез келинг, — деб қолди.

Мен бирор соатда бўшашимни айтдим.

— Ундай бўлса насибангизни олиб қўямиз, бўшаган заҳоти келинг, — деди.

Бордим. Кеннойи бир косада менга олиб қўйилган ошни олиб келди. Ҳамид ака мезбонликни ўринлатиб чой қуйиб турди.

Ўша кунлари «Мангулик» романи Муқимий номидаги театрда саҳналаштирилган, Ҳамид ака унинг магнит тасмасига ёзилганини эшитиб ўтирган экан. Бирга эшитдик. Муסיқали асарнинг пайдо бўлиши, унда қатнашган ҳар бир санъаткорнинг иқтидори ҳақида Ҳамид ака берилиб ҳикоя қилди.

Театр ижодий жамоаси Ҳамид Фуломни тез-тез ҳамкорликка чорларди. Айниқса, «Тошболта ошиқ» комедияси саҳналаштирилгач, уларнинг адибга меҳри-ихлоси ортган эди. Бу асар театр ва кинода ўнлаб образлар яратган Соиб Хўжаевни театр тарихида Тошболта, Турсунхон Жаъфаровани Рисолат пари қилиб қолдирди. Чунки бу образларда драматург маҳорати билан санъаткорлар иқтидори уйғунлашиб кетган эди. Ўша суҳбатда Ҳамид аканинг саҳна санъати билимдони эканини ҳам ҳис этдим.

1977 йил ёзида Навбаҳор шаҳарчасида Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг кутубхонаси очилди. Ҳамид ака бошлиқ ўнлаб шоир ва ёзувчилар бу даргоҳга келиб, катта адабиёт кечасини ўтказдилар. Нашриёт номидан совға қилинган ўн минг жилд китоб бир кун илгари етиб келган, тоқчаларга меҳр билан жойлаштирилган эди.

Кутубхона очилиши катта байрамга айланди. Албатта, бу Ҳамид ака очган биринчи ёки охири кутубхона эмас. Унинг умр йўлларида бундай нурли излар кўп эди. 1981 йилнинг кузида, пахта йиғим-терими авж олган кунларда Хоразмда бўлиб ўтган адабиёт кунлари ҳамон ёдимда.

Ўттиз чоғли ижодкорлар пахтакорлар билан учрашиш, адабий тадбирлар ўтказиш учун борган эдик. Одатда бундай давраларга Ҳамид ака раҳбар этиб тайинланарди. Ёзувчилар гуруҳларга бўлинишиб, кундуз кунлари пахта далаларида, саноат корхоналарида учрашувлар ўтказарди.

Яқунловчи адабий кечадан кейин меҳмонлар шарафига дастурхон ёзилди. Хоразмнинг иқтидорли санъаткорлари хизматда турдилар. Бундай эъзоз Ҳамид Фулом туфайли кўрсатилаётганини ҳар биримиз ҳис этардик.

Кейинча Ҳамид ака дардга чалинди. Анча муддат ётиб даволанишига тўғри келди. Назаримда, у дардни дори-дар-

мон билан эмас, иродаси, матонати билан енгди. Сўнг, ариза бериб, лавозимидан бўшаган бўлса-да, у Ҳамид Фуломлигича қолди — одамларнинг меҳри, жамиятдаги мавқеи зарра сусаймади. Ҳамон даврабоши, вилоятларга чиққанда сардор эди. Уни аввал қандай қадрлаган бўлсалар, энди мўйсафид адиб сифатида шундай ардоқлашарди.

Бунинг сабаби бор эди. Ҳамид ака ўз қадрини билар, иззатталаблиқдан, тамагирликдан олис, ориятли шахс эди. Шунинг учун етмиш ёшида ҳам, етмиш беш, саксон, саксон беш ёшида ҳам ўзи дастурхон ёзиб, дўстларини чорлаб тўй қилди. Аслида ҳам бирор ёшга тўлиш кишининг ўзининг, қолаверса, оиласининг байрами. Бунинг шукронасига дастурхон ёзиш одамнинг ҳимматига ҳавола. Бу соҳада ҳам Ҳамид ака ибрат эди.

Ҳамид Фулом асарлари билан ҳам, ижтимоий фаолияти билан ҳам, инсоний ибрати билан ҳам тўла маънода ўзбек фарзанди эди. Ватаннинг қувонч ва ташвишларини елкасига олабилган ватанпарвар эди.

Ёши саксондан ўтганда ҳам қадрини ғоз тутиб юриши, кўзи, кўнгли тўқлиги, зорланишни ор фаҳмлаши, ғурурини юксак тутиши кишини қойил қолдирарди.

Сўнгги йилларда бир неча бор битта шифохонада даволанишимизга тўғри келди. Оқсоқол эрта уйғонар, шифохона ҳовлисини айланиб, чуқур-чуқур нафас олиб кезар, атрофга суқли термулиб гўё меҳрини сочарди. Ҳамид ака табиатни жон-дили билан севар, унинг ҳар бир неъматини юксак қадрлар, айниқса, ўзи етиштирган бўлса, завқ билан одамларга тутар эди.

Ҳали «Мевазор» маҳалласидаги ҳовлисида яшаб турган пайтда, бир куни Дўрмонга келиб қолди. Арғувон тагида ўтирган эдим, у кишининг машинасини кўриб ўрнимдан турдим. Ҳамид ака ҳам кўприқдан ўтиб машинани тўхтатди-ю, қўлида ихчамгина қоғоз халтада ниманидир олиб тушди. Бориб сўрашдим, шунда Ҳамид ака халтани очиб ичидан оқ олма узатди:

— Ўз боғимдан, ўзим етиштирганман, бир карсиллатиб тишлаб енг!

Гўё мана бундай ейилади дегандай ўзи ҳам бир донани олиб, шундай завқ билан тишладики, беихтиёр тамшандим.

— Ейверинг, ювилган!..

Биттадан олма егунча суҳбатлашиб турдик-да, кейин у киши ичкарига йўл олди.

Вилоятларга чиққанда ҳам Ҳамид ака дарё, сойлар, каналлар соҳилларига талпинар, мевазор боғлар, полизлар, узумзорларда сайр этиб, етилаётган неъматларни кўриб, ҳар бирининг фазилати ҳақида ҳамроҳларига гапириб берарди.

Табиатга бундай ошуфталик унга табиат манзараларини чизишда қўл келганига, ўз табиатига бағрикенглик ва фикрий шаффофликни таъминлаганига шубҳа йўқ.

Ўшандай сайрлар оралигида оқсоқол билан суҳбатлашиб қолардик. Етмиш йиллик воқеаларни кечагидай эслаб ҳикоя қилиши одамни лол қолдирарди.

2005 йилнинг 21 августи, якшанба кунини атоқли шоир ва ёзувчи дунёни тарк этди. Мен бу хабарни эшитганимда оқшом чўккан, у Форобий қабристонидан, мангулик маконини топган эди. Бирор фазилатига ўхшашни орзу қилганим устоздан айрилиш алами қоғозга кўз ёши ўрнида тўкилди.

Ҳайҳот, яна битта янгроқ соз синди,
Ногоҳ тўхтаб қолди оловли калом.
Шоирнинг ларзакор овози тинди,
Бақога йўл олди Ҳамид ал-Ғулом.

Фарзанд, набиралар — кўзин қароғи,
Бойлиги — дўстларин ташлаб кетди у.
Етмиш йил васф этган Ватан тупроғин
Она бағри каби макон этди у.

Жавонлар тирсиллатиб турган китоблар,
Умрдош довати қолди қон йиғлаб.
Сукунат касб этди қўшиқ, хитоблар,
Шогирдлари қолди кўксини тиғлаб.

Меҳр балқиб турган нурли сиёқи
Мангу муҳрланиб қолди қалбларда.
Дунёни сиғдирган шоир нигоҳи
Абад ўчмас ўрнин олди қалбларда...

Миллат ва Ватан шаънини, инсонийликни улуғлаб кечган умр неча-неча авлодларга сабоқ бўлғай, иншооллоҳ.
Парвардигор бу умр соҳибини раҳматига олсин!

Омон Мухтор,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

СОАТ САНАДИМ. СОАТ...

Мустақиллик ҳаётнинг авра-астарини ағдарди.

Муҳими, муқим туюлган кўп тушунчаларга дарз кетди.

Бизнинг тафаккуримизда ақл бовар қилмайдиган буюк бир ўзгариш рўй бердики, буни ҳали биз ўзимиз ҳам тўла англаб етолганимиз йўқ.

Мана, олинг, ўтмишдаги ўлмас сиймоларга муносабатдан тортиб, сўнгги асрлардаги адибларга ва бу кунги оқсоқол ёзувчилар шахси-ю, уларнинг ижодига биз қандай баҳо беришимиз кераклиги масаласи. Кечагина ҳамма нарса гўёки ойдин эди! Сиёсат, мафкура темир йўл солиб, поезд жадвал бўйича бориб келаётган эди. Биров ҳақида баралла гапириш мумкин, биров ҳақида эса яримта. Кимнингдир номини эса тилга олиш ман қилинган! Саф чеккан аскарлардек, бўйи баландлар байроқ остида, бўйи пастроқлар берида!

Энди бу ўлчов кетмай қолди. Биз Яссавий, Отойи, Лутфий, Навоий сингари бобокалонлардан бошлаб, ўз асримиздаги ижодкорларгача янгидан “танишиш”га мажбурмиз. Ҳавойи мақтов ёки инкор этиш (нигилизм) йўлидан бориш осон! Қалам аҳлидан ҳар бирининг қисмати, у яшаган давр, бу даврда шахсан унга буюрган шароит, ҳатто унга Худо берган феъл-атворгача ўрганиб баҳолаш мураккаб. Анча мураккаб! Биз бу кун ана шу қийин вазифага дуч келиб турибмиз.

Қисқаси, талабалик йиллари эди. Дунё кезган ёзувчимиз Ҳамид Фулом билан бир учрашувдан кейин, яна суҳбатлашиб, дорилфунун (ҳозирги Миллий университет) газетасига мақола ёзган эдим. Ўшанда, орадан йиллар ўтиб, Ҳамид ака ҳақида таассуротларим тўпланиши, янги нимадир ёзишим хаёлимга ҳам келмаган эди. Шу ўринда айтмоқчиман. Катта-кичик адибларимиз билан бир хилда муносабатда бўлишга ўрганганман. Бировга ёмонликни соғинмадим. Бировга хушомадгўйлик ҳам қилмадим. Ва буни тўғри деб биламан. Айниқса, манфаатга қараб

кимнингдир пинжига кириб, эшаги лойдан ўтгач, юз буриб кетишни зиёли кишига, ижодкорга номуносиб деб ўйлайман. Биз оқсоқол адиблардан тарбия олганмиз, кўп ҳолларда меҳр кўрганмиз, уларга суянганмиз. Кечаги кунлар сабоғи ҳақида сўз борганида, буни ҳам эслаш керак.

Мен Ҳамид акани кўп йиллар кузатганман. Шу ҳақда ҳикоя қилмоқчиман.

Ҳамид Фулом бир пайтлар, ўн йилча Ўзбекистон радиосида муҳаррир, бош муҳаррир бўлиб хизмат қилган. Шунинг баробарида, диктор ҳам бўлган. Тақдир тақозоси билан бир муддат мен ҳам радиода ишладим ва шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Ҳамид ака эшиттиришларни олиб бориш бобида ҳам одамлар ҳамон эслайдиган вазифани бажарган экан. Ёзувчиларимиздан Ҳамид Фулом ва Туроб Тўланинг Қодир Махсум, Убай Бурҳон сингари ўз ўқиш мактаби бор. Яна айтсам, Қодир Махсумнинг ўзи Ҳамид акани устоз деб билар эди. Эсласангиз, Ойбек домланинг таваллуд санасида у кишининг дил сўзларини ҳам Ҳамид ака ўқиб берган, минг кишилиқ давра чайқалиб кетган, ёнган, гувиллаган, Ойбек домла ҳам қаттиқ таъсирланиб, кўзлари ёшланган эди. Ҳамид Фулом фақат шу суҳандонлик санъати билангина ҳам тарихда қолишга муносиб инсон. Мен Ҳамид аканинг бу санъатидан халқимиз кам баҳраманд бўлгани, кам фойдаланганига ўкинаман, холос! Радиода ишлаб юрганымда, адибнинг бир хислатига эътибор берганман. Қайсидир эшиттиришга таклиф қилсак, Ҳамид ака аниқ соатда келар, агар режа озгина ўзгарса, масалан, “ўн дақиқа олдин бораяпман” ёки “ўн дақиқа кечикаяпман” деб албатта хабар қиларди. Ўз вақтини ҳам, бошқаларнинг вақтини ҳам бундай қадрлаш хислати, афсуски, ҳаммада ҳам учрайвермайди.

Ҳамид аканинг бир неча йил Ёзувчилар уюшмасида котиб, “Шарқ юлдузи” журналида бош муҳаррир, Адабиёт ва санъат нашриётида директор бўлиб ишлаганлари маълум. Мен аҳамият берганман. У киши қаерда ишламасин, ўз гурурини билади, шу билан бирга, бутун адабиёт манфаатини ўйлайди. Яна айтиш керакки, у қаерда ишламасин, ўша ерда жонланиш, тартиб, ижодий муҳит юзага келган. Ҳамид ака адабиёт аҳлининг аксарига, айниқса, ёш ижодкорларга доим ёрдам кўрсатган, зигирча расмиятсиз, иддаосиз яхшилик қилган,

меҳр билан қараган. Шахсан ўзимга тегишли икки кичик воқеани эслайман. Ҳамид ака нашриётда раҳбар эди, бир гал қўлим қисқа пайтда ҳузурига бордим, сафарга кетаётган, вақти зиқ экан, шунга қарамай, менинг дардимни диққат қилиб эшитди, тўрда эмас, рўпарамдаги курсига ўтиб ўтириб, шошмай масалани аниқлади, ярим соат ичида китобим учун қалам ҳақини ёздиртириб, қўл қўйиб берди. Яна бир гал, ишсиз юрган эдим, шунчаки маслаҳат учун, таваккал қилиб, Ҳамид акага учрадим. Иш топилишига ҳеч умидим йўқ эди. Икки оғиз сўзлашгач, Ҳамид ака оқ бир қоғозни олдимга суриб қўйиб, ариза ёз, бугундан бизда ишлайсан, деди ва шу куниеёқ буйруқ чиқартирди. Бундай нарсаларни киши унутмайсан! Нашриётда нимадир бўлиб ранжиган одам ҳам Ҳамид акага учраб озгина суҳбатлашгач, суюниб чиқиб кетади, деб гапириб юришар эди.

Ҳамид Фуломни илк қарашда ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам омадли, бахтли дейиш мумкин. Унинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам бир маромда, озорсиз ўтгандек туюлади! Ҳамид ака халқ ичида танилиб, обрў-эътибор топган, катта ишларда ишлаган, китоблари Ўзбекистондан яқин-узоқ жойларда ҳам муттасил босилиб турган. Симоновдек машҳур адиб Ҳамид ака ижодидан ўзи қилган таржималарни фақат китоблари эмас, ҳатто ўз “Танланган асарлар”ига ҳам киритган! Бу ҳаммаси тўғри. Лекин ижодкорнинг қисмати чигал кечмаслиги, у озор чекмаслиги мумкин эмас экан...

Сувнинг юзаси эмас, остига назар ташласангиз, Ҳамид ака бир Инсон ва Адиб сифатида қувгин-таъқибларни ҳам, жудолик-айрилиқларни ҳам, унга азиз бўлган нималардан дир маҳрумликни ҳам бошидан кечирган. Биз оқсоқол адибларимиз қандай даҳшатли шароитда яшаб ижод қилишганини, қандай азоб билан ўз сўзларини ҳар ҳолда айтишга уринишганини бу кун яхши тасаввур қилолмаймиз ва биздан кейинги авлодлар, сезаманки, буни мутлоқ тасаввур қилишолмайди! Бу алломалар қандай жарликлар ёқасига бориб қайтишганини, нималарни ҳис этишганини ўзлари билишади-ю, Худо билади! Эҳтимолки, улар ижодига кечаги куннинг муҳри озми-кўпми босилгани ҳам маданиятимиз тарихидаги баёнсиз аламлардан биридир.

Ҳамид ака обрўли лавозимларда ишлаганига қарамай, у бундан-да каттароқ ишларни бажариш, бошқаришга қодир

эди: курби, гайрати, ташкилотчилик истеъдоди етар эди. Хайрихоҳ эканлигидан, эҳтимолки, одамларга фойдаси ҳам тегар эди. Аммо ҳаётнинг ўз равиши бор экан-да! Ҳамид ака, йўқотилган деймизми, йўқолганми, кўп имкониятлар эгасидир. Ҳаётда шундай! Ижодда ҳам... Ҳамид аканинг шиддат-суръатига давр имкон бермаган – пичоқ тошга урилгандек... Биргина “Тошболта ошиқ” тарихини эсланг. Ҳамид ака сиёсатдан узоқроқ, ўзбекча асарни ҳавас қилди. Халқ бу комедияни мазза қилиб кўрди. Лекин асарга қанча маломат тошлари отилмади! Эркинроқ руҳда ижод қилиш қийин эди.

Ҳамид Фуломнинг “Соат санадим...” деган, қўшиқ қилиб айтиладиган чиройли бир шеъри бор. Бундан бўлак, “Қитъалар уйғоқ” китобини айтмаганда ҳам уйғоқлик, мангулик, замин ва замон ҳақида кўп шеърлари, кўп насрий асарлари бор. Қолаверса, “Машъал” уйқусиз тунда ёруғликни қўлларингда кўтариб, олдинга интилиш ҳолати! Вақтнинг, умрнинг ғаниматлигини ҳис этиш, шиддат билан, соат санаб яшаш, яратиш истаги —Адиб ҳаёти ва ижодининг маъноси эди.

Худо устозимиз, акамиз Ҳамид Фуломни ўз раҳматига олган бўлсин.

Соат чиқилляпти...

Ҳамид ака, барибир, барҳаёт!

Бахтли инсон!



Абдулла Аъзамов,
профессор

НОСИР ФОЗИЛОВ КАШФИЁТИ

Ҳамид Фуломнинг 85 йиллиги нишонланадиган кунда

“Ажиб бир қонунни кузатиш мумкин:
Кимдир эллигида мункайиб қолар,
Ҳатто қирқдан ўтгач, кексайиб қолар.
Ҳа, йиллар беаёв ўтказар ҳукмин.

Лекин бошқа ёндан кузатиш мумкин:
Кимдир саксонидида — бақувват чинор,
Ҳатто тўқсонидида — ўттиздай виқор,
Дилда завқ, тафаккур тиниқ, тан дуркун.

Бунинг сир-асрорин топдим ниҳоят:
Ҳар кимга яхшилиқ сочиб яшасанг,
Ҳар қачон ҳасаддан қочиб яшасанг,
Умрингга қўшилар умр бағоят.

Ҳатто ёшлигингни узайтиш мумкин!”

2004 йил, апрель



Владимир Тюриков,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

НОЁБ ИСТЕЪДОД

Ҳамид Фулом билан суҳбатларимдан бирида ижодий ниятлари ҳақида сўраганимда шундай деган эди:

– Ҳар бир ёзувчи қачонлардир ўзининг энг муҳим ва катта китобини ёзишни орзу қилади. Албатта, менда ҳам шундай истак бор. Зеро, ёзувчи ҳам ҳар бир инсон каби эришган нарсаси билан кифояланиб қолмаслиги керак. Ижод учун тўхташ, турғунлик деган нарсанинг ўзи йўқ...

Бу – шунчаки оддий сўзлар эмасди. Балки унинг бутун ҳаёти ва ижодий меҳнатининг мақсади эди.

Мен Ҳамид Фулом билан у “Литературная газета”нинг Ўзбекистон бўйича махсус муҳбири бўлиб ишлаётган пайтларида танишганман. Ўша вақтларда “Пионерская правда” газетасининг Республикадаги махсус муҳбири эдим. Биз, Москвадаги марказий газеталарнинг вакиллари билан “Правда” газетасининг мухбирлик пунктида тез-тез учрашиб турардик. Ҳамид Фулом бу вақтда таниқли шоир ва ёзувчи бўлиш билан бирга, айтиш мумкинки, марказий газеталарнинг Тошкентда аккредитация қилинган 17 махсус мухбирлари орасида биринчи ва ягона ўзбек муҳбири эди. Биз тез-тез Ҳамид Фуломнинг ҳузурига бориб турардик, газетхонларнинг хатларини рус тилига таржима қилишда ёрдам сўрардик, ўз газеталаримизга мақола ва шеър ёзиб беришни илтимос қилардик. Албатта, у ҳамкасбларининг бундай илтимосларини бажонидил бажарарди. Мен ўша даврлардан бери Ҳамид Фуломни олижаноб қалб эгаси, табиатан истеъдодли ижодкор, чарчоқ нималигини билмайдиган, ҳамиша ўз қилган ишларидан қаноатланмай тинимсиз изланадиган, меҳнат қиладиган ва яна ҳам катта ёрқин асарлар яратиш нияти билан яшайдиган оташин адиб сифатида биламан. Унинг ижодига бир назар солинг-а. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом кўплаб шеър, роман, қисса, ҳикоя, дoston, пьеса, киносценарий, очерк

ва мақолалар муаллифи. Адиб қандай жанрда қалам тебратмасин, унинг барча асарларига тарихий воқеликни, халқ ҳаётининг асосий масалаларини, замонамизнинг долзарб муаммоларини кенг қамраб олиш хусусияти хосдир. Бу ерда гап унинг “Машъал”, “Сенга интиламан”, “Тошкентликлар”, “Мангулик” романлари, “Лолакўл”, “Ташналик” достонлари ҳақида бормоқда.

Мен яна шу ўринда Ҳамид Фулом билан биргаликда ҳаммуаллиф сифатида яратган китобларимдан бири ҳақида тўхталмоқчиман. Бу асар “Главная дорога” (“Катта йўл”) деб аталади.

Кунларнинг бирида, мен у вақтда Ҳамид Фулом бир пайтлар ишлаган лавозимда — “Литературная газета”нинг Ўзбекистон бўйича махсус муҳбири эдим, адибнинг ҳузурига келиб, ундан газета учун мақола ёзиб беришни илтимос қилдим ва мавзуни айтдим. Адиб бу мавзудан қаноатланмади шекилли, бир оз ўйланиб туриб шундай ғояни таклиф қилди:

— Биласанми, яхшиси, “Литературка”нинг собиқ ва бугунги махсус муҳбирлари сифатида Республиканинг бир неча туманларига борамиз, одамлар билан учрашамиз ва уларнинг энг оддий меҳнати, орзу-интилишлари ҳақида ёзамиз. Нима дейсан?

Албатта, мен бажонидил рози бўлдим.

Ҳамид Фулом шу вақтнинг ўзидаёқ ниятларини изҳор этиб, бу сафарнинг режаларини ўртага ташлади. Режа жуда катта эди. Биз Катта Ўзбек тракти бўйлаб йўлга чиқишга қарор қилдик. 1977 йилнинг 8 апрелида у билан машинада Республиканинг катта қон томири бўлган 700 километрли асосий транспорт йўлидан сафарга чиқдик.

Биз Ўзбекистоннинг шимолидан жанубига қадар бўлган узоқ масофани босиб ўтдик. Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларини кездик, Мирзачўл, Қарши, Шеробод чўлларида бўлдик. Йўлимизда Янгийўл, Чиноз, Гулистон, Янгиер, Жиззах, Фаллаорол, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Шеробод, Термиз каби катта ва кичик шаҳарларнинг бепоён ҳудудлари, пахтачилик, чорвачилик ва боғдорчилик хўжалиklarининг далалари ястаниб ётарди. Катта Ўзбек тракти бўйлаб қилган бу сафаримиз бизга деярли бутун Ўзбекистонни билишимизга, унинг

ўтмиши саҳифаларини варақлашимизга, мамлакатнинг ҳозирги ҳолати ва ажойиб келажагини яна ҳам чуқурроқ тасаввур этишимизга имкон берди.

Сафар давомида биз турли одамлар — пахтакор ва ишчилар, механизатор ва қурувчилар, хўжалик раҳбарлари билан учрашдик. Қизиғи шундаки, одамлар билан бўлган суҳбатларда Ҳамид Фулом уларнинг кўплари билан аввалги учрашувларини эслаб гапирарди. Улар бир-бирлари билан жуда яқин кишилардек мулоқот қилишарди. Бу Ҳамид Фуломнинг фақат ўзигагина хос бўлган улуғ фазилат эди. Унинг бу одамлар ҳақидаги хотиралари шу қадар аниқ эдики, бундай адибнинг халқ ҳаётини яқиндан мукаммал билиши сезилиб турарди. Одамлар у билан илгаридан яқин қадрдонлардек муомала қилишарди. Ҳамид Фуломдаги самимият ва хушфёъллик, одамларнинг қалбига йўл топа билиш истейдоди туфайли ажойиб асар яратилди, кўрган-кечирган воқеалар “Литературная газета”да бутун бир саҳифани эгаллаган мақолада ва кейинчалик “Катта йўл” деб номланган очерклар китобимизда ёрқин аксини топди.

Бир йил ўтгандан кейин мен Ҳамид Фулом билан яна узоқ сафарга чиқдим. Бу гал биз Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва овулларида бўлдик, қорақалпоқ ёзувчилари, олимлари, артист ва журналистлари билан учрашдик. Орол денгизи фожиаси, экология масалалари қалбларимизни изтиробга солди. Бизнинг қуриётган бу денгиз ва фожиани тўхтатиш ҳақидаги ўй-фикрларимиз сафардан кейин ёзган “Кекса Орол кўшиқлари” (“Песни седого Арала”) китобимизда баён этилди.

Кейинги йилларда мен адиб билан бирга Фарғона водийси, кўҳна Хоразм далалари, Тожикистон шаҳар ва қишлоқларида бўлганман. Сафар таассуротлари — ажойиб учрашувлар, дилкаш суҳбатлар менинг қалбимда абадий сақланиб қолди.

Ҳамид Фуломнинг самимияти, инсонлар юрагига йўл топа билиш маҳорати, салобати, шеър ўқиётган пайтдаги сеҳрли овози, суҳбатлардаги мантиқ ва ўқувчини ўзига жалб қила олиш санъати — бу ниҳоятда табиий ва таъсирли эди. Мен уни адиб ва ҳақиқий инсон сифатида ноёб истейдод соҳиби, деб атаган бўлардим.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

САЛОБАТЛИ СИЙМО

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида адабиёт оламига кириб келган ёшларни Аллоҳ таоло ёрлақаб, икки жиҳатдан бахтли этди. Биринчидан, бу даврга келиб шўро тузумининг зуғуми бир оз сусайиб, фикр ва ижод эркинлигига йўл очилган эди.

Иккинчидан, бизнинг авлод адабиёт остонасига қадам қўйганида адабиёт, санъат, маданият ва матбуот соҳаларининг тепасида Яшин домла бошчилигида Зулфия, Сарвар Азимов, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Шухрат, Раҳмат Файзий, Туроб Тўла, Воҳид Зоҳидов, Азиз Қаюмов, Лазиз Қаюмов, Рамз Бобожон, Иброҳим Мўминов каби бағрикенг ижодкорлар мутасадди бўлиб туришарди, йилт этган учкун аланга олиши учун далда беришарди, кўкрагингиздан итармай, устозлик бағриларига олишарди. Ойбек, Ғафур Фулом, Уйғун, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзодадек адабиёт дарғалари – чинорларимиз устозлик мақомида эдилар. Шукрулло ва Саид Аҳмад акахонларимиз эркин ижодкорлар – профессионал адиб сифатида фаол қалам тебратишарди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Санъат арбоби Ҳамид ака (биз ёшлар у кишини ўзимизга яқин олиб шундай дердик, тенгдош, сафдош, мактабдош, маҳалладошлари Ҳамидулла деб, расмий доираларда эса Ҳамид Убайдуллаевич деб аташарди) ижодда ҳам, ижтимоий фаолиятда ҳам, давлат ва ҳукумат доирасидаги мавқеда ҳам тенгдошлари ва сафдошлари орасида ўз ўрнига эга эди, китобхонлари ва томошабинларининг кўплиги билан эса алоҳида ажралиб турарди.

Ҳамид ака, аввало, моҳир романнавис, кўпгина насрий асарларнинг муаллифи эдилар. Бунга бир мисол келтириш билан чекланиб қўя қоламан. Ҳамид Фуломни машҳур ёзувчи, Ҳамид Фулом қилиб элга танитган асарларидан бири, менингча, “Машъал” романидаги Бўронбек билан Лаълихон

муносабатларининг лирик тасвири ва талқини бўлиб, у бу асарни ўқиган барча китобхонларнинг ёдида сақланиб қолганига ишончим комил.

Ҳамид ака профессионал драматург ҳам эдилар. Айниқса, мусиқали драма ва комедиялар яратишнинг ҳаддини олган эдилар. “Тошболта ошиқ” мусиқали комедияси Муқимий номидаги театрда узоқ йиллар давомида минг марталаб қўйилганининг ўзиёқ бу фикримизни тасдиқлаб турибди. Комик актёр Соиб Хўжаевнинг эл-юрт орасида Тошболта бўлиб танилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Ҳамид аканинг мусиқали драма ва комедия жанрини мукамал билишларини ўз ижодий фаолиятимда ҳам синаб кўрганман. 1986 йили Муқимий номидаги театрда Ўзбекистон санъат арбоби Носир Отабоев томонидан саҳналаштирилган “Зўлдор” мусиқали сатирик комедиядаги қўшиқ матнларини театр раҳбарияти илтимосига кўра Ҳамид ака ёзиб берган эдилар. Ария ва дуэтларнинг узукка кўз бўлиб тушгани спектаклнинг муваффақиятини таъминлади.

Ҳамид ака ижтимоий фаолиятининг аҳамияти ва салмоғи унинг ижодиётидан сира кам эмас. У киши арбоб сифатида, раҳбар сифатида, ҳамкасаба сифатида, мураббий сифатида кўп хизмат қилдилар, иши тушган одамларнинг ҳожатини чиқардилар, оғирини енгил қилдилар. Инсоннинг тақдири, бирор муаммоси, бирор ҳолати муҳокама қилинаётганида тарозунинг бахт палласига тош қўйдилар, бу тош яхшилик кўрган кишининг ёдида ва қалбида нур бўлиб қолди. Менинг ҳам ижодий ва ижтимоий ҳаётимда, тақдиримда Ҳамид ака эса қоларли ишлар қилганлар. Қачон ва қаерда Ҳамид Фулом номи тилга олинса, у кишининг менга қилган яхшиликлари ёдимга тушади.

Ҳамид Убайдуллаевич Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, “Шарқ юлдузи” журналида ва Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида раҳбарлик лавозимларида ишладилар. Бу нашриётнинг энг гуллаган фаолияти, энг кучайган даври Ҳамид ака директорлик қилган йилларга тўғри келади, десак, ҳақ гапни айтган бўламыз.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларининг ўрталари эди. Ҳикоялардан иборат бир неча китобларим Республика нашриётларида чоп этилиб, қатор драматик асарларим мамла-

катимиз ва қардош республикалар театрларида саҳналаштирилган эди. Лекин ҳали пьесаларим китоб бўлиб чиқмаганди. У пайтларда пьесаларни нашр этиш унчалик удум бўлмаганди. Пьесаларимнинг китоб бўлиб чиқишини орзу қилардим, албатта. Кунлардан бир кун курсдошим, куюнчак инсон Маҳкам Маҳмудов билан гурунглашиб ўтириб, шу ҳақда ҳам сўз бўлиб қолди. Курсдошим ўша пайтлари Фафур Фулом номли нашриётда муҳаррир бўлиб ишларди. “Директоримиз Ҳамид акага бир учрашинг, бағри кенг инсон, таклиф билан ҳузурларига бир кириг”, деди. “Қандоқ бўларкин?” дея юрагим сира дов бермасди, Ҳамид аканинг салобатлари ғойибона босарди.

“Сизнинг пьесаларингиз китоб қилинмаса, кимники босилади?” дея Маҳкамжон қўярда-қўймай мени Ҳамид ака ҳузурларига бошлаб кирди ва салом-алиқдан кейин мени таништира бошлаган эди ҳамки, Ҳамид ака гапни бўлиб, бундай дедилар:

— Абдуқаҳҳорни биламан, ижоди билан ҳам озми-кўпми танишман. Маҳкамжон, муддаога ўтаверинг.

— Абдуқаҳҳорнинг машҳур бўлиб кетган пьесаларидан лаоқал биттасини, масалан, “Биринчи бўса”ни китоб қилиб чиқарсак.

— Яхши таклиф. Лекин тўлиқ эмас, “Биринчи бўса”нинг ёнига яна бир пьесани қўшиб олиб келинг, — дедилар Ҳамид ака менга қараб. — Мен бош муҳаррирга тайинлаб қўяман. Китобингизни шу йили чиқариб берамиз.

— Битта пьесани чиқаришни умид қилиб келган эдик, — деди Маҳкамжон. — Танги инсонсиз, Ҳамид ака. Раҳмат сизга!

— Бу амал курсисида, — дедилар Ҳамид ака ўзлари ўтирган директорлик креслосига ишора қилиб, — қанча зотлар ўтиришган, навбат бизга келибди, биз ҳам бир куни ўтамыз. Бошқалар келишади. Инсоннинг бу дунёдаги миссияси одамларга яхшилик қилиб қолишдир.

Ҳамид ака Осиё ва Африка ёзувчилар ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири эдилар, шу ҳаракатнинг юмушлари билан дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлиб, тараққийпарвар адиблар билан мулоқотда бўлиб, уларни бу ҳаракатга жалб этишда фаоллик кўрсатдилар. Михаил Шолоховдек буюк адиблар, араб халқининг миллий қаҳрамони Жамол Абдул Носирдек давлат ва сиёсат арбоблари билан мулоқотда бўлганлар.

Ҳамид ака жаҳон кезган, фикр ва мушоҳада доираси кенг инсон бўлишлари баробарида жамоатчиликка кенг танилган, турли миллат вакилларида кўплаб дўст-ёрлар, танишлар орттирган адиб эдилар, шунинг учун ҳам тўғри маслаҳат ва керакли йўл-йўриқ кўрсата олардилар. Камина 1975–1977 йилларда Москвадаги икки йиллик Олий адабиёт курсларида таҳсил олганман. Бундан хабар топган Ҳамид ака бир учрашувимизда менга шундай маслаҳат бердилар:

– Москвада ўқиш яхши имконият ёзувчи учун. Бу ўз йўлига. Вақтни ғанимат билиб, бу ерда ижодкорлардан дўстлар орттиринг. Бунинг нафи айниқса катта бўлади.

Ҳамид ака узоқни кўзлаб, ҳақ гапни айтиб, менга тўғри маслаҳат берган эканлар. Машҳур рус рассоми (“Дерсу Узала” фильми эскизларининг муаллифи, халқаро Оскар мукофотининг совриндори) Юрий Ракша билан дўстлашиб, борди-келди қилиб, унинг рафиқаси, таниқли рус адибаси Ирина Ракша билан ака-сингил тутиниб, кам бўлмадик. Ирина Ракша таржимасида Москвадаги “Советский писатель” нашриётида 1982 йили олтита пьесани ўз ичига олган “Обо мне ни слова” номли китобим, 1988 йили эса қиссалар ва ҳикоялардан иборат “Падение трона” номли тўпламим чоп этилди, кўпгина пьесаларим қўшни республикаларнинг театрларида саҳналаштирилди.

1989 йилнинг ёз ойлари эди. Халқимиз ҳам, ижод аҳли ҳам кўтаринки руҳда яшар, ижод қилар эди. Республикамизни янги раҳбар бошқара бошлаган эди, халқимизнинг умиди кучли эди, бу умид оқлана бошлаган эди. Миллий истиқлол шабадаси қўзғалган эди. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун кураш қизгин тус олган эди. Асосан қалам аҳлининг, қисман бошқа соҳа зиёлиларининг бутун фикр-ёди шу бўлиб қолганди. Каминанинг бу мавзудаги мақолалари деярли кунора чоп этиларди, республика радиоси эса уларни кунига бир неча марта эфирга узатарди. Шундай ҳаётбахш кунларнинг бирида Ёзувчилар уюшмасидан телефон орқали бизга шундай хабар келди: “Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Ҳамид Фулом сўзга чиқиб, сизни Ўзбекистон санъат арбоби фахрий унвонига тавсия этди. Таклиф бир овоздан маъқулланди. Олдиндан табриклаймиз. Бир келиб тегишли ҳужжатларни тайёрлаб беринг”.

Шу тариқа эллик ёшимда Ўзбекистон санъат арбоби бўлиб қолдим.

Вақт сира тинч турмайди, доимо илгарилайди. Орадан йиллар ўтди, Миллий истиқлолга эришдик ҳам. Қанча асарлар ёзилди, ёшимизга ёш қўшилди. Олтмишга қадам қўйдик.

1999 йилнинг июль ойлари эди, Радиокомитет биносининг тор ва узун йўлагига ёзувчи Иброҳим Раҳим билан тўқнашиб қолдик.

– Сизни табриклайман, – дедилар менга Иброҳим ака салом-алиқдан кейин. – Ёзувчилар уюшмасининг фаоллар йиғилишида Ҳамид акангиз сизни орденга тавсия этдилар, тавсияларини асослаб бердилар ҳам. Ижодингизни яхши билар эканлар. Ҳамид Убайдуллаевичнинг таклифлари инobat-га олинишига умид қилаверинг...

25 август куни марказий газеталарда Мустақилликнинг 8 йиллик байрами муносабати билан мукофотланганлар рўйхати эълон қилинди. “Меҳнат шўхрати” орденига сазовор бўлганлар қаторида каминанинг ҳам номи бор эди. Номимизга кўзимиз тушиб, Аллоҳ таолога шукроналар билдириб, ҳамду санолар айтиб, Ҳамид акага миннатдорчилик айтиш учун телефон қилишга ошиқдим.

Беш қўл баробар эмас деганларидек, ҳаётда оқибатлилар ҳам, беоқибатлар ҳам бор, албатта. Ҳамид ака меҳр-мурувват кўрсатган барча одамлардан ҳам оқибат кўрмаган ҳолатлар бўлиб турган, лекин бағри кенг инсон бўлганлари учун буларни ўзларига олмаганлар, эътибор ҳам бермаганлар. Шундай ҳолатлардан бирига шоҳид бўлган эдим.

1980 йили Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди бўлиб ўтган эди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига 22 йил раислик қилган Комил Яшин лавозимини Сарвар Азимовга қайта топширди. Съездда келгуси йили, яъни 1981 йили бўладиган Бутуниттифоқ съездига 17 та делегат сайланган эди, уюшмамизнинг янги раиси марҳамат кўрсатиб, қўшимча тарзда яна 18 та ёзувчининг меҳмон сифатида қатнашиши учун имконият яратди. Бунинг устига улар Москвага ўз турмуш ўртоқлари билан боришлари шарт қилиб қўйилди, моддий имкониятлари етарли бўлмаганларга нашриётлардан қалам ҳақлари олдиндан ундириб берилди, ёзилажак асарлар учун аванслар тўланди. Гарчи съезд уч кунга белгиланган бўлса-да,

сафар муддати 10 кун қилиб белгиланди, Москванинг қоқ марказидаги “Россия” меҳмонхонасидан ҳар бир ёзувчи ва унинг турмуш ўртоғи учун алоҳида номерлар олдиндан бронь қилиб қўйилди, токи Ўзбекистон ёзувчилари ҳам катта пойтахтда ўзларини бир кўрсатиб қўйсинлар.

Ҳамид ака рафиқалари – кеннойимиз билан бирга эдилар. Бир қаватда эдик. Ҳамид ака соғлиқлари туфайли нашриёт директорлигини шоир Жуманиёз Жабборовга топширган эдилар.

Ҳамиднинг сафари қариди. Ҳамид ака рафиқалари билан Москвадан тўғри Қримга учишни режалаштирган эканлар. Москвадан неваралари учун харид қилинган нарсалар солинган битта ўртача катталиқдаги жомадонни жўнатиб юбориш “муаммоси” туғилиб қолди. “Биз буни Қримга олиб бориб юрмасак. Сиз Тошкентга олиб кетсангиз. Телефон қилиб қўяман, Шерзод ўғлим Тошкент аэропортида сизни кутиб олади”, дея аввал нашриётнинг бош муҳарририга, кейин нашриётдаги асосий бўлимлардан бирининг мудирига мурожаат қилдилар. Буларнинг иккови ҳам “Ўзимизнинг юкларимиз кўп”, дея лифт томон юришди. Ҳамид ака маъюсланиб, ўйга толиб қолдилар. Улар узоқлашгач, мен бориб жомадонни Ҳамид аканинг қўлларидан олдим:

– Ўз юкимни қолдириб кетсам-да, орқамдан Ирина юборди, сизнинг жомадонингизни Тошкентга олиб кетаман, – дедим.

– Бир қараганда яхши бўлди, уларни синаб олдим, – дедилар Ҳамид ака бир ютиниб, кўзлари намланиб. – Биздан қайтмаса, Аллоҳдан қайтсин, иним.

Ҳамид ака салобатли сиймо эдилар, вужудларидан нур ёғилиб турарди, кўркам ва дилбар шахс эдилар. Яхши ҳамроҳ эдилар, Республикаимизнинг барча вилоятларида, қўшни республикаларда ўтган адабиёт ва санъат ўнқунликларида бирга бўлганмиз. Яхши нотик ва воиз эдилар, соф адабий тилда сўйлардилар. Давраларда кўр тўкиб ўтирардилар. Ташқи қиёфаларидан ҳам сўз устаси – адиб эканликлари яққол намоён бўлиб турарди. Ҳатто кийинишда намуна эдилар. Бирор марта бўлсин, оҳори кетган кийимда севимли адибимиз Ҳамид акани кўрган эмасмиз...

ЖЎШҚИН ҲАЁТ ВА ИЖОД СОҲИБИ

Ҳамид акани шахсан мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига котиблик қилган 60-йиллар бошларидан биламан. Сўнг у киши “Шарқ юлдузи”га бош муҳаррир бўлдилар, ўн йиллар муттасил Фафур Фулом номидаги нашриётда директор лавозимида ишладилар. Котиблик, бош муҳаррирлик, директорлик лавозимларида ишлаган кезлари адабий-ижодий жабҳанинг моҳир ташкилотчиси сифатида танилдилар. Ўша кезлари бу танги, мард, юксак маданиятли одамдан биронта ижодкор норози бўлганини билмайман. Ёзувчилар уюшмасида ишлаган кезлари бу даргоҳдаги адабий-ижодий ҳаёт қанчалар гуркираб кетганини, жўшқин тус олганини яхши эслайман. “Шарқ юлдузи”га редакторлик қилган йиллари журнал адади 25–30 мингдан юз минг нусхага етганди. Ўз даври учун “қалтис асар” саналган ёзувчи Шухратнинг “Олтин зангламас” романи, Дукчи Эшон кўзғолонининг 70 йиллигига бағишланган мақола унинг жасорати туфайли журнал саҳифасида босилди.

Ҳамид ака директор бўлган 1971 – 1981 йилларни Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг энг омадли даври деб аташ мумкин. Ўша йиллари Абдулла Қодирий романлари 150–200 минг нусхада чоп этилган эди. Миллий замонавий адабиётимизнинг классиклари саналмиш Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемирларнинг кўп жилдли асарлари нашри амалга оширилди. Жаҳон адабиётининг талай нодир намуналари, жумладан, “Илоҳий комедия”, “Фауст” таржималари дунё юзини кўрди. Адабиётимизда пайдо бўлган ҳар бир янгилик “Яшин тезлиги”да китоб ҳолида ўқувчига етиб борди. Нашриёт тарихида ҳеч қачон мунаққидлар асарларига бу қадар саховат кўрсатилган эмас – ҳар йили ўнлаб, йигирмалаб адабий-танқидий китоблар чиқиб турган.

Ҳамид ака мана шундай жамоатчилик – ташкилотчилик ишлари билан баробар ҳам шеърятда, ҳам насрда, ҳам драматургияда, ҳам публицистикада гоят баракали ижод қилди. Унинг икки китобдан иборат “Машғал”, “Тошкентликлар”, “Сенга интиламан”, “Бинафша атри”, “Мангулик” романи ўз вақтида қизиқиш билан ўқилган, мукофотлар билан тақдирланган. “Мангулик” романи эса хитой тилига таржима қилинган. Шеърлари қўшиқ қилиб айтилган. Муқимий театрида сахналаштирилган “Тошболта ошиқ” комедияси ҳануз одамлар оғзидан тушмайди.

Ҳамид ака жаҳон кезган, улкан халқаро минбарларда ўзбек эли, адабиёти шаънини кўтаришдек савоб ишларни адо этган, халқаро мавзуларда кўплаб асарлар битган адиб. Унинг “Қитъалар уйғоқ” китоби, ҳикоя ва романлари жаҳоннинг қирқдан ортиқ тилларига таржима қилинган. Адибнинг ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи “Вафонинг узун йўли” асарининг бугунги адабиётимизда муносиб ўрни бор.

Дунё кезган, кўпни кўрган, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирлар билан мулоқотларда бўлган, Фафур Фуломнинг энг яқин жигари – шогирдларидан саналган, ўша оғир замонларда масъул лавозимларда ишлаб, бирорта ижодкор ҳамкасби дилига озор етказмаган бу табаррук зотнинг адабиётимиздаги хизматлари бир умр унутилмайди.



*Илгарилари шоир Ҳамид Фуломни яхши кўрар эдим. Энди
плюс инсон Ҳамид Фуломни яхши кўраман.*

С.Баруздин

Чжан Цзе,
*Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий
Фанлар академияси хорижий адабиётлар
институтининг катта илмий ходими*

“МАНГУЛИК” РОМАНИ ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ

Ўзбек халқининг етук фарзанди ва атоқли адиби Ҳамид Гуломнинг навбатдаги асари — «Мангулик» романи ўзбек адабиётини яна бир янги бадиият билан бойитди. У ўзбек тилида чоп этилгач, тезда тилга тушди ва машхур бўлди. Кўп вақт ҳам ўтмай, унинг рус тилидаги таржимаси журналларда босилди ва юксак мукофотларга сазовор бўлди.

Тарихий бу романда ўзбек халқи ҳаётидаги туб бурилишлар акс этирилган, унинг яратувчилик ва бунёдкорлик қудрати ишонарли образ ва тасвирларда ифодаланган.

Асарда баён этилган меҳнаткаш омма ҳақида шуни айтиш мумкинки, у мустақилликка эришган бўлса-да, барча ҳам уни бирдек қабул қилгани йўқ. Шу боис кўп йиллар давомида ҳукмронлик қилган ҳокимиятнинг тазйиқи остида мажбуран қабул қилдирилган ғоялар ва унинг оқибати ўлароқ қарор топган эътиқодни ҳамон кимлардир ҳимоя қилади. Янги тузумни мустаҳкамлаш учун эса, аввало, халқ оммасининг онгини ўзгартириш, мафкураси ва маданий савиясини юқори даражага кўтариш зарурий шартдир.

Романнинг бош конфликти маърифий ишларни оёққа турғизиш масаласи атрофида ривожланиб боради. Асарнинг энг муҳим мавзуларидан бири ҳам айнан маърифат тарқатувчилар ролини кўрсатиш эди.

Романдаги баъзи воқеалар, одамларнинг хатти-ҳаракатлари, қаҳрамонларнинг тили унда акс этирилган давр ҳақиқатига мос келади, буларда ўша давр шундоққина кўриниб туради. Муаллиф ўша давр одамлари ўртасидаги муносабатларни, уларнинг ҳис-туйғуларини, ахлоқ белгилари ва урф-одатларини ниҳоятда нозик тасвирлайди. У ифодалаган ижтимоий ҳаёт манзаралари нафис тасвир қонун-қоидаларига мос, бинобарин, ёрқин миллий қадриятга эга; улардан она замин нафаси шундоққина сезилиб туради. Бир сўз билан

айтганда, муаллиф ўзбек жамиятининг янгилиниши давридаги шиддатли ва ҳаққоний манзараларини кўпгина бадиий воситалар ёрдамида ишонarli тасвирлаган.

Муаллиф бадиийлик мезонини чуқур ҳис этади. Бошқа детектив асарлардан фарқли ўларoқ, унинг романида уйдирма воқеалар ва ғайритабиий ҳодисалар кетидан қувди-қувди йўқ, сюжетдан четга чиқиб кетган воқеалар йўқ, китобхонни ваҳимага солувчи олди-қочдилар ҳам йўқ. Атайлаб чигал ва мураккаб муҳит ўйлаб чиқарилмаган. Албатта, романдаги тақдирларда кутилмаган бурилишлар ва ўхшашликлар мавжуд, бироқ муаллиф сюжетни ҳаётнинг ўз тараққиёт мантиқига ва одамларнинг феъл-атвориға мос равишда ривожлантира билган, шу сабабдан ҳам асарда ҳамма нарса табиий, ҳаққоний бўлиб, ўқувчини ишонтиради. Деталларни тасвирлашда психологик таҳлиллар ва шу каби масалаларда муаллиф анча топилмаларни кашф этган. У ички монологдан, персонажларнинг ички дунёсини очишға ёрдам берадиган бошқа тил воситаларидан, хуллас, замонавий романнавислик усулларидан моҳирона фойдаланганки, булар одамнинг руҳий оламини тўларoқ ва чуқурроқ очишға имкон берган.

«Мангулик» романининг кадр-қиммати яна шундаки, унда тасвирланган воқеа-ҳодисалар фақат Ўзбекистонгагина хос бўлмай, балки Марказий Осиёдаги бошқа Республикалар ва ҳатто Хитой Халқ Республикаси учун ҳам умумийдир. Бу мамлакатларнинг китобхонлари мазкур асар орқали ўз юртидаги ҳаёт билан танишадилар, десак хато бўлмас. Шу сабабдан ҳам бизнинг партиямиз Хитой Халқ Республикасида тўрт соҳада янгилаш (модернизация) сиёсатини амалга ошираётган бир даврда, яъни билимни ва билимдонларни ҳурмат қилишға чақираётган, бутун жамиятни ўқитувчиларни эъозлашға даъват этаётган бир вақтда бу романни бизнинг китобхонларимизға тавсия этиш ниҳоятда зарурдир.

Роман муаллифи Ҳамид Фулом 1919 йилда ўқитувчи оиласида дунёға келган. У 1941 йилда Тошкент Педагогика институтини тамомлаган, Иккинчи жаҳон уруши йилларида радиода диктор ва редактор бўлиб ишлаган. Ҳамид Фулом адабиётға шоир сифатида кирган ва асарларини жуда эрта эълон қила бошлаган. У лирик шеърлар билан бир қаторда балладалар ҳам ёзганки, кейинчалик «Қитъалар уйғoқ» номли

балладалар тўплами нашр этилган. Унинг “Ҳаёт ишқи” (1969), “Лолакўл” (1972), “Амазонка кўшиғи” (1974—76) каби достонлари ҳам бор. 1950—60-йилларда Ҳамид Фулом илк насрий асарларини эълон қила бошлади. 1958—61-йилларда “Машғал” романи босилиб чиқди. “Сенга интиламан” ва “Бинафша атри” номли икки романи (1963—1964) Мирзачўл ерларини ўзлаштирган кишилар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. “Тошкентликлар” (1967) романида Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки даврида фронтдаги қонли жангларда қатнашган аскарларнинг қаҳрамонлиги ҳамда мамлакат ичкарасида фидокорона меҳнати билан фронтга ёрдам берган халқ оммасининг жасорати тасвирланади. Бу роман Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган. Ҳамид Фулом бир қанча пьесалар муаллифидир. Унинг қатор публицистик мақолалари ҳам бор. Бу адиб кўплаб хорижий мамлакатлар ёзувчиларининг машҳур асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ҳамид Фулом кўп қиррали ижод соҳиби, истеъдодли адибдир¹.

1989 йил



¹ Хитой олимнинг мазкур мақоласи «Мангулик» романининг 1988 йилда «Пекин» нашриётида хитой тилидаги нашрига сўзбоши қилиб берилган.

Эркин Самандар, ёзувчи

ҚУЁШГА ЯҚИН...

Ҳамид ака (Ҳамид Фулом)нинг 60 йиллиги Республикада кенг нишонланаётган файзли кунлар эди. Тантаналар Нукусдан кейин Хоразмга кўчди.

Қорақалпоғистонликлар юбилярни ва Тошкентдан ташриф буюрган меҳмонларни Хоразм замини бошланадиган манзил — Гурлан райони чегарасигача кузатиб келишди. Биз уларни нон-туз, карнай-сурнай садолари остида беҳад хушнудлик ила қарши олдик.

Йўл усти — ҳовуз бўйидаги шийпонда бир пиёла чой устида гурунг кетди. Қорақалпоғистонлик атоқли адиблар Иброҳим Юсупов, Тўлепберган Қайипберганов ва хоразмлик ижодкорлар, олимлар, вилоят, туман раҳбарлари иштирокида пахтакорлар билан бўлган бу учрашув Хоразмда ўтажак тантаналарнинг дебочаси эдики, ниҳоятда кенг кўлам ва тароват касб этди.

Ҳамид ака олтмишга кирган одамга ҳечам ўхшамасди. Йигитлардек бардам, виқорли, юзларида нур балқиб турарди. Унинг бутун борлигида соғломлик, ҳаёт шодликларидан баҳрамандлик, эртанги бахтли йилларга ишонч, эл-юрт ҳурмат-эҳтиромига мушаррафлик саодати, улуғворлик уфурарди.

Сўзга шеър, шеърга соз, қўшиқ ва рақслар уланиб кетди. Пешиндан сўнг юбилей карвони Урганчга йўл олди.

Хоразмдаги учрашувлар адабиёт байрамига айланди ва ёниқ сўзга эҳтиром белгиси, китобхонларнинг ўз суюкли адибига чексиз ҳурмати нишонаси ўлароқ қалбларга муҳрланиб қолди.

Халқнинг ўз ёзувчисига бўлган бундай эҳтироми боиси нимада, не сабабдан оддий одамлардан тортиб юрт дарғаларигача — барча эл-улус унга оташин меҳр-муҳаббатини тўлқинланиб изҳор этади, уни беғуборлик ила алқайди, бошга кўтаради?

Мен ўша кунларда бу ҳақда кўп ўйлаганман, матбуотда ҳам (мен “Хоразм ҳақиқати” вилоят газетасини бошқарардим) айни шунга эътибор қаратилгани бежиз эмасди.

Бу кўп жиҳатларда, айниқса, уч нуқтада яққол кўринади.

Биринчидан, Ҳамид Фулом ижодининг кўлами кенглиги, серқирралиги, жозибадорлиги билан ўқувчилар меҳрини қозонган эди. Унинг назми ҳам, насри ҳам, саҳна асарлари ва публицистикаси ҳам бирдек халқчил ва таъсирлидир. Кўтарган мавзулари каби жанрлари ҳам ранг-баранг.

Учрашувларда қуйидаги мисраларнинг қайта-қайта жаранглагани бежиз эмас.

Балки изларимни ахтарар онам
Боғимизда танҳо юрганда.
Кўз олдини қоғлар бўй-бастим
Сарв оғочини кўрганда.

Жанг майдонларида қон кечиб юрган йигитнинг нидосидай ўқувчи қалбини ларзага солади бу мисралар. Шеърда ҳолат тасвири, манзара тиниқ, ихчам ва самимият ила йўғрилган. Ўғил изларини боғда ахтариб юрган она. Сарв дарахти. У ўғлининг бўй-бастини эслатиши... “Мен кетдим” шеъридаги мана шу тўртликнинг ўзиёқ ўқувчини ром этиши табиий.

Ёр мавзусига келганда эса юқоридаги аниқ манзара ўрнини илтижо эгаллайди, зеро, муҳаббат хокисорликни ёқтиради.

Мен кетарман кўп йироқ эллар томон,
Севгилим, ёд айлагил сен ҳар замон.

(“Соғинаман” шеъридан)

Вафоли ёр васлига етган ошиқнинг туйғулари бошқача — унинг билан ўтган ҳар кун энди даврон, ҳар кун энди тўй.

Сен билан ўтган кун мен учун даврон,
Қайнайди истаклар, яшнайти ўйим.
Мисралар қоғозга тизилар равон,
Сен билан ўтган кун — энг ширин тўйим.

Ўрни келганда Ҳамид аканинг ўз рафиқаси Манзураҳон аяга бўлган меҳр-муҳаббати, уларнинг бир-бирига лутфу карами кўпларга ибрат бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Ўзим бунинг кўп бор гувоҳи бўлганман.

Битта мисол келтирай. Тун ярмида телефон жириглади. Гўшакни кўтарсам, Ҳамид ака. “Юртингизга келиб қўндик, — деди хушчақчақлик билан. — Самолётимизни Тошкент қабул қилмади. Об-ҳаво чатоқроқ экан”.

— Ҳозир аэропортга етиб бораман, — дедим бўлажак учрашувга мамнуният билан ўзимни чоғлаб. Гап шундаки, Москвада ўтган Ўзбек адабиёти кунлари кеча тутаган, демакки, кўп атоқли ёзувчиларимиз ҳозир Урганч аэропортида эди.

Мен ўз навбатида обком секретари С.Қурбоновни уйғотдим. Ярим соат ўтар-ўтмас Собир Шералиевич билан аэропортга етиб бордик. Депутатлар хонасини очтириб, тайёргарлик кўрилганидан сўнг, меҳмонларни дастурхонга таклиф қилдик. Мен шу орада бошқа шоир ва ёзувчиларга ҳам қўнғироқ қилиб улгурган эдим, улар-да тезгина етиб келишди.

Кутилмаганда ўз-ўзидан тонготар бир анжуман пайдо бўлган эди. Декада таассуротларини бизга гапириб беришди, шеърлар ўқилди.

Бу ўзи алоҳида мавзу. Ҳозир эса менинг мақсадим, юқорида айтганимдек, Ҳамид аканинг ўз рафиқасига бўлган меҳр-оқибатига урғу бериш бўлгани сабаб, фақат ўшани айтсам, етар деб ўйлайман.

Депутатлар хонасидан чиқиб дам олинаётган пайтда Ҳамид ака чамадонини очиб, битта чиройли сувенирни менга кўрсатар экан, “Қалай? — деди фикримни билмоқни истаб, — Манзураҳон аянгизга олганман”.

Сувенир ҳақиқатан ҳам чиройли ишланган ва унинг қимматбаҳо совға экани шундоқ кўриниб турарди. Лекин мен хоразмча соддалик ва дангаллик билан:

— Бу яхши, лекин янгага бирон кийимми ҳадя этилса дурустроқ бўлармиди, биласиз, аёллар шунга ўч бўлишади, — дебман.

Ҳамид аканинг оғрингани кўриниб турарди.

— Янгангизни билмас экансиз, — деди сўнг кулимсираб. — Бизнинг маликага ўнта латта-путтадан битта мана шу пейзажнинг ўзи афзал.

Мен ўсал бўлган эдим, албатта. Лекин бўш келишни истамай:

— Бунинг ёнида битта костюм-юбка бўлса, нур устига аёло нур бўларди, — дедим юмшоқ қилиб.

— Кейинги сафар чоғида шундай қиламиз-да, — деди очилиб. — Тошкентга келганингизда бизникига ўтинг, янгангиз қизил палов пишириб берадилар.

— Ўтганим бўлсин, — дедим хатоимни ювишга уриниб.

Айтмоқчиманки, Ҳамид ака билан Манзураҳон аянинг эр-хотинлик муносабатлари нафосат асосига қурилган эди. “Сен билан ўтган кун ... яшнайти ўйим” деганлари ана шундандир. Ўйнинг яшнаши... бу ўзи бир чиройли топилма.

Энди икки оғиз сўз Ҳамид ака сиймосига дохил бўлган иккинчи жиҳат — унинг арбоблиги ҳақида.

Юбилей доирасидаги учрашувларнинг охириги куни Хива яқинидаги Қиёт қишлоғига — Огаҳий колхозига борилди. У пайтда Огаҳий туғилган, то умрининг охиригача яшаган уйи ва боғи ўрни ғўзапоя бўлиб, фақат пахтазор аро битта Балх тути жон сақлаб турарди.

Мен Ҳамид ака ва унинг ҳамроҳларига ўттизинчи йиллардаёқ шўролар шоир уйи ва боғни бузиб яқсон қилганини, орадан юз эллик йил ўтиб, бир мўъжиза сабаб унинг мана шу тути омон қолгани ва ўтган йили тутнинг атрофи ободонлаштирилганини гапириб бердим. “Шоирнинг қабри топилганми?” деб сўради Ҳамид ака.

Топилгани ва қайта тиклангани, унга йўл олиб борилгани ва атрофи обод қилинганини айтдим. Ҳамид ака бениҳоя хурсанд бўлди ва 1959 йил Огаҳий таваллудининг бир юз эллик йиллиги нишонланганида атоқли адиблар, олимлар билан келиб шоир қабрини топишолмаганини эсларкан:

— Қабрни топишга ундан олдин фидойи олим Субутой Долимов уриниб кўрган, — деди маъюс тортиб, — лекин натижа чиқмаган, бутун қабристонни сариқ қамишлар босиб ётган-да.

Огаҳий ўз қўли билан эккан тут атрофида унутилмас гурунг бўлди. Ҳамид ака Муҳаммадризо Огаҳий Алишер Навоийдан кейинги иккинчи буюк сиймо эканлиги, улкан адабий мероси, таржималари ва тарихий асарларининг салмоғи ҳақида, хонликда у бош мироб, давлат арбоби сифатида

амалга оширган ишлар борасида сўзлаб берди. Ҳазрати Огаҳий ижоди ва ижтимоий фаолиятини бутун Республикада кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш кераклигини айтди.

Орадан йиллар ўтиб, мустақиллик туфайли бу орзулар рўёбга чиқа бошлаган пайтда Ҳамид акага маслаҳат солиб:

— Биласиз, ҳазрат Огаҳийнинг таваллуд куни — 17 декабрь Хоразмда кенг нишонланиши одатга айланган, — дедим, — шу куни Тошкентда ҳам тадбирлар ўтказилса эди.

Ҳамид ака бу гапни қизгин маъқуллади. Шундан сўнг уюшмамиз раҳбарларининг оқ фотиҳасини олиб ишга киришилгани ва 17 декабрь куни Хоразмдан вакиллар ташриф буюргани, уюшма биносида дастурхон ёзилиб, шоирлар ва санъаткорлар иштирокида катта байрам ўтказилгани кечагидай эсимизда. Шу кечада Ҳамид аканинг оташин сўзларини эшитарканмиз, бир шоир дўстим қулоғимга “Ҳамид ака арбоб-да” деганида буткул ҳақ эди.

Ҳамид Фуломнинг ташкилотчилик салоҳияти Фафур Фулом номидаги нашриётни бошқарган йилларида ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбарларидан бири сифатида адабий ҳаётга етакчилик қилганида, турли халқаро анжуманларда, чет элларда Ўзбекистон шаънини улуғлаб келган даврлардаёқ кенг миқёсда кўзга ташланган ва эътироф этилган эди.

Ниҳоят, мен айтмоқчи бўлган сўнги хислат — бу тиниб-тинчимас адиб ва арбобнинг одамий фазилатларидирки, бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Аммо устоз ўзи ҳар ишда, жумладан, сўзда ҳам мухтасарликни хуш кўрарди. Шунга амал қилган ҳолда қуйидаги икки-уч мисол билан кифояланиш ўринли.

Ҳамид аканинг Мевазордаги катта боғли, икки қаватли иморатларида бир неча марта бўлганман. Адашмасам, етмишинчи йиллар эди, ўша уйни болалар боғчасига ҳадя этганига ўзим гувоҳман. Эскирган, томидан чакка ўтиб ётган боғча биносидан болалар данғиллама иморатга ўтганларида Ҳамид ака енгил нафас олиб, оиласи билан кўп қаватли давлат уйига кўчиб ўтган эди. Бундай саховат ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаслиги аён.

У ўзи қилган эзгуликдан қувонадиган, бошқалардан кўрган яхшиликни қадрлайдиган, ёмонликни эса унутиб юборадиган бағри кенг инсон эди. Унинг гўё оҳанрабоси бор эдики, қаерга борса, одамлар талпиниб, кучоқ очиб кутиб олишар, меҳр изҳор қилишарди. У сўзлаганда лоқайд

Ўтирган одамни кўрмаганман. Ҳар битта гапини шошмай, дона-дона қилиб айтгувчи, ўринсиз сўздан тилини тийгувчи, маънони бамисоли маржонни ипга тизгандай расо (гўзал) қилиб қалбларга етказгувчи эди.

Ҳамид ака нашриётни бошқарган йилларда китоб чоп этиш ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилгани, унинг моҳир ташкилотчилиги баробарида одамийлиги, адолатпарварлиги, бўлар-бўлмасга конфликт туғдирмаслиги, тўқнашув юзага келган тақдирда уни усталик билан ечиши самарасидир. Яхши китоблар, айниқса, ёшларнинг асарлари навбатсиз нашр этилганини ҳам бунинг битта исботи деб биламан.

Ўз фарзандлари камолини кўриб нечоғлик қувонганларини кўп кўрганман. Бир куни ўғли Шерзодбекнинг (у билан телевидениеда ўн йил бирга ишлаганмиз) уйига (у пайтда Шерзод Фуломов ўз оиласи билан алоҳида яшарди) яхши қунида борганимизда Ҳамид ака айтган битта гап ҳамон эсимда. Ўлтириш тугаб зинапоядан тушаётганимизда “Фарзандларни уйли-жойли қилиб, мубораклаб бориб туришдан ҳам ортиқроқ бахт борми”, — дегани ҳикмат бўлиб қалбимга ўрнашган.

Ҳамид ака бир шеърида:

Тянь-Шань тоғларининг чўққисидаман,
Ердан узоқдаман, қуёшга яқин.

деб ёзган эди. Ҳа, у ҳамиша қуёшдан баҳрамандлик билан яшарди. Ўзи қолдирган бой адабий мерос ва баркамоллик авлоди тимсолида бугун ҳам у қуёшга яқин!



Йўлдош Сулаймон, ёзувчи

ШОИР ОЛАМИ

Айт, жигарим,
Сенинг қалбинг ҳам
Уфқларни қамрай оларми?!
Худди шу кенг денгиздай кўркам
Қулочларми чексиз оламини?!

Инсон қалбининг денгиздай, чўнг уммондай бўлишини, унга коиноту осмонни сиғдиришни, олам гўзаллигида, ташвишида, курашида ўзини ҳам кўришни истаган дил наъраси эмасми бу?! Ҳа, шоирнинг замондошларига, ўзига саволи бу! Дарвоқе, сен денгиз бўлсанг, унда сузадиган оқ кемадаги «минг-минглаб йўловчилар, ошиқ-маъшуклар айтган янғроқ кўшиқлар»га кучоғинг етадими?! Сенда шундай кучқудрат бўлса:

Ҳар бирининг тақдири, ўйи,
Можароси, ҳижрони, тўйи,
Қувончлари, ҳаяжонлари,
Ташвишлари, тўполонлари,
Шовқинлари, бақришлари,
Гоҳ мунг, гоҳи ҳайқиршлари,
Яъни дунё деган зил юкни

кўтара оласанми?! Буни бағри денгиз бўлганларгина, ўзининг инсон эканини — гурурини муқаддас этадиганларгина уудалайди. Ўзбек адабиётининг катта намояндалари орасида фахрли ўрин тутган севимли шоиримиз Ҳамид Фуломнинг инсон қалби, яратувчилик қудрати, муҳаббати, бурчи, масъулияти, табиат гўзаллиги ва бошқа мавзудаги шеърлари унинг «қалби денгиз»лигини кўрсатади. «Баҳор таронаси», «Лолага», «Беҳи гуллади», «Куз», «Суюнчи» шеърларида гўзалликнинг энг нозик нуқталари куйланса, «Юракда куёш билан», «Иним» сингари балладаларида умуминсоний фазилатлар, эрк

учун кураш, дўстлик қадрига етиш каби гоёлар улуғланади. «Лолакўл», «Ҳаёт ишқи» каби дostonларида эса инсон ғурури, бахт, нафсоният, чин севги, меҳнат мавзулари тараннум этилади. Кишилар ҳаёти, одамгарчилиги, гўзаллик Ҳамид Фулом асарларида шундай бир нафис, тўлқинли, кўнгилнинг қат-қатига сингиб кирадиган қилиб бадиий акс эттирилганки, ўқувчи шоирнинг катта ва қайноқ қалбидан, машхур санъаткорларга хос маҳоратидан баҳраманд бўлади.

Ҳамид Фуломнинг назмдаги ижоди, айниқса «Лолакўл» дostonи орқали у яратган чўққини кўриш, уни бошқалардан дарров ажратиб олиш мумкин. Чунки «Томчида кўёш акс этади» дейишади. Ҳа, акс этади, аммо кўёшнинг ўзи кўринмайди. Шоир асарларини алоҳида-алоҳида ўқиганимизда кўёш аксини, кўёш парчаларини кўрамиз, унинг тафтини ҳис этамиз. Ҳар бири ўз вақтида адабиётимизда воқеа бўлган «Машъал», «Сенга интиламан», «Тошкентликлар», «Бинафша атри», «Мангулик» романлари ва бошқа бир қанча қиссаларининг, поэмалари ва ўнлаб шеърый китобларининг, «Фарғона ҳикояси», «Тошболта ошиқ», «Ўғил уйлантириш», «Ажаб савдолар», «Дил кўзгуси» каби драмалари ва яна кўплаб публицистик асарларининг ҳаммасини бир ерга жамлаганимизда, улкан Ҳамид Фулом бутун бўй-басти билан кўринади, Ҳамид Фуломнинг кўёши бутунисича кўз олдимизда чарақлайди. Ҳамид Фулом ўз даврининг улўғ шоири, ёзувчи, драматурги, публицисти ва қаламкашларнинг энг самимий мураббийсидир.

1999 йил, май



КЎҲНА ЮРТНИ СЕВАР ЭДИ У

Ҳамид Фулом самарқандлик адабиёт мухлисларининг азиз, қадрдон ёзувчиси эди. У вилоятимиз зиёлилари, олиму ижодкорлари билан яқин ва дўстона алоқада бўлган. Шоирнинг Самарқандга ҳар бир ташрифи соғинчли учрашувлар, қизиқарли суҳбатлар, мулоқотлар, шеърхонликлар, янги асар муҳокамалари билан ўтар ва улар Самарқанд аҳлида унутилмас таассурот қолдирар эди. Жумладан, «Машғал» романи бўйича СамДУда муаллиф иштирокида ўтказилган китобхонлар конференцияси адабиёт байрамига айланган эди. Анжуманда романнинг ютуқлари ҳам, айрим камчиликлари ҳам холисона кўрсатилиб, таҳлил этилди. Адиб бундан ғоят қувониб, китобсеварларга атаб бадиҳа ўқиб юборганди.

Ҳамид Фуломнинг самарқандлик ижодкорлар, хусусан, Душан Файзий, Нормурод Нарзуллаев, Марди Нуриддинов, Барот Бойқобилов, Яздон Худойқуловларнинг ижодкор сифатида шаклланишида, халққа танилишида хизмати катта бўлган. Ҳамид ака 1976 йили чоп этилган Душан Файзийнинг «Самарқанднома» тўпламига ёзган сўзбошисида шундай дейди: «Самарқанд ҳамиша шоирлар маскани бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Самарқандда Душан Файзийдан ёши улугроқ шоирлар ҳам бор, унинг тенгдошлари ҳам анчагина, лекин Душан Файзий улар ичида ажралиб туради. У ёзган асарлар: шеърлар, дostonлар, пьесалар мавзуи Самарқанд тарихидан ва унинг ҳозирги сермазмун ҳаётидан олинган. Душан Файзий шеърларига кулоқ солган киши Самарқанд хиёбонларидаги шеърый сукунатни ва кўчалари, бозорлари, майдонларидаги жарангли шовқинни тинглайди. Шоир ташбеҳларида Регистон минораларининг заррин кўк бўёқлари, Оҳалик тоғларининг такрорланмас ранглари бор».

Ҳамид ака шахсан менинг ҳам илмий фаолиятимга меҳр билан қараган. У ўзининг «Йиллар, йўллар, устозлар» (1979)

китобида йирик адабиётшунос олимлар қаторида каминани ҳам фаол адабий танқидчи сифатида тилга олган ва илиқ сўзлар битган. Ҳамид Фулом бир асарида ўзининг Фафур Фулом билан бирга устоз Садриддин Айнийни зиёрат қилиш учун Самарқандга борганини эслар экан, самарқандликларнинг меҳмондўстлигини мафтун бўлиб тасвирлайди: «Домла Самарқандга хос сахий дастурхон кўтариб келди... Гирдим патнисга терилган гулдор ликопларда сояки, кўкиш ва қора майизлар, қандолат, хандон писта, новвот, чинни пиёлада балх тутининг шинниси, тандирдан янги узилган нони пўлот». Адиб Фафур Фулом ва Садриддин Айнийнинг самимий дўстлиги, беғубор ҳазилкашлиги, илм ва ижод бобидаги фидокорона меҳнати ва жонқуярлигини тасвирлаш орқали бу икки алломанинг дўстлигидан фахрланиб, эзгу ғояларни самимият билан изҳор қилади, устозларни дил-дилдан улуғлайди, Самарқандга меҳр-муҳаббат билдиради.

1977 йил сентябрь оyi. Пахта йиғим-терими авж олаётган палла. Вилоят раҳбари Бектош Раҳимов мени ўз хузурига чақириб (ўша йилларда мен СамДУда факультет декани лавозимида ишлаш билан бирга, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раиси вазифасини ҳам бажарар эдим): «Эртага Ўзбекистон халқ шоири Ҳамид Фулом келади. Туманларда бўлиб, пахтакорлар билан учрашади, суҳбатлашади. Бирга бўлинг, шоир сафарининг самарали бўлишини уюштиринг», деб топшириқ берди. Ўн кун давомида Пахтачи, Нарпай, Пайариқ, Каттақўрғон, Пастдарғом, Оқдарё, Самарқанд, Ургут, Булунғур, Иштихон туманларида қизиқарли, унутилмас учрашувлар, шеърхонликлар уюштирилди. Пахтачи туманида Хумор номли қишлоқ (ҳозирги Шамси Назаров номидаги жамоа хўжалиги)даги катта бир йиғинда Ҳамид Фулом ўзининг «Суюнчи» номли шеърини ўқиб берди.

Сафар якунида ёзувчи юртимиз пахтакорлари шаънига яна самимий сўзлар айтиб, янги китобларига «Самарқанд. Олтин куз фаслидаги учрашувлардан эсдалик» тарзида дастхат ёзиб, тақдим этдилар. Кўп ўтмай Ҳамид Фулом сафар таассуротлари материаллари асосида шеърлар, очерклар ёзиб, қўли гул, қалби пок, вафодор Самарқанд пахтакорларининг фидокорона меҳнатини, ўрناق олса арзийдиган жасоратини мадҳ этди...

Ҳамид ака миллий қадриятларимизни, миллий урф-одатларимизни юксак қадрлар, миллий удумларимизга тўлиқ риоя қилар эди. У кишининг 1973 йилда Самарқандга ташрифи чоғида шахсан менга, оиламизга кўрсатган ўзбекона эътибори ва ғамхўрлигини ёдимдан асло чиқармайман. Ҳамид Убайдуллаевич устозимиз Комил Яшин бошчилигида Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин, Туроб Тўла каби ёзувчилар билан бирга кўққисдан бизнинг уйга ташриф буюрди. Бир пиёла чой устида азиз меҳмонлар мени яқинда докторлик диссертациясини ёқлаганим билан қизгин қутлаб, яхши тилаклар изҳор қилдилар. Хуллас, Ҳамид Фулом беназир инсон, содиқ дўст, шогирдсевар устоз, том маънода халқпарвар ёзувчи эди.



Ўзбек адабиётининг ютуқлари ҳақида ўйлаганимда дўстим Ҳамиднинг ҳам ҳиссаси борлигини айтиш мароқлидир.

Б.Кербобоев

ИНСОН ҚАЛБИНИНГ МУҲАНДИСИ

Ҳамид Фулом, аввало, таниқли ёзувчи ва шоир сифатида шуҳрат қозонган. Бироқ унинг ижодий қиёфаси, истеъдоди, ғоявий ва маънавий қарашлари, ўзига хос бадиий услуби, маҳорати, хуллас, эстетик мезони унинг романлари, достонлари, шеърий тўпламлари билангина эмас, жумладан, саҳна асарлари билан ҳам белгиланади. Шунинг учун адиб ижодининг бир қирраси — драматургиясига нигоҳ ташлашни ният қилдик.

Воқеликда рўй бераётган ҳодисаларни кузатиб, унда одамни қизиқтирадиган, мушкулини осон қилишга кўмак берадиган муаммоларни қидириб топиш, асар қайси мавзу ва даврдан олинган бўлмасин, ўша замон муҳитини чуқур ҳис этиш ва унга шу кун назаридан ёндашиш, инсон қалбига кириш, дардига қулоқ солиш, қисматига шерик ва ҳамнафас бўлиш, унга маънавий озуқа ва руҳий тасалли бериш, хуллас, унинг ҳаёти, кечинмаси билан яшаш — буларнинг барчаси Ҳамид Фулом ижодини, жумладан, драматургиясини белгиловчи омиллар. Яна шуни айтиш ўринлики, унинг аксарият саҳна асарлари ўзининг ғоят латиф лирикага бойлиги, тилининг равон ва ширадорлиги билан кишини мафтун этади. Бунга асарнинг қайси жанрда ёзилгани ҳам жиддий сабаб бўлган. Чунончи, Ҳамид Фуломнинг олтита пьесасидан бештаси ҳажвия. Бу жанр эса кўпроқ лирикага мойил.

Ҳамид Фуломнинг қайси асарини олманг, унинг марказида жинси, ёши, касби-коридан қатъи назар, инсон қисмати туради. Масалан, 1959 йилда яратилган дастлабки пьесаси — «Фарғона ҳикояси» комедиясида Кичкина Хўжа образи бош қаҳрамон сифатида берилган бўлса, 1990 йилда ёзилган «Муҳаббат навоси» драмасыда эса, тарихий шахс, Шарқнинг мумтоз шоирларидан Нафисий сиймоси берилган бўлиб, ҳар иккаласида ҳам инсон тақдири ўртага қўйилган.

Ҳамид Фуломнинг яна бир саҳна асари — «Тошболта ошиқ» мусиқали драмасига келсак, у дастлаб қўйилган даврдан, яъни 1962 йилдан буён то шу асарнинг бош қаҳрамонини моҳирона яратган Соиб Хўжаев вафотига қадар минг мартадан ортиқ қўйилди. Муаллифнинг юксак драматургик маҳорати ва актёрнинг бетакрор талқини туфайли Тошболта Хўжа Насриддин сингари халқимиз онги ва қалбига сингиб, унинг севимли қаҳрамонларидан бирига айланиб қолди. Ҳа, Тошболта ўзбек миллий драматургиямиз учун янгилик ва у классик образлар қаторига кўтарилди десак, муболаға бўлмайди.

АҚШда инглиз тилида нашр этилган журнал ўзининг 1962 йил 20-сонида «Тошболта ошиқ» комедияси ва Соиб Хўжаевнинг ижрочилик санъатига юксак баҳо бериб, асарнинг ўта миллийлиги ва халқчиллигини алоҳида таъкидлаган. Дарҳақиқат, бу фазилат аввало Тошболта образида ўзининг мукамал ифодасини топди. Яъни, унда ўзбек халқига мансуб миллий хислатлар, чунончи, инсонга пок руҳ, тоза назар билан қараш, елкадошнинг қувончида ҳам, қайғусида ҳам ёнма-ён тайёр туриш, ортиқча бойликка интилмаслик, зеб-зийнатга берилмаслик; сабр-тоқатлилик, одамсеварлик, хайрихоҳлик, сахийлик, ҳалоллик, меҳнатга сидқидилдан берилишлик, хоксорлик, шунинг билан бирга инсоний ва миллий ғурурни сақлай олишлик каби фазилатлар мужассамлашган.

Миллийлик ва халқчиллик фақат «Тошболта ошиқ» пьесасига эмас, умуман, Ҳамид Фулом драматургиясига мансуб фазилат. Масалан, унинг «Ўғил уйлантириш» ёки «Ажаб савдолар» комедияларини олайлик. Улардаги кундалик маиший ҳаётимиздан олинган образларнинг феъл-атвори ва табиатида ўзбек халқига хос миллий характер ҳамда урф-одатлар, уларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари ёрқин аксини топган.

Ҳамид Фулом ижодига, жумладан, драматургиясига хос яна бир хислат — воқеликни, ундаги ҳодисалар ва одамлар сиймосини акс эттиришда ҳаёт ҳақиқатидан, мантиқидан келиб чиқиб, уларни бадиий умумлашмалар даражасига кўтаришдир. Шу боис унинг саҳна асарларида уйдирма, сунъийлик ёки ҳақиқатни бўрттириб, бўяб кўрсатиш ҳоллари учрамайди. Бу фақат замондошлар ҳаётдан олинган пьесаларда эмас, узоқ ва яқин ўтмишдан ҳикоя қилувчи асарларида ҳам кўринади.

Ҳамид Фулом драматургияси ҳақида айтилган барча фикрлар унинг «Тошболта тижоратчи» комедиясида ҳам ўзининг мужассам ифодасини топган. Асарнинг номиданоқ, у қайси давр ва нима ҳақида, бош қаҳрамон ким ва қандай воқеалар содир бўлиши мумкинлигини кўз олдимизга келтириш қийин эмас...

Хуллас, Ҳамид Фулом ўзининг ажойиб саҳна асарларида долзарб мавзуларни кўтариб, янги-янги образларни яратиб, қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилиб драматургиямизни бойитди, театр санъатимизнинг ривожига катта ҳисса қўшди, улар орқали замондошларига маънавий озуқа ва эстетик завқ бағишлади.

1994 йил, май



Гапнинг рости, сенинг “Япония ҳақида ҳикоялар” китобинг менда яхши таассурот қолдирди.

Ю. Барабаш

НАЖОТКОР УСТОЗ

1972 йил. ТошДУ журналистика факультетининг кечки II курс талабасиман. “Тошкент университети” газетасида ходим бўлиб ишлайман. Ажойиб кунларнинг бирида армияда бирга хизмат қилган Абдуваҳоб Нурматовни учратиб қолдим. Тилло топган қулдай қувониб кетдим. Негаки, армия сафидаги “ҳимоядош” имни қайта топган эдим. “Ҳимоядош” дейишимнинг сабаби бор, албатта. Мен армияга борганимда, Абдуваҳоб бир йил хизмат қилиб улгурганди, яъни “қария” эди. Ўша пайтларда армияга энди борган солдатларни олдинроқ борган “қария”лар турли-туман “чиғириқ”лардан ўтказишарди. Шундай “ожиз” кунларимнинг бирида ўзи ҳам шеър ёзадиган Абдуваҳоб менинг “шоир” лигимдан хабар топиб ўз ҳимоясига олди...

Хуллас, мен Тошкентда халоскоримни топдим ва унинг ёрдамида ўша пайтлар бағоят катта обрўга эга бўлган Фафур Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриётига хўжалик ишлари бўйича маъмурлик вазифасига ишга жойлашдим. Менинг вазифам нашриёт жамоасига қоғоз, ручка, қалам, ўчирғич... ва шунга ўхшаш нарсаларни етказиб бериш, тўғрироғи, уларни тарқатиб туриш эди.

Раҳбар... Раҳбар қандай бўлиши керак? У қайси жиҳатлари билан жамиятга ва умумжамоага ибрат? Бу ҳақда ўйласам, лоп этиб Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори Ҳамид Фулом кўз олдимга бор бўйбаста билан гавдаланади. Оғир, вазмин... салобатли... ораста кийим-бош... юриш-туриш... ҳар бир сўзни аниқ-аниқ талаффуз этувчи... сирли виқор... тик боқувчи кўз-нигоҳ...

Кимдир директор чақираяпти, деди. Титраб кетдим. Ҳамид Фулом биздек талаба ва ишловчиларни унча-бунчага хонасига чақиравермасди. Оҳиста эшигини очдим. Ҳамид Фулом тўрда салобат билан бир қўли чўнтагида тик турарди.

– Нима қилиб қўйдинг? – деди у киришим билан.

Мен тушунмадим. Оғзимни очиб лол туравердим.

– Ишхонанинг бутун қоғоз, ручкаю қалам, хуллас, керакли нарсаларини тарқатиб юборганмишсан, каттагина қарздор бўлишга ҳам улгурибсан. Студент бўлсанг... Ё отанг бойми?.. Ўзи қаердан келгансан?

– Самарқанддан... – дедим баралла ҳаяжонда.

– Ҳа, – деди Ҳамид Фулом, – Тошкентни забт этишга келибсан-да... хўш, нега ҳаммага қоғозларни тарқатиб юрибсан?

– Фақат шоир, ёзувчиларга бердим-ку... – дедим. – Ҳаммаси шоир, ёзувчилар...

– Шоир, ёзувчилар бўлса, улар бизда ишлашмайди-ку!..

Гап шундаки, мен нашриётга хўжалик ишлари бўйича маъмур бўлиб ўтганимдан сўнг... кўпгина шоиру ёзувчилар, журналистлар, нашриётчилар билан танишдим. Албатта, уларнинг барини биринчи кўришим, мўъжизадек туюлади... Сигиниш даражасидаман. Қай бири келиб қолса, қоғоз сўрайди... ва мен ҳам ҳеч иккиланмасдан уларнинг қўлларига “бисот”имдаги бор нарсадан тутқазаман...

Олти ой деганда нашриёт ревизори текширди ва камомад... Бухгалтериядагилар ҳаммасини билиб юришган экан, директорга оқизмай-томизмай айтишибди... Олдин соддалигимдан жаҳллари чиқибди, кейин “қишлоқи”лигимдан роса кулишибди...

– Соддалик яхши, – деди салмоқлаб Ҳамид Фулом, – аммо бу даражада эмас... У ер-бу ерда чиққан шеърларингни ўқидим, тузук қаламинг бор шекилли, корректор бўлиб ишга ўтасан, ўзимизга. Ҳисоб-китоб ишлари сенга тўғри келмас экан. Бу ёғига эҳтиёт бўл! Нашриёт қоғозини ҳали бир гўл студентдан уялмай-нетмай олиб кетган ўша шоирларингдан ҳам эҳтиёт бўл... Камомадига келсак, энди бош бухгалтердан илтимос қиламиз.

Иккинчи бир воқеа ҳам ҳеч эсимдан чиқмайди.

Нашриёт коридорида Ҳамид Фуломга дуч келиб қолдим. Салом бердим. Хонамга кир, дегандек боши билан имо қилди. Кирдим.

– Эртага мажлис бўлади, – деди салмоқлаб, – сенинг масаланг кўрилади, хабаринг борми? – деди. Хабарим йўқлигини айтдим довдираб.

– Айтишмадими? – деди... – Хўп, айтишмаган бўлса, гап бундай, партия йиғилиши бўлади, сен албатта партия аъзоси эмассан, аммо масалангни нашриёт партия котиби қўймоқда. Сени ишдан ҳайдашга мажбур бўламан... Фалончи

(Исми-шарифини кўрсатиш ножоиз деб билдик) опангга нега салом бермайсан?

– Доим салом берардим, Ҳамид ака, – дедим, – лекин у опа саломимга ҳеч алик олмайди...

– Ҳим-м... – деди Ҳамид Фулом, – биламан... биламан... аммо барибир саломни қанда қилишинг керак эмас эди. Барибир мажлис бўлади... аммо-лекин сен унгача Матбуот Давлат комитетига адабий консультант бўлиб ишга ўтиб кетишга улгуришинг керак. Айтиб қўйдим. Зиёд Исломович номига ариза ёзиб кир... (Зиёд Есенбоев ўша пайтда Ўзбекистон Давлат матбуот комитетининг раиси эди.) Сенинг келажагинг бор.

Ҳа, Ҳамид Фулом айтгандай бўлди. Мен Қорақалпоғистон Республикаси нашриётлари бўйича адабий маслаҳатчи вазифасига ишга ўтдим. Нашриётда партия мажлиси ҳам бўлди. Унда мени “катта раҳбарлар катта ишга таклиф қилганликлари” ҳақида гап кетди. Бу гапни Ҳамид Фулом чертиб-чертиб, дона-дона қилиб эълон қилди. Нашриёт партия котиби – опа мени табриклади... қип-қизариб.

Ҳа, Ҳамид Фулом шундай мард инсон, ажойиб раҳбар эди. У халқимизга ўнлаб машҳур романлар, дostonлар, минглаб шеърлар қолдирди. Мен унинг, айниқса, “Машғал” романини севиб ўқирдим. “Қитъалар уйғоқ” достонидаги кенгликларни ёқтирардим.

Нашриётда ишлаган йилларим ҳаётимнинг энг қадрли йилларидан. Мен бу ерда меҳмон Азиз Несинни кўрдим. Расул Ҳамзатов билан қўл бериб кўришдим. Чингиз Айтматовдек тирик даҳолар изидан эргашидим. Миртемирдек устозлар суҳбатини олдим. Миркарим Осимдек тирик Сўз соҳиблари билан чойлашдим. Одил Ёқубовдек адллар қўлини тутдим. Иброҳим Фафуровдек “Ям-яшил дарахт”лар соясида бўлдим. Энг асосийси, Ҳамид Фулом нашриёт директорлиги пайтида нашр этилган миллий адабиёт ва жаҳон адабиёти китобларини **текин** ўқидим. Ва ўзимнинг биринчи китобим – “Менинг осмоним” ҳам ўша пайтлари чоп этилди (1978 йил).

Бир куни “Тошкент оқшоми” газетасида Ҳамид Фулом сўзларини ўқидим: “Яқинда Азим Суённинг “Сарбадорлар” трагедиясини ўқиб чиқдим. Отасига раҳмат. Тарих ҳақида тўлақонли асар ёзибди!”

О, бундай қалб сўзларини ёзган марҳаматли Устозни, қатъиятли Раҳбару меҳрибон Инсонни унутиб бўладими?

Мирпўлат Мирзо,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

НОЁБ ФАЗИЛАТ СОҲИБИ

Ҳар бир давр ўзининг муносиб шахсларини яратади ва уларда бутун куч-қудратини, фазилатларини намоён қилади.

Устоз Ҳамид Фуломни мен ана шундай ўз даври кўламини ўз шахсида намоён қилган ноёб сиймолардан деб биламан.

Мен устозни дастлаб “Машғал” романи орқали таниганман. Бу асар ўқувчилик давримизнинг — 60-йилларнинг энг ардоқли асарларидан бири эди.

Бутун мамлакатга машҳур ва севимли бўлган “Тошболта ошиқ” драмаси ҳам устознинг қаламига мансуб эди.

Мен Ҳамид Фуломни 70-йилларда ТошДУни тамомлаб, “Ёш гвардия” нашриётига ишга келган пайтларимда яқиндан таниганман. Устоз ўша пайтларда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига раҳбарлик қилар эдилар.

Биз тенги ижодкорларнинг ёдида қолган нарса — бу ўша даврда Фафур Фулом номидаги нашриётда адабиётга, нашр ишларига муносабатнинг тубдан бошқачалиги эди. Ўшанда, аввало, шеърият бўлими кенг қанот ёзди. Йилига 50—60 номда шеърий тўпламлар чоп этилди. Уларнинг кўпчилиги ёшларники эди, албатта. Кейин наср бўлими кучайиб кетди. Таржимачилик, адабиётшунослик соҳасида мисли кўрилмаган уфқлар очилди. Буларнинг бари ўз-ўзидан юзага чиққани йўқ. Ҳамид Фулом шахсининг кўлами ана шунда ёрқин намоён бўлди.

Бу эришилган ютуқларни, бугунги кун назаридан боқиб, ўша давр имкониятлари тақозо этарди, дейиш ҳам мумкин. Лекин раҳбар олижаноб ниятли, ижод ошуфтаси, ёш ижодкорларга ҳамиша меҳри товланиб турадиган шахс бўлмаганида нашриёт бундай мавқега кўтарилма олармиди? Ҳолбуки, ўша даврда бадиий асарларни чоп этиш зиммасига юклатилган бошқа нашриётлар ҳам мавжуд эди. Ҳа, ўша йилларда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг мартабаси беқиёс суръатлар билан ўсиб кетди.

Мен устоз Ҳамид Фулом билан юзма-юз мулоқотда деярли бўлмаганман. Лекин уни нашриёт биноси йўлакларида кўп бор кўрганман ва ҳамиша салобати босган. Унинг қўл остида ишлайдиган ходимларнинг доим фахр билан, тўлиб-тошиб гапирганларига кўп бор гувоҳ бўлганман.

Кейинчалик шунга амин бўлдимки, эл ичида обрў топиш ҳеч қачон ўз-ўзидан бўлмас экан. Бунга инсон йиллар давомида заҳматли меҳнати, холис нияти билан эришар экан. Устоз Ҳамид Фулом ана шундай ўта заҳматкаш, умрини интизомга бўйсундирган, холис ниятли инсонлардан эди. Ундаги энг ноёб фазилат ижодни раҳбарлик мақоми билан уйғунлаштира билганлигида кўзга ташланарди.

Устоз умрининг охиригача эл ичидаги обрўсини баланд мавқеда сақлаган ҳолда ижодга садоқат билан яшади.

Адабиётнинг кўҳна майдонида ижодкор ҳаёти ва унинг асарлари тақдирига доир яна бир жиҳат борки, ундан кўз юмиб бўлмайди. Очикроқ айтадиган бўлсак, устозларимиз ҳаёти ҳатто эътиқодларни кўпориб ташлайдиган даражадаги ўзгаришлар, эврилишлар замонига тўғри келди. Бу уларнинг умр бўйи яратган асарлари тақдирига ҳам таъсирини ўтказмай қолмади, албатта.

Лекин шуни ифтихор билан айта оламизки, устоз Ҳамид Фуломдан давр алғов-далғовларидан омон ўта олган эзгу шеърлар, шукуҳли асарлар ва драмалар қолди. Уларни ҳар доим ўқувчилар кўзга суртиб ўқийди.



Олмос,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

АДАМНИНГ СЕВИМЛИ “УКАЛАРИ”

Ҳар йили хабар қилмасам ҳам 10 май — дадамнинг туғилган кунларига келиб, байрамимизнинг бошида туриб, уни очиб берадиган Ҳамид акам бу кун (2005 йил 10 май) келмадилар... Ўринлари билинди... Дадамнинг шеърларини кўплар ўқиди-ю, лекин менинг кўнглим тўлмади.

Дадамнинг шеърларини Ҳамид акамдек тушуниб, ўзларидек керакли ерларида сукут сақлаб, урғу бериб ўқийдиган одам йўқ. Шу сабаб юрагим ғаш бўлди.

Ҳамид акамнинг уйларига телефон қилсам, Манзура опамнинг ҳар доим кўнғироқдек янграган овозлари синиқиброқ:

— Олмосхон, акангиз сал бетоб бўлиб турган эдилар, чарчайдилар деб юбормадим, — дедилар.

Мен афсусимни айтдим.

2005 йил 21 май куни укам Хондамир, синглим Тошхонни олиб Ҳамид акамни ҳам кўргани, ҳам туғилган кунлари билан табриклагани бордик. Ҳали ҳам келинлардек хизматбардор Манзура опа мени кўриб хурсанд бўлиб кетдилар-да, ичкарига бошладилар. Салом-алиқдан сўнг:

— Ҳамид акам бормилар, — десам, у киши:

— Ана, акангиз худойига сўйилган қўйни ўз қўллари билан бўлиб, маҳалла қарияларига тарқатишга тайёрлаптилар, — деб ошхона эшигини очдилар. Мен стулда ўтириб олиб гўшт бўлаётган Ҳамид акамнинг орқаларидан бориб ачомлаб олдим. Ҳамид ака хурсанд бўлиб:

— Вой Олмос, яхши келиб қолдинг, кўзим учаётган эди. Юр, ичкарига кирайлик, — деб қўлларини ювиб артдилар.

Мен:

— Укаларингизни ҳам бошлаб келдим, — десам, аввалгидан ҳам хурсанд бўлиб:

— Вой укаларимдан айланай, яхши келибсизлар. Хондамир Мирзо, келинг, — деб қучоқлаб кўришдилар.

– Тошхонойим, келинг, акамни кўзларини нури, – деб бағриларига олиб, қизларидек эркалаб қўйдилар.

Манзура опа билан Ҳамид ака бизларни меҳмонхонага бошлашди. Ясоғлиқ дастурхонга ўтказишди. Уйимиздаги катта-кичикларни сўраб-исташгач, келинлари – Шерзоднинг рафиқаси яна дастурхонни янги-янги ноз-неъматлар билан тўлдирди. Хондамирнинг:

– Овора бўлманглар, ҳамма нарса бор-ку, – деганига келин:

– Сизлардан ҳам азизимиз борми, бир келиб қолибсизлар, – деди.

Манзура опам ҳам тинмай ҳали пиёла, ҳали янги пўрсилдоқ нон олиб келадилар.

Разм солсам, Ҳамид акам анча озиб, баланд бўйлари худди кузда барглари тўкилган дарахтдек кўринса-да, қўл-оёқларининг суяклари бақувватлиги билиниб турибди. Сочларининг бир оз сийраклашиб, оппоқ оқаргани эса у кишини яна ҳам улуғвор кўрсатарди. Тетиклар.

– Бир оз тобим бўлмади, энди яхшиман, бир ота-боболаримизнинг удумини ҳам қилайлик деб, худойига қўй сўйдирган эдим, – дедилар. Мен:

– Илойим шифо бергани рост бўлсин, кўринишингиз яхши, – дедим.

Мени қизларидек эркалаб, мақтадилар, укаларимдан иймандим ҳам. Манзура опам ҳам акамнинг гапларини тасдиқлаб: “Олмосхон узоқ вақт телефон қилмасалар, соғинамиз. Акангиз хавотир олиб ўзлари кўнғироқ қиладилар”, дедилар.

Гап, ҳар доимгидек, дадамларга бориб тақалди.

Ҳамид ака дадам билан биринчи кўришганларидаёқ уларни ҳаммага “укам” деб таништирганлари-ю, Ҳамид ака ҳам адамизни ўша заҳотиёқ бир умрга яхши кўриб қолганларини айтиб бердилар.

Уруш вақтида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлган воқеалар, эвакуация бўлиб келган рус ёзувчилари ҳақида, улар ғалабага ташвиқот шеърларини Ҳамид акага олиб келиб ўзбек радиосидан ўқитишгани тўғрисида айтиб бердилар. Алексей Толстой, Анна Ахматова, Валентин Катаев, Светлана Сомовалар билан Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган учрашув ва суҳбатларни тилга олдилар. Кейин “Литератур-

ная газета”сининг Ўзбекистондаги махсус мухбири бўлиб ишлаганларини гапириб бердилар.

Ҳар йили дадам билан бутун Ўзбекистонни бир неча марта айланиб, қанчадан-қанча очерклар ёзишганию дадамнинг дўстлари: Чархий домла, Мулла Мамажон ака, Жўра Полвону Боқий домлаларникига боришганини, дадам орқали улар билан қадрдон бўлиб кетганларини сўзлаганларида синглим Тошхон: “Ҳамид ака, шу кўрганларингиз ҳақида ҳозирги ёшларга ҳам суҳбатлар қилиб берсангиз бўлар экан. Қанча-қанча одамларнинг тақдирида иштирок этганларингизни, ҳатто биз ҳам билмаган воқеаларни гапираяпсиз. Сиз айтган воқеа-ҳодисалар Москва телевидениесига анави “Серебряный шар”ни олиб борувчи Вульфда ҳам катта қизиқиш уйғотса керак. Ажойиб кўрсатув бўлса ажаб эмас”, деди.

— Ҳа, синглим, мен ҳам ўтган аср ва XXI аср одамиманда. Ҳамма кўрган ва эшитган воқеаларим кечагидек эсимда, уйимга келиб ёзиб олишса бўлади, — дедилар. Тошхон:

— Опа, сиз шуни ташкил қилинг, — деди ялингандек. — Ҳамма учун жуда қизиқарли кўрсатув бўларди. Дадам яшаган даврни биладиган одамлар ҳам кам қолди. Айниқса, Ҳамид акамлардек ажойиб овоз, мазмунли, образли гапириб берадиган одам ҳам йўқ, — деди.

— Хўп, ҳаракат қиламан, яхши бўлади, — дедим.

— Ҳа-я, Олмос, сенга берадиган расмларим, акамни хатлари бор. Бир кун чақириб, ҳаммасини музейингга бераман, — дедилар Ҳамид акам.

— Майли, қачон десангиз келаман. Аввал берган К.Симонов, дадамлар билан тушган расмингизни экспозицияга қўйганман, ўзингиз кўрдингиз-ку, — дедим.

Ҳамид ака ва Манзура опа “кетамиз” дейишимизга қарамай:

— Қовурдоқ емай кетмайсизлар, насибангиз қўшилган экан, — дейишди. Шу маҳал келин қовурдоқни олиб келди.

Қовурдоқ жуда мазали бўлган экан, келиннинг қўли ширинлигини мақтадик.

Сўнг Ҳамид акам билан Манзура опага олиб борган сарполаримизни кийгиздик. Ҳамид акамга зарбоф тўн, Манзура опамга Арабистоннинг зар тикилган ғалабиси бирам ярашдики, бир ёстиққа бош қўйишганига салкам 70 йил

бўлаётганига қарамай, худди ўша 1945 йили биринчи кўрган келин-куёвлардек бўлиб кетишди.

— Ҳамид ака, бу тўнни оиламиз номидан дадам билан аям кийгазилар деб биласиз, — дедим.

Ҳамид ака хурсанд бўлиб Хондамирни, Тошхонни ва мени бир-бир қучоқладилар. Биз узоқ хайрлашиб, уйимизга кетдик.

Афсус, бу Ҳамид акамни охирги кўришим экан...

Ҳамид ака ўта маданиятли, зиёли одам эдилар-да. Эртаси куни музейга телефон қилиб, кўргани борганимиз учун бошқатдан раҳмат айтдилар.

Яна бир куни телефон қилиб, мендан дадам учун хурсанд эканликларини айтдилар. Мен хижолат чекдим. Мен у кишини қидириб телефон қилмаганим учун ўзимни уришдим.

Яна қайсидир бир куни Фарғона каналининг очилишида қўйилган “Отелло” спектаклини радиодан эшиттиришган экан, шуни айтишга телефон қилиб:

— Олмос, сен шу эски записни топиб, музейингга олиб кўйгин, — дедилар. Мен “хўп” дедим ва соғлиқларини сўрадим. Улар дадамнинг гапларини қайтариб: “Отдекман”, дедилар.

Мен бўлсам ишонибман, товлари йўқ экан. Менга айтиб, хавотир қилгилари келмаганми? Тошхон айтгандек, Ҳамид акамларнинг дадам ҳақидаги ва умуман хотираларини телекўрсатув қилиб ёзиб олиш ҳақида телестудияга телефон қилсам, ўша вақтда телестудия маъмуриятида ўзгаришлар бўлиб, қайси канал бу ишни бажаришини ҳеч ким менга айтиб беролмади. Ҳамид акамнинг хотираларини ёзиб олишолмади.

21 августда тушдан кейин Ҳамид акамнинг набира куёвлари Аҳмад телефон қилиб, акагинам бу дунёни ташлаб, абадиятга кўчганларини айтди.

— Дод, дастингдан дод, ўлим!!! — деб йиғладим...

Маъракаларига борсам Манзура опам:

— Акангиз сизни кўргилари келди, — дедилар.

— Опа, нега чақирмадингиз, — десам,

— Қайдам, шундай ўзлари зерикканларидан айтгандирлар-да, деб ўйладим, — дедилар.

Ҳаёт билан мамот ўртаси, афсус, армонсиз бўлмас экан.

Бундай бўлишини билганимда ҳар куни бориб кўнгиллари олмасмидим.

Афсус...

Афсуски, афсусни кўшиб кўмади
Ўлимни яратган золим табиат.
Дўстларнинг қалбида, халқнинг қалбида
Ўрматдан гулдаста боқийдир фақат...

Бу сатрлар дадамнинг Ҳамид Олимжонни эслаб ёзган шеърлари эди.



Азизим Ҳамид Фулом!

*Сизнинг хатингиз ва илиқ сўзларингиздан ҳаяжондаман.
Дунё тилларининг энг қадимгиларидан бўлмиш ўзбек тилида
шеърлар тўпламининг муаллифи бўлиш — бу катта шараф.*

Раҳмат Сизга, Ҳамид афанди!

*Мен сал-пал туркчани биламан, ўз шеърларимни ана шу
тил оиласига кирувчи тилда жаранглаши ва ўқилиши мен учун
алоҳида қувончлидир.*

*Мен шахсан Сизни ҳақиқий шоир сифатида биламан, Сиз-
нинг шеърларингизни она тилим — грузин тилига таржима
қилишни тугатишга ҳаракат қилаяпман.*

*Азизим Ҳамид, ҳурмат билан Сизга китобимни эсдалик учун
юбораяпман.*

*Грузин адиби
Фридон Халваши,
Батуми, 21.11.1975*

ЧИЛДИРМА ИЧИГА ЁЗИЛГАН МУХАММАС

Таниқли ёзувчи Ҳамид Фулом Аваз Ўтар таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик бораётган кезлари Хоразмга боргани эсимда. Шундан бир-икки кун олдин “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида у кишининг “Кўнглима бир гул ғамидин” деб бошланувчи Мунис ғазалига мухаммаси эълон қилинган эди.

Эрталаб ишхонамда шу мухаммасни ўқиб ўтирсам, телефон жиринглаб қолди. Оғам, шоир Эркин Самандар телефонда вилоятнинг ўша пайтдаги вилоят раҳбарларидан бири Собир Қурбонов билан Ҳамид акани бизникида меҳмон бўлажакларини айтди ва бирга Тошкентга кузатиб қўямиз, деди. У вақтда мен Урганч пахта тозалаш заводида директор бўлиб ишлайман. Иш тиғиз, бош қашишга вақт йўқ, лекин улкан адиб билан бир пиёла чой устида суҳбатимизни ўйлаб кўнглим ёришиб кетди. Ҳамид аканинг газетада эълон қилинган янги мухаммасини бирон-бир ҳофиз ижро этса, зўр воқеа бўлар эди, деган фикр кўнглимдан ўтди. Хаёлимга беихтиёр қўшнимиз, машҳур ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон ака Болтаев келди. Анча кексайиб қолган ҳофиз бир кунда ғазални ёдлаб айтишга рози бўлармикан, деган андиша андак қароримни сусайтирди. Шундай бўлса ҳам бир уриниб кўриш мақсадида тушлик пайти Ҳожихон аканинг уйига бордим.

Ҳожихон ака уйда эканлар, кайфияти ҳам яхши экан, мени кўриб, яна ҳам очилиб кетди. Барибир дабдурустан мана шу мухаммасни ёдлаб, айтиш керак демасдан, мақом тўғрисида, ғазалиёт тўғрисида анча гаплашдик. Гап орасида Ҳамид аканинг Хоразмга келиши, у кишининг мумтоз адабиётимизнинг билимдони, талай мухаммаслар битгани, хусусан, Муниснинг ғазалига боғлаган ажойиб мухаммаси куни кеча республика газетасида чоп этилгани тўғрисида айтдим. Муниснинг ғазали ҳам зўр-да, дедим:

Кўнглима бир гул гамидин санчилибдур хорлар,
Оҳким, ҳар хордин жонимдадур озорлар.

– Ҳовва, – деди Ҳожихон ака, – кўп яхши ғазалдон.
Мунис ҳам маҳкам шоир ахир.

Ҳожихон акани қизиқтириш учун яна бир байтини эсла-
дим:

Турфа айёраки, дин накдин олурда турраси,
Ўрганурлар андин ўғирлиқ ишин таррорлар.

– Пох, – деди Ҳожихон ака яйраб. – Айтган-ов, лекин!

– Шу ғазални ёдлаб олиб айтиб юрганингизга неча йил
бўлди экан? Эллик йиллар бўлгандир-ов.

– Бўлгандир... кўп замон бўлди.

– Охирги марта қачон айтдингиз “Таррорлар” ни?

– Ҳа-а, – бир оз ўйланиб қолди Ҳожихон ака, – ёдимда
йўқ.

– Агар кўлингизга дуторни олсангиз, ёдингизга келадими?

– На билай ...

Икковимиз бир дақиқа жим қолдик. Салдан кейин, эр-
тага бўладиган учрашув ҳақида ҳаяжонланиб сўзлаб бердим.

– Ҳамид Фуломникига урушдан кейинги қайси йили
тўйига борганмиз, ўғлини суннат тўйига-ёв. Кўп яхши тўй
бўлувди, ўзи ҳам яхши одам экан.

– Ҳамид ака Муниснинг ана шу машҳур ғазалига му-
хаммас боғлабди, ина, – такроран айтиб, газетани кўрсат-
дим ва бошдан-оёқ ўқиб бердим. Ҳожихон ака бошини куйи
осилтириб, бепарводай ўтирганиданми, андак хафаландим.

Бир вақт Ҳожихон ака бошини кўтариб, лаб четида ним
табассум билан:

– Кўп яхши мухаммас бўлибди лекин, – деб кўшиб
қўйди, – барака топсин.

– Агар ушбу мухаммасни арабча алифбода ёзиб, Бек-
жоннинг доираси ичига яшириб айтилса, ажаб бир тарих
бўлар эди-да, – дедим.

Ҳофиз индамади. Дастурхонга фотиҳа ўқиб ўрнимдан тур-
дим. Ҳожихон ака яна индамади. Аста чиқиб кетдим.

Республикада хизмат кўрсатган артист Бекжон Отажон-
нов беқайтариқ одамшаванда эди, раҳматлик.

– Э, менга арабча ёзув билан кўчиртириб беринг, кеч-курун бориб устани кўндираман. Эртага айтган вақтингизда эгарланган отдай тайёр бўлиб борамиз.

Бекжон аканинг бу сўзидан кўнглим тоғдай ўсди.

Алқисса, Ҳожихон ака билан Бекжон Отажонов иккови Ҳамид акалардан қарийб бирор соатлар олдин яхши кайфиятда бизникига кириб келишди. Уларни меҳмонлар учун тuzатилган хона ёнидаги кичик ҳужрага таклиф этдим, ўтириб ҳазил-мутойиба қилдик, лекин мухаммас тўғрисида бирор оғиз индамадим, улар ҳам сўз очишмади. Мен учун Ҳожихон акадай улуғ санъаткорнинг айtilган вақтда ташриф буюришининг ўзи катта гап эди. Шу орада Ҳамид акалар келиб қолишди. Уларни қучоқ очиб кутиб олдик. Суҳбат қизигандан-қизиb бораётганда Ҳамид акага:

– Машхур ҳофиз Ҳожихон ака кўшнимиз бўладилар, уйларида бўлса, айтиб чиқайми? – дедим.

Ҳамид ака бирдан ҳаяжонланиб кетдилар:

– Яхши бўлар эди, у кишининг соғлиқлари дурустми? Ажойиб иш бўларди-да, кўришсак. У киши бизникига тўйга борганлар. Бунгаям ўттиз йиллар бўлди-ёв. Илоҳим уйларида бўлсин-да!..

Мен мамнун ҳолатда уларнинг рухсати билан чиқиб, бир оз ҳаялладим-да, Ҳожихон ака билан Бекжон акани бошлаб кирдим. Ҳамид ака билан Ҳожихон ака қучоқлашиб, бир-бирларини тавоф этдилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб, бир пиёладан чой ичишгач, навбат кўшиққа келди.

Ҳожихон ака “Катта суворий”ни салдом билан бошлади. Унинг жарангдор овозига хона кичиклик қилиб, деразалар дириллаб кетди. Шундай улкан ҳофиз билан юртдош бўлганимдан, замондош бўлганимдан гурурим вужудимга сиғмайди десангиз!

Ҳожихон ака “суворий”нинг “савти”сига Ҳамид аканинг кечаги газетада эълон қилинган мухаммасини, худди бир асрдан бери куйлаб юргандай жўшқин руҳиятда ижро эта бошлади-ку! Ҳамма жим... Чилдирма ичига ёпиштириб қўйилган мухаммасни мен ҳам унутдим, чунки Ҳожихон ака бирор сўзни тutilмасдан шундай ижро этдики, уни ёд олмаганига шубҳаланиш гуноҳ бўлар эди. Ҳамид аканинг бўлса, ҳайратдан оғзи очилиб қолди.

Қўшиқ тамом бўлди. Айтилган “Савти” мухаммаси муаллифи кимлигини Ҳамид акадан бошқа ҳеч ким деярли сезмади. Оғам ҳам бу сирдан воқиф бўлмагач, қўшиқни табиий ҳамишаги Мунис сўзи билан қабул қилди. Мен ҳам “анойи” соддалик билан сездирмадим.

— Уста, “Савти”га айтган мухаммасингизни қачон ёдлаган эдингиз? — дея ўсмоқчилаб сўради ниҳоят Ҳамид ака сархуш жимликни бузиб.

Ҳожихон ака одатича бир оз жим турди-да:

— Урушдан бурунмиди, жоним, кейинмиди, ёдимда йўқ, кўп замон бўлди, — деди бепарво оҳангда.

Ҳамид ака баттар ҳайронланиб бир менга, бир Ҳожихон акага, бир меҳмонларга қаради. Мен ҳеч нарсага тушунмагандай анқовланиб ўтиравердим.

Ҳожихон ака Ҳамид аканинг ўнғайсизланаётганига эътибор бермаётгандай, гўё ўз хаёллари билан банд ўтирибди. Бу ҳолатни узоққа чўзмаслик учунми, Ҳожихон ака:

— “Нор” дегани новви? — дея Ҳамид акага қаради.

Ҳамид ака ҳофизга жавоб бериш ўрнига негадир узоқроқ жим қолди ва хаёл аралаш:

— “Нор”ми? — деди саволига савол билан ва бир оз сукут сақлаб, — нор — туя, — дегач, Ҳожихон ака анойи жилмайди. — “Нор”нинг иккинчи маъноси, — давом этди салдан кейин Ҳамид ака, — анор...

Ҳожихон аканинг юзига табассум югурди, бирдан ёш боладай қувнаб:

— Ина, бу Комилжон, — дея мени кўрсатиб, Ҳамид акага юзланди, — кеча сизни мухаммасингизни ўқиб берди, қудратимиз етганча ёдладик, етмаганини, — чилдирма ичига ишора қилиб, — ина бу ера ёзиб ёпиштирган экан Бекжонбой, шунга қараб айтдик.

Оғам билан Собир Қурбонов гап нимадалигини тушуниб, ҳайратларини яширишолмади, устозга ташаккур айтишди. Ҳамид акани кўрсангиз, ўрнидан шитоб билан туриб Ҳожихон акани бағрига босди, қувончдан намланган кўзлари ила меҳр тўла нигоҳ ташлаб, не деярини билмайди. Биз эса, бу алломаларнинг фаройиб ҳолатларига қараб, улуғликнинг нечоғли содда ва нечоғли зеболиги олдида яна бир бор таъзим этдик.

Шундан кейин дилбар мушоира бошланди.

Бу воқеа 1970 йилларнинг адоғида бўлган эди...

Пирмат Шермухамедов,
адабиётшунос

УСТОЗНИНГ «УЙ ДАФТАРИ»...

Устоз Ҳамид Фулом ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, адибнинг ижоди, яъни унинг шеърлари, дostonлари, романлари ўқувчилар орасида кенг тарқалган, турли тилларга таржима қилинган. Қийинлиги шундаки, унинг асарлари, қилган савоб ишлари ҳақида бир эмас, бир неча китоблар ёзиш керак бўлади.

Мен устоз Ҳамид Фулом билан узоқ йиллар давомида бирга ишлаганман. Кўпгина асарларининг ёзилиш жараёнидан хабарим бор.

Бир куни Ҳамид ака мендан:

– «Кундалик» тутасанми, – деб сўраб қолдилар.

– Йўқ, тутмайман, – деб жавоб бердим.

– Мен эса «Уй дафтари» тутаман, унга кўрган-кечирганларимни ёзиб бораман. Уйимга меҳмон бўлиб келган шоирлар, адиблар, давлат ва жамоат арбоблари ўзларининг дастхатларини битадилар. Истасанг, танишишинг мумкин.

Мен устознинг рухсати билан у кишининг «Уй дафтари»ни олиб, варақлай бошладим.

Маълум бўлишича, «Уй дафтари» ни 1959 йилда Қичқирик анҳори бўйидаги янги уйга кўчиб ўтганда К.М.Симонов ўз дастхати билан очган экан:

«Уйнинг ертўласида чала қолган ишлар бор. Шаробхонанинг битказилиши муддати масъулиятсизларча иккинчи навбатга суриб қўйилганки, бу уй аҳолиси ҳамда болаларнинг кундалик маиший эҳтиёжлари ҳақида етарли даражада қайғурилмаганлиги билиниб туради.

Таклиф қиламан: С.П. Бородин ва П.Г.Антокольский иштирокида тузилган дастлабки лойиҳага қайтилсин ва соҳибнинг хонаси подвалга кўчирилиб, ишлаб чиқаришдан ажралма-

ган ҳолда ҳар куни шаробхона хизматидан баҳраманд бўлиши таъминлансин.

Симонов К.М.»

Адрес: Полиграфия кўчаси, 113-уй, 2 квартира.
Паспорт № СХХХ 4365649
1959 йил, 14.IV.

Халқ артисти Тамарахоним:

Кумуш турмушга етдингиз
Ҳамиджон, Манзура,
Манзур бўлди табиатдан
Дилшод, Гулшода,
Олтин турмушга етинглар.
Бахтингиз бўлсин зиёд,
Яхши келинлар келтириб,
Шерзод ва Фарҳод.
Тўй устига тўйлар бўлсин,
Уйлар неварога тўлсин,
Шоир авлоди кўпайсин,
Халқимиз бўлсин шод.

«Уй дафтари»ни варақлар экансиз, беихтиёр равишда адабиёт ҳамда жамоат арбобларининг эҳтирослар билан тўлиб-тошган дил сўзлари диққатингизни тортади. Улар орасида Сергей Герасимов, Евгений Долматовский, Марк Бернес, Файз Аҳмад Файз, Ойбек, Пабло Неруда, Михаил Луконин, Зулфия, Алан Маршалл, Жозеф Норт, Сажжод Зоҳир, Меҳди Ҳусайн, Мирзо Турсунзода, Собит Муқонов, Берди Кербобоевларнинг номлари... Америкаликлар, чехлар, ҳиндлар, французлар... Юзлаб мўътабар номлар!..

Масалан, адибнинг «Уй дафтари»да оташнафас Чили шоири Пабло Неруданинг шеърий дастхати билан бирга, ўз қўли билан чизган расми ҳам бор. 1965 йилнинг май ойи. Пабло Неруда суюкли рафиқаси Матильда билан Самарқанд ва Бухоро сафаридан илиқ таассуротлар оғушида Тошкентга қайтиб келади. У Чилида «Бухоро» номли музей очиш ниятида экспонатлар йиғади: Бухоро сўзанаси, Самарқанд заргарлари ишлаган нодир буюмлар, қадимий қўлёзмалар...

«Уй дафтари»ни варақлашда давом этамиз... Адиб ижодининг илк нишонлари... Босиб ўтилган гоҳо севинчли, гоҳо машаққатли йўллар... Айрим асарларининг ёзилиш жараёни... Хонадон соҳибининг шахсий ва ижтимоий фаолияти билан боғлиқ бўлган айрим тафсилотлар, ёнма-ён ишлашган, сирдош тутинган дўстлар, айниқса, адибнинг ҳам инсон, ҳам адиб сифатида камол топишига таъсир кўрсатган устозлари қиёфаси ёрқин гавдаланади.



ИШБИЛАРМОН ИЖОДКОР

Устозимиз Ҳамид Фулом атоқли ёзувчи, хассос шоир бўлиш билан бирга, ишбилармон ношир ҳам эдилар. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига ишга келганларида дарҳол ёнларига нашриёт ишини яхши биладиганларни йиғиб, маслаҳат қилганлар ва нашриётда кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳаётий тажриба орттирган меҳнат фахрийси Филипп Григорьевич Идессисни ёнларига чақириб, “Нима қилсак, нашриётни кўтарамиз?” деган саволни ўртага ташлаганлар. Бу ҳақда биз шогирдларига кўп бора гапириб берар эдилар. Ўша пайтдаги Китоб савдоси директори Баҳри Фулова билан бамаслаҳат иш юритганларини ҳам тез-тез тилга олар эдилар.

Дарҳақиқат, устоз Ҳамид Фулом нашриётда директорлик қилган кезларида у Республикамиздаги энг илғор, гуркираган зиё масканига айланганди. Барча бўлимлар кенгайтирилган, айниқса, реклама вазифасини ўтовчи санъат бўлимига иқтидорли мусаввирлар ишга жалб этилганди. Кўплаб ижодкорлар ва ўзбек санъати дарғалари ҳаёти ва ижоди ҳақида альбомлар, уларнинг асарлари таҳлили билан боғлиқ рисолаю монографияларни нашрга тайёрлаб, ўзбек ва чет эл китобхонларига тухфа этишда ўзгача жонбозлик ва фидойилик кўрсатдилар. Академик Юнус Ражабийнинг олти жилддан иборат машҳур “Шашмақом” асари айнан Ҳамид Фулом нашриёт раҳбари бўлган даврларда дунё юзини кўрди.

Нашриётда фаолият кўрсатаётган забардаст мусаввирлардан ҳисобланмиш И.Кириакиди, А.Апухтин, А.Бобров, Н.Холиқов, Н.Взенконскаялардан китоб муқовасини, унинг ички безакларини ниҳоятда дид билан ишлашни, кўпроқ миллийликка урғу беришни талаб этардилар. Шунингдек, мумтоз адабиёт, ўзбек адабиётининг наср ва назм, таржима, сайланма асарлар ва бошқа бўлимларида олиб борилаётган

ишларни синчковлик билан кузатар, ижод чаманига кириб келаётган ёшларга кенг имкониятлар яратиб беришга эътибор берардилар. Ёшларнинг китобларини нашр этишга айрича хайрихоҳлик билдириб, бу билан ўзбек адабиётининг келажаги учун замин тайёрлар эдилар. Кўп ўтмай қатор шоир ва ёзувчиларнинг майдонга чиқиб келгани шундан.

Нашриёт ишига юрагини бериб ишлайдиган фидойи ходимларнинг меҳнатини ниҳоятда қадрлар, уларни тез-тез рағбатлантириб турар, мусахҳиҳлар, ҳарф терувчилар, муҳаррирлар, мусаввиру техник ходимларнинг ишларини назардан қочирмас эдиларки, ҳар бир ходим бундан руҳланиб, ишга бамисоли байрамга келгандек келар эди. Мутахассис ходимларга жуда яхши иш шароити муҳайё этиларди, ҳар бир хонага гиламлару гиламчалар тўшатиб, дарпардалар, хона шифтларига парраклар остириб, замонавий иш жиҳозлари билан таъминлар эдилар. Ходимларнинг уй шароитидан хабар олиш Ҳамид аканинг энг инсонпарвар хусусиятларидан бири эди. Илгари ишлаб, нафақага чиқиб кетганларни ҳам байрам совғалари билан йўқлаб туришни сира қанда қилган эмаслар. Турли шаҳарларга, дам олиш масканларига сафарлар ташкил этиб, ходимлар билан мароқли суҳбатлар ўтказар эдилар.

Ҳамид ака ҳавас қилса арзигудек салобатга эга эдилар. Қаддиларини тик тутиб юрар, нигоҳлари ўткир, виждони бутун ва ўктам инсон эдилар. Уларнинг ташаббуси билан нашриётда таҳририятлар сони кўпайиб, жамоада бир юз йигирмадан ортиқ ношир жавлон урарди. Барчага баравар оталарча илтифот кўрсатганларини биз шогирдлар ҳали-ҳануз мамнуният ва фахр билан эслаймиз.

“Меҳнат ва турмуш” журнали ташкил этилиб, фаолият кўрсатган даврда мен журнал ишида ҳам ўзимни синаб кўриш учун журнал таҳририятига ишга ўтганимда, “Шеъроят гулшани” саҳифасини тайёрлаш жараёнида Устоздан янги шеърларини олиш мақсадида нашриётга кирганимда, “Сен ҳам ижод қиласанми?” деб сўраб қолдилар. Таржима билан шуғулланишимни айтдим. Сал ўтмай котибалари: “Ҳамид ака сизни йўқлаяптилар”, деб қолди. Домланинг хузурларига кирдим.

— Сен таржима билан шуғулланаман, дегандинг, манави араб ёзувчиси Юсуф ас-Сибоийнинг асари, буни тезда тар-

жима қилиш керак. Ярмини Эркин Миробидов, ярмини сен таржима қиласан! Ишингга муваффақият! — дедилар.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим, чунки нашриётдан таржима учун иш олишнинг ўзи бўлмасди. Масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишга киришдим. Таржима белгиланган муддатда дунё юзини кўрди.

Ҳа, Ҳамид Фулом ёш ижодкорларни ниҳоятда қадрлар эдилар. “Меҳнат ва турмуш” журнали ўз фаолиятини тугатгач, яна устоздан иш сўраб келдим. “Ким бўлиб ишлардинг?” деб сўрадилар ўшанда. “Адабий ходим”, дедим.

— Яхши, эртадан келиб ишни бошлайвер! Ўн беш кунча кичик муҳаррир бўлиб ишлаб турасан, — дедилар.

Ишни бошлаб юбордим. Устоз ишончларини қозондим шекилли, ўн беш кун ўтгач, мени муҳаррирлик лавозимига ўтказишди. Устоз бундай яхшиликларни бир менгамас, барчага баравар раво кўрар эдиларки, бу у кишининг нечоғли бағрикенгликлари, саховатпешаликларидан далолат эди.

Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Ўзбекистон мустақилликка эришди. Иш юритиш услуби ўзгарди. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлга қўйилди. Қарашлар ҳам ўзгача. Мен бош муҳаррир лавозимига тайинландим. Ходимлар билан келишиб, Ҳамид Фуломга сим қоқиб, иш тажрибаларидан баҳам кўришни ўтиндим. Домла, ҳеч шубҳасиз, менинг ўтинчимни мамнуният билан қабул қилиб, анча маслаҳатлар бердилар.

Шу-шу биз, нашриёт ходимлари, ажойиб инсон, кўплаб романлару қиссалар, шеър дostonлар муаллифи, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг довруғини чет элларгача таратган, меҳрибон мураббий Ҳамид Фулом номини алоҳида фахр билан тилга оламиз. Ишбилармонлик борасида у кишидан мерос қолган тажрибалар авлодларга ҳам хизмат қилишда давом этаётганига, мана, ўзимиз жонли шоҳидмиз.



Ҳафизахон Ҳайитметова,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси

ВАФОНИНГ УЗУН ЙЎЛИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом ҳақида дўстлари кўп ёзишган.

Мен ҳам бу олижаноб инсоннинг марҳаматидан бенасиб қолмаганман. Тўғриси айтганда, салкам қирқ йилдан буён Ўзбекистон Радио ва телевидениеси даргоҳида ишлаб юришимга шу улуғ зот сабаб бўлганлар.

1969 йили ТошДУнинг филология факультетини имтиёзли тамомлаб, дипломни қўлга олдим. Лекин тақсирот комиссияси оилани бўлганим сабаб, мени ўз ихтиёримда қолдирди. Орзуим матбуотда ишлаш эди. Чунки ёзган мақола ва шеърӣй машқларим билан Республика газета ва журналларида қатнашиб турар эдим.

Навоий кўчасининг 30-уйида жойлашган “Шарқ юлдузи” журналига йўлим тушди. Поэзия бўлимида Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева адабий ходим бўлиб ишлардилар. Мен шоиранинг мухлиси эдим. Шунинг учун ҳам диплом ишим мавзуи ёш шоиралардан Гулчеҳра Жўраева ва Ойдин Ҳожиева ижоди ҳақида эди.

Ойдин опа билан диплом ишим муваффақиятли ўтгани ҳақида гаплашиб турган эдим, биз ўтирган хонага салобатли, истараси иссиқ бир киши кирди. Саломлашдик, у — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом эди. Мен ёзувчининг асарлари билан таниш эдим. Айниқса икки томлик “Машғал” романини жуда қизиқиб қайта-қайта ўқиган эдим. Тасодифни қаранг, мен учрашишни орзу қилган ёзувчини илк марта кўриб турган эдим.

Оллоҳ насибамни кўшган эканми, шу куни мен “Шарқ юлдузи” журналига, таътилга кетган аёл ўрнига вақтинча корректор бўлиб ишга қабул қилиндим. Кейинчалик Ойдин Ҳожиева таътилга кетганларида поэзия бўлимида кичик адабий ходим бўлиб иш ўргандим. Бу эндигина университетни битириб келган тажрибасиз ходим учун катта ишонч эди.

Демоқчиманки, Ҳамид Фулом ёшларга ҳамиша гамхўрлик қилганлар. Уларни ҳаётда ўз ўрниларини топиб олишларида суюнч бўлганлар.

Шу қисқа вақт мобайнида ёзган шеър ва таржималарим журналда чоп этилди.

“Субҳидам”, “Ишонасанму”, “Айларам” каби ғазалларим кўшиқ бўлиб, Ўзбекистон радиосида янграй бошлади. Ҳамид Фуломнинг синчков назаридан ўтган бу машқларимга таниқли бастакор Фахриддин Содиқов, Фанижон Тошматов, Орифжон Ҳотамовлар куй басталашди. 1970 йилда Ўзбекистон радиосига ишга борганимда ҳам албатта устознинг маслаҳатлари қўл келган.

Ҳозирги пайтда “Ёшлар” телерадиоканалида баҳоли қудрат кўрсатув ва видеофильмлар тайёрлаб келмоқдаман.

Бундан икки йил олдин азиз инсон Ҳамид Фулом таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан “Бедор қалб” номли икки қисмдан иборат видеофильм тайёрладим. Ўшанда адиб ва уларнинг оила аъзолари билан тасвирга олиш баҳонасида янаям яқинроқ тиллашиш, диллашиш бахтига муяссар бўлганман. Ҳамид Фулом ёшларга ёқадиган жуда кўп воқеаларни ҳикоя қилиб бердилар. Сўнг Муқимий номли театрда бўлдик. Актёрлар билан суҳбатлашдик. Ҳаммаси катта қалб эгаси Ҳамид Фулом ҳақида меҳр ва ҳурмат билан сўзладилар. Адиб “Тошболта ошиқ” спектаклидан ариялар ижро этдилар. Бу учрашувдан Ҳамид Фулом қанчалик қувонган бўлсалар, режиссёр Қодир Саъдуллаев билан мен кадрларимиз жонли ва чиройли чиқаётганидан мамнун эдик.

“Бедор қалб” эфирга берилгач, жуда кўп кўнғироқлар бўлди. Яхши гаплар эшитдик. Ҳамид Фулом ўқиб берган шеърлари, улардаги оҳанг, жозоба, сеҳр томошабинларни хурсанд қилди.

Афсус. Ўтган йили халқимизнинг ардоқли фарзанди, жуда кўп асарлар муаллифи Ҳамид Фулом 2005 йилнинг 21 августда ёруғ дунё билан хайрлашдилар.

Ҳайҳот, яна битта япроқ соз синди,
Ногоҳ тўхтаб қолди оловли калом,
Шоирнинг ларзакор овози тинди,
Бақога йўл олди Ҳамид ал-Фулом.

Меҳр балқиб турган нурли сиёки
Мангу муҳрланиб қолди қалбларда.
Дунёни сиғдирган шоир нигоҳи
Абад ўчмас ўрнин олди қалбларда...

Яқинда ана шу табаррук хонадонга бориш насиб этди. Менга бу улкан қалам соҳиби ҳақида уч қисмдан иборат “Умр дафтари” видеофильми тайёрлаш топширилди. Бизни адибнинг умр йўлдоши Манзура ая очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Манзураҳон аянинг жуда дилкаш, меҳри дарё аёл эканликларини ҳамма билади.

Бу табаррук онахонимизга атаб жуда кўп манзумалар ёзилган. Ҳамид Фуломнинг “Вафонинг узун йўли” номли китоблари ҳам ана шу аёлга бағишланган.

Китоб сўзбошисида шундай сатрлар бор:

“Мен мазкур қиссамни ҳаётнинг аччиқ-чучукларини элик йил давомида мен билан бирга татиб келаётган рафиқам Манзураҳонга бағишлайман”.

Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг “Ҳамид Фулом видоси” номли шеърида ҳам ана шу муҳтарам аёл ҳақида сўз бор:

Вафонинг узун йўли
Қўрғонимни безади.
Фарзандлар, набиралар
Жаҳонимни безади...

Адиб хонадонини файзга тўлдирган, шоира таъбири билан айтганда, “қўрғонини безаган” мунис аёл Манзураҳон аядирлар.

Тошкент шаҳрининг Чимкент кўчасида жойлашган ёзувчи хонадонидан қайтиб келдимۇ Ҳамид Фуломнинг “Вафонинг узун йўли” номли китобларини такрор қўлга олдим...

“Кўрпачага ёнма-ён ўтиришдик.

Битта қизил олмани иккига бўлиб, бир бўлагини унга тутдим:

— Олинг, чанқагандирсиз.

Иккимиз олмани бир дақиқада қарсиллатиб тишладик-да, дил-дилдан кулиб юбордик.

– Шундай дақиқаларда одам эзгу орзуларини айтади, – мен фариштамнинг елкасига беозоргина қўл ташлаб, қўлидаги олмадан ҳам тиниқроқ юзидан ўпдим. – Сизнинг қандай орзуларингиз бор?

– Ягона орзуим... – у олмани дастурхон устига қўйиб, менга ним андиша, ним табассум билан мунис тикилди... – Ягона орзуим – бевафолик қилмасангиз бас!.. Менга бошқа ҳеч нарса керакмас...

Мен унга ваъда бердим.

Ҳаётим давомида кўрган бахтим, шодликларим, фарзандларим, давлату шавкатим, эътибору ҳурматим – ҳаммаси менинг ўз ваъдамга вафо қилганлигимдан...”

Ҳа, хассос шоир, атоқли ёзувчи Ҳамид Фулом вафонинг узун йўлларида ёруғ юз билан ўтган самимий, дилкаш инсон эди ва шундай бўлиб қолади.

– Атоқли адиб Ҳамид Фулом билан қадрдон бўлиб кетишимиз тақдирда битилган эканми, – деб қўяман. Чунки 1965 йилда севимли ёзувчимиз Ойбекнинг 60 йилликлари муносабати билан ҳужжатли фильм ишланадиган бўлди. Шунда кўп қизлар орасидан Қуддус Муҳаммадий билан Ҳамид Фулом мени танлаб олишган ва мен ҳам шу ҳужжатли фильмда борман. Бу ҳам катта бахт. Телевидениеда ишлай бошлаганимдан кейин Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин ҳақида, таржимон Лола Тожиевалар ҳақида ҳам кўрсатув тайёрлашга тўғри келди. Ўшанда ҳам Ҳамид Фулом хонадонларига борганман.

Самимий кутиб олиб, Мирмуҳсин ҳақида, Лола Тожиева ҳақида шундай чиройли, эса қоларли хотиралардан сўзлаб берган эдиларки, бу суҳбатлар ҳам кўпчиликка манзур бўлган эди. Ҳамид Фулом ўзлари ҳикоя қилаётган адиб ҳақида киши хотирасида сақланиб қоладиган ҳаётий мисоллардан айтган эдилар.

Яна бир гап. Мен “Шарқ юлдузи” журналида ишлаб юрган пайтларимда, ҳар ҳафта йиғилиш бўларди. Бирор марта ҳам Ҳамид Фуломнинг овозларини баландлатиб гапирганларини ёки бирор ижодкор ҳақида салбий фикр билдирганларини эшитмаганман. Поэзия бўлимининг бошлиғи Юсуф Шомансур айрим шеърларни ёқтирмай, “Журналда бериб

бўлмади”, деганларида ҳам, “Таҳрир қилинг, сайқал берсангиз, чиройли шеър бўлади”, деганларини эшитганман. Балки бу гапларни ёзиш жоиз эмасдир, лекин айтмоқчманки, инсонларга яхшилик қилиш ҳам бахт экан.

“Ҳикматнома” китобида ўқиган эдим:

“Бу тўққиз равоқ остида яхши деган ном – энг баланд иморатлардан ҳам баландроқдир”.

Ҳамид Фулом ана шундай номга сазовор бўлган инсон эдилар.

Адибнинг бахти ҳам ана шунда!

Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фуломни эслаб адибнинг табаррук хонадонига бориш насиб этди. Бизни адибнинг умр йўлдоши Манзурахон ая очиқ чеҳра билан кутиб олдилар.

МАНЗУРАХОН АЯНИНГ ҲИКОЯЛАРИ

– *Ассалому алайкум, Манзура ая...*

– Ваалайкум ассалом. Саломат бўлинг, қизим.

– *Манзура ая, сиз билан дилдан суҳбатлашсак нима дейсиз?*

– Жуда яхши-да. Фақат олдингиздан ўтиб қўймоқчиман. Мен гапга унча уста эмасман.

– *Сиз шундайлигича, оддийлигингиз учун ҳам суюкли бека бўлгансиз.*

– Раҳмат...

– *Айни дамда нималар хаёлингиздан ўтаяпти?*

– Ҳамид ака билан жуда ёш турмуш қурганмиз. Тўйимиз бўлганда мен 18 ёшда бўлсам, улар 19 ёшда эдилар. Уларнинг оталари бўлмаган, менинг онам бўлмаган. Ишқилиб, тақдир экан, тўйимиз бўлган. Ўшанда 1938 йилнинг 6 октябри эди. Ҳозир 2006 йил. Тўйимиз бўлганига яқинда 68 йил тўлади. Мен улар билан 67 йил бирга яшабман. Шу йиллар давомида олти фарзанд кўрдик. Болаларимдан иккитаси оламдан ўтган. Ҳозир икки ўғил, икки қизим бор. Оллоҳга шукур, набирали, эваралиман.

– *Манзура аяжон, ҳаётнинг турли сўқмоқлари бўлади. Сизнинг ҳаётингизда ҳам...*

– Ҳаётимдан мамнунман. Жуда бахтли бўлганман улар билан. Оналари... қайнонам жуда меҳрибон аёл эдилар. Менга оналик қилганлар. Онасизлигимни билдирмаганлар.

– *Сўраганинг айби йўқ, қачон танишгансизлар?*

– Тўғриси, сиз менинг ёшлигимни, аниқроғи, 15 ёшлиқ қизалоқлик чоғимни эсга туширдингиз... бизларнинг танишганимиз тарихи қизиқ.

Менинг амаким бўлардилар. Абдуқодир дўппидўз. Шу амакимнинг Абдулфориҳ ўғиллари бўлган. Шу Абдулфориҳ акам билан адаси ўртоқ эканлар. Ўша пайтда рабфақда ўқир эдилар.

Аниқ эсимда бор. 1935 йилнинг кузи эди. Абдулфориҳ акам Ҳамид акани уйга таклиф қилганлар. Иккаласи гаплашиб ўтиришганда мен тасодифан кириб қолганман. Ўшанда мен педтехникумга кирмоқчи эдим-да, ариза ёзиб беринг, деб қоғоз ва қалам билан амакимнинг ўғлининг олдиларига кирганман.

Олдиларида ширингина бўлиб ўтирган эканлар. Шу пайт нима бўлдию, амаким Абдулфориҳ акамни чақириб қолди. У киши чиқиб кетгач, иккаламиз қолдик.

Менга керакли аризани Ҳамид ака ёзиб берганлар. Ўша менинг илк танишувим эди. Ўшанда уларга меҳрим тушиб қолган.

– *Демак, ўша илк учрашув муҳаббатга, муҳаббат эса садоқатга айланибди-да, аяжон?*

– Тўғри. Шунақа деса ҳам бўлади.

– *Биз куни кеча Собир Раҳимов туманининг Мевазор маҳалласида жойлашган “Жайрон” номли мактабгача тарбия муассасасида бўлдик. Болакайларнинг қувончларига шерик бўлдик. Боғча мудираси Маҳмуда Фаниева маҳалла аҳлининг раҳматини айтди...*

– Шу уйимда жудаям кўп меҳмон кутганман. Украинадан, Болгариядан, Ҳиндистондан... эҳ-ҳе... қанча меҳмонларни кутганмиз.

– *Меҳмонларни қандай таомлар билан сийлардингиз?*

– Қайнонам раҳматлик тандирда патир ва сомса ёпардилар. Мен стол тузатардим. Ҳар хил ширинликлар пиширардим. У пайтда болаларим катта бўлиб қолишганди, шунинг учун меҳмон кутишдан сира чарчамасдим. Болаларим ёрдам беришарди.

Константин Симоновни жуда яхши эслайман. Кўп келарди хонадонимизга.

– *Меҳмон кутиш яхши, аммо юрт кезиш ҳам, саёҳатга бориш ҳам завқли албатта...*

– Тўғри. Мен Ҳамид ака туфайли жуда кўп юрт кўрдим. Агар сизга айтсам... бутун Европани айланганмиз десам, ёлгон бўлмайди.

– *Демак, хорижда ҳам бўлгансиз?*

– Европага биринчи йўл очилганда, кўп рус ёзувчилари қаторида Ҳамид Фуломга ҳам йўлланма беришган. Мени олиб кетганлар. Москвадан Одессага борганмиз. У ердан “Победа” теплоходига тушиб, Болгарияга борганмиз. Ундан кейин Греция, Италия, Париж, Голландияга, сўнг Швецияга ўтганмиз. Швециядан Ленинградга бориб, Ленинграддан Москвага, Москвадан Тошкентга қайтиб келганмиз.

– *Аяжон, демак, Ҳамид Фулом ҳамиша хаёлингиздалар-да?*

– Бўлмасам-чи... ҳамиша хаёлимдалар... мана китоблари. Алишер, Шерзод деган ўғилларим бор. Дилшода, Гулшода исмли қизларим бор. Дилсўз ва Раънохондай зукко келинларим бор. Тўққиз нафар набиранинг, ўн нафар эваранинг бувисиман. Демак, Ҳамид Фулом барҳаёт. Зурриёдлари томирида қонлари оқиб турибди.

– *Майли, аяжон, соғ-саломат бўлинг. Сиз борки, хонадон нурафшон.*

Халқимиз севган ёзувчи Ҳамид Фуломнинг чироқлари ҳеч қачон ўчмайди.



Ҳикоят Маҳмудова, таржимон

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Бир куни хонада ишлаб ўтирганимда котиба кириб:

– Ҳикоят опа, сизни директор йўқлаптилар, — деди.

Мен қилаётган ишимни бир четга йиғиштириб директор қабулига ошиқдим. Кабинетга кириб борганимда Ҳамид Убайдуллаевич илиқ қарши олиб, аввал соғлигим, уй аъзоларим, кейин нима иш билан машғуллимни суриштирдилар. Ҳамма саволларига қониқарли жавоб олдилар шекилли, сўнг:

– Қизим, мен янги бир асар бошлагандим, шуни биринчи ўқувчиси ҳам, муҳаррири ҳам ўзинг бўласан. Машинкада теришга бергандим, тайёр қисмини пешма-пеш олиб тайёрлайверасан. Шу нарсани илтимос қилмоқчи эдим, агар малол келмаса, — деб қандайдир маъюслик билан гапирдилар.

Негадир бирдан хаёлимга асар ўғиллари Фарҳодга — яқинда бевақт завоқ топган ўғилларига бағишланган бўлса керак деб ўйлаб, ўйимни тилимга чиқардим:

– Романингиз Фарҳодга бағишланганми?

Ҳамид Убайдуллаевич маъюс бош қимирлатиб, гапимни тасдиқладилар:

– Ўғлимнинг орамизда йўқлигига ҳечам кўниколмаяпман, мен-ку эркак киши, иш, ижод билан ўзимни овутаяпман, лекин онасига тўзим берсин, унинг иши қийин, — деб синиқ жилмайдилар. — Шу десанг ўғлим, дилбандимга бағишлаб янги асар бошладим. Шитоб битирмасам, кечасио кундузи кўнимим бўлмапти. Бу ерда, — деб бошларига ишора қилдилар, — пишиб етилиб бўлди. Фақат қоғозга туширишда бир кеча-кундуз камлик қиляпти-да. Ўқиб, фикрингни айтарсан.

Шу кундан бошлаб янги «Мангулик» романининг илк ўқувчиси бўла бошладим, адабиётшунос Пирмат Шермухамедов билан ҳар куни машинкадан чиққан парчаларни ўқиб бордик.

Ҳамид Фуломнинг «Мангулик» романи кенг жамоатчилик томонидан жуда яхши кутиб олинди, давлат мукофотларига сазовор бўлди. Бу асар ҳаммининг назарида ёзувчининг сеvimли ўғли Фарҳодга қўйилган китобий ҳайкал бўлди.

Бағри кенг, саховатли, меҳри дарё Ҳамид Фулом раҳбарлигида Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ўн бир йил ишладим. Бу даврда нашриётда чинакам ижодий муҳит ҳукмрон эди. Ҳали мушоира, ҳали таниқли санъаткорлар — Тамарахоним, Мукаррамахоним, Ҳалимахоним билан учрашувлар, концертлар, ҳали бутун дунёдан ташриф буюрган адабиёт намоянадалари иштирокидаги лирика кечалари... Эҳ-ҳе буларни таърифлашга тил ожиз. Шу ишларнинг ташаббускори ҳар доим Ҳамид Фулом бўлардилар.

Ёшларга ғамхўр устоз, кексаларнинг иззатини жойига қўювчи ҳам Ҳамид Фулом!

Мен аслида устознинг ўғиллари Шерзод билан ТошДУнинг журналистика факультетида бирга таҳсил олганман. Бир куни Шерзод туғилган кунини нишонлаш учун бизларни уйига таклиф қилди. Уларнинг Олмазор кўчасидаги уйларига бордик. Биз Ҳамид Фулом ва рафиқалари Манзура ая билан танишдик. Ўша вақтда Ҳамид Фулом Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида котиб бўлиб ишлардилар. Улар биз билан танишганларидан хурсанд эканликларини, бемалол ўйнаб-кулиб дам олишимиз мумкинлигини, шу топда Фафур Фулом йўқлатаётганлигини айтиб бизлардан узр сўрадилар.

Биз баҳузур хушчақчақлик қилиб, кейин тарқалишдик.

Эртасига ўқишга келганимизда Шерзод, «дадам яна сизлардан узр сўрадилар, кейин курсдошларингни олиб боргин деб, Фафур Фулом юбилейига таклифнома бериб юбордилар», деб ҳаммамизга таклифнома тарқатди. Ўшанда буюк аллома Фафур Фуломнинг 60 йиллик юбилеи кенг нишонланмоқда эди. Биз шу тариқа шоир Фафур Фуломнинг юбилеи нишонланадиган маҳобатли Алишер Навоий номидаги Катта Академик театрига борганмиз.

Буларни эслашимнинг сабаби, биз шу баҳонада бутун дунёдан келган шоиру ёзувчилар, санъаткорларни кўришга, уларнинг сўзларини эшитишга мушарраф бўлганмиз. Бўлғуси журналист, ношир, адабиётчилар учун бу катта мактаб бўлганди. Бу эсдаликларнинг бари ҳозирги кунда мангуликка дахлдор бўлиб қолди.

Ҳамид Фулом ёшларга доим ишонч билдириб, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб турардилар. Уларнинг ютуғидан қувониб, камчиликларини ўз вақтида тuzатишга ёрдам берардилар. Кўпроқ ўқиб-ўрганишга, дунё адабиётини билишга ундардилар.

Яна шуни таъкидламоқчиманки, устоз кейинги даврда ёзган асарларининг таҳририни ҳам менга ишониб топширадилар. Уларнинг ишончларини баҳоли қудрат оқлашга интилардим.

Устозимиз тирикликларидаёқ ёзган асарлари, қилган савобли ишлари билан ўзларини мангуликка дахлдор қилиб кетгандилар.

Охиратлари обод бўлсин!



Қамбар Ота, шоир

САХОВАТЛИ УЙҒОҚ ҚАЛБ

Таниқли ижодкор Ҳамид Фуломни талабалик даврим — 60-йиллардан бери яхши биламан. Мен у пайтда Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг филология факультетида ўқирдим. Турли нашрларда машқларим чиқиб турарди. Фақат менгина эмас, мен тенги кўплаб талабалар таниқли ижодкорларни шахсан кўришга иштиёқманд эдик.

Бир куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилоят бўлимига борсам, унинг котиби шоир Душан Файзий билан барваста, сочлари силлиқ таралган, истараси иссиқ одам суҳбатлашиб ўтирган экан. Босиқлик билан ҳар бир сўзини дона-дона қилиб гапираётган бу инсоннинг кимлигини билмасданоқ ҳавас билан термилиб, “Ана шоиру мана шоир”, дедим ичимда. Сезгиларим алдамабди...

Аслида бу ижодкорни асарлари орқали яхши билсам-да, ўзини кўрмаган эдим.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг котиби Ҳамид Фуломни илк бор кўрганимдан қувониб кетдим. Ичида орзулари тўлиб-тошган ташаббускор, ишлаб чарчамайдиган инсон эканлиги бутун вужудидан сезилиб турарди. Кейинчалик иш юзасидан ё бирон-бир муносабат билан Самарқандга келиб турадиган бўлди. Шу орада “Машғал” романининг биринчи китоби мухлислар тилига тушди.

Туркум балладаларни ўз ичига олган “Қитъалар уйғоқ” назмий китоби ўша даврда сиёсий лирикага қўшилган катта ҳисса бўлди. Университет талабаларининг пешқадам ижодкор билан учрашувлари ҳақиқий адабиёт байрамига айланди. Кейинчалик шоир Ҳамид Фуломнинг ташаббуси билан бўлса керак, эл севган бошқа ёзувчи ва шоирлар вақти-вақти билан учрашувларга ташриф буюришарди.

Сўз устаси, ҳақиқий нотик Ҳамид Фуломнинг гапириш услуби, шеър ўқиш техникаси ёшларни ўзига жалб этганди.

Ҳамид ака ўз даврининг фидойи кишиси сифатида халққа нафи тегадиган жамоат ишларига, бадий ижодга тенг меҳр қўйганди. Идора-бошқарув ишларини олиб боришда тенгсиз эди. Ўзининг ҳалоллиги, ўзгалар манфаатини ўйлаб иш тутиши билан тезда қўпчиликнинг ҳурматини қозона оларди. Айниқса, буни “Шарқ юлдузи” журнали ва Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига раҳбарлик қилган даврлардаги кенг кўламдаги фаолиятидан аниқ сезиш мумкин эди. Кекса ижодкорларни ҳақиқий адабиёт намуналарини яратишдаги ҳалол хизматига, ёшларни истеъдодига қараб эъзозларди. У киши нашриётга раҳбарлик қилган йиллари топширган қўлёзмамнинг тақдирини суриштиргани шеърият бўлимига бордим. Бўлим муҳаррирлари “Ёшлик сурури” деган тўпламга шахсан Ҳамид аканинг ўзлари шеърларимни саралаб киритиб, шаънимга илиқ муносабат билдирганини айтишди.

Кириб: “Эътиборингиз учун раҳмат”, деб миннатдорчилик изҳор қилдим. Навбатдаги тўпламимнинг чиқиши пайсалга солинаётганини ҳам эслатишим билан тезда шеърият бўлими мударини ҳузурига чорлаб, сабабини аниқлагач: “Китобни шу йилнинг ўзидаёқ менинг ҳисобимдан тайёрланглар, китобга Абдулла Ориповни жамоатчилик асосида муҳаррирлик қилишига кўндириглар”, деди. Китоб бош муҳарририятнинг ҳам эътирофига сазовор бўлиб, тез орада ёруғлик кўрди.

1975 йилнинг ёзида устозга Тошкентга кўчиб келиш ниятим борлигини айтдим. “Яхши, шаҳарга рўйхатдан ўтишинг билан ўзимга келавер, нашриётдан жой ҳозирлаб қўяман”, деди Ҳамид ака.

Ишга жойлашгач, оиламни кўчириб келгунга қадар, олти ойлар чамаси Самарқанддан Тошкентга қатнаб ишлаб юрдим.

Нашриёт ходимларининг ҳар бирининг ҳолатини яхши тушунадиган сезгир раҳбар эди. Ҳафта сайин уйга қатнаб юрганимдан хабардор бўлиб бир куни: “Ҳисобхонага кириб, сафар варақасини тўлдир, қўл қўйиб бераман. Самарқандга боргач, кутубхоналарга кириб, чиқарган китобларимиз қандай ўқиладиганини аниқла, бу нашриётга ҳам, ўзингга ҳам фойда”, деди. Устознинг ҳар бир ходимга зарур пайтида билиб ёрдам қилишига, одамгарчилигига кўплар тан беришарди.

Ҳамид Фулом фикр доираси кенг, олам кезиб, дунё кўрган ижодкор эди. Осиё, Африка, Европа ва Лотин Америкасидаги кўплаб мамлакатларда бўлиб, жаҳонга машҳур, йирик ижодкорлардан дўстлар орттирганди. Қачон қараманг, ишхонасида ҳам меҳмон қабул қилиб, ишдан кейин уйида меҳмондорчиликни давом эттириб, дилбар суҳбатлар қурганига гувоҳ бўлганман. Эзгу ниятлар ижодкори Ҳамид аканинг умр йўлдоши Манзура опа доим очиқ чехра билан дастурхон тузатиб саховат кўрсатарди. Бу латофатли, меҳрибон инсонга бағишланган туркум шеърлари Ҳамид аканинг қалбидан жўш уриб чиққанди.

Ҳамид Фулом ўз даврининг фаол ижодкори бўлиб, гоёларига, ишига, ижод дўстларига ва шогирдларига меҳрибон ва садоқатли эди. У жуда кўп сафарларда бўлиб, қайтишда самолётдан тушиб тўппа-тўғри телевидение ёки радиога келибоқ сафарда кўрганларини экран ёки эфир орқали сўзлаб, халқ билан баҳам кўрарди, орадан бир кун ҳам ўтар-ўтмай бирон-бир газетада публицистик мақоласи чиқиб турарди.

Эртадан-кечгача тиғиз иш билан банд бўлган таниқли жамоат арбоби Ҳамид Фуломнинг шунчалик самарали ижод қилганлиги ҳайратланарлидир. У ёрқин шеърлар, жозибали дostonлар, ёқимли, дилбар кўшиқлар, ҳаётий ва ҳаққоний ҳикоялар, очерклар, бадиий публицистик мақолалар, давр руҳи борича акс этган пьесалар, назмий ва насрий таржималар ва, ниҳоят, залворли романлар ижод этган. Булар гапиришга осон. Буларни ўйласам, туну кун бедорликда ўз дунёсини яратган, эзгулигини кашф қилган бир умр уйғоқ қалб эгаси кўз олдимга келади.



Роза Аvezжанова,
Тошкент шаҳар Миробод тумани
Ш.Рашидов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**МЕН ҲАМИД АКА БИЛАН УЧРАШИШ, УНИНГ
СЎЗЛАРИНИ ТИНГЛАШ БАХТИГА МУЯССАР
БЎЛГАНМАН**

1978 йил ноябрь ойида мен Чимкент кўчасидаги янги тўрт қаватли уйга кўчиб ўтдим. Уй жуда шинам, кўшниларимиз эса самимий, зиёли инсонлар эди. Кунларнинг бирида мен ҳовлида чиройли, сочлари оппоқ бир кишини учратиб қолдим. Унинг нурли чеҳраси менга жуда иссиқ кўринди, уни қайдадир кўргандим.

Уйга кирганимда ёдимга тушди. У мамлакатимизда ҳурматли инсонлардан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом эди.

Кейинроқ, шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган Ш.Рашидов номли маҳалла фаолларидан бири, хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида фаолият олиб бораётганимда мен бу ажойиб инсонни яқиндан танидим.

Ҳамид ака маҳалламиз ташкилотчиларидан бири эдилар ва унинг равнақи учун кўп меҳнатлари сингганди.

Ҳамид ака нафақада бўла туриб ҳам катта жамоатчилик ишларини олиб борар, маҳалланинг турли муаммоларини ҳал этишда ёрдам берардилар. Таъбир жоиз бўлса, маҳалламизнинг норасмий етакчиси, жонкуяри, оқил ва фозил оқсоқоли эдилар.

Ҳамид аканинг ҳайратомуз бир хислатлари бор эди. У киши ҳаётда бошқаларнинг кўзи илғамаган, кўрмаган жараёнлар, иллатларни дарҳол пайқаб олар, гўёки замондан илгари борардилар.

Теран тафаккур, туғма истеъдод, одамлар билан муомала қилиш салоҳияти Ҳамид акани чин маънода Халқ ёзувчиси, бутун умрини она халқига бахшида этган содиқ фарзанд этди.

Бугун Ҳамид ака орамизда йўқлар. Лекин уларнинг давомчилари — фарзандлари, неваралари бор. Улуғ шоир ҳаёти

уларда давом этмоқда. Демак, у ёққан чироқлар шуъла сочиб турибди.

Ҳамид ака сингари инсонлар ер юзида кўп бўлсин ва шунда ҳаёт янада гўзалроқ ва ёрқинроқ бўлади. Биз барчамиз ҳам инсон яхшилиқ қилиш ва гўзаллик яратиш учун дунёга келишини доим ёдда тутишимиз лозим.

Ҳамид ака айнан ана шундай мўътабар инсон эдилар.



МУНДАРИЖА

<i>Ғафур Ғулом. Азизим укам Мулло Абдулҳамидга</i>	3
<i>Лазиз Азиззода. Иним Ҳамиджонга</i>	4
<i>Абдулла Орипов. Ҳамид Ғулом портретига чизгилар</i>	5
<i>Саид Аҳмад. Қалбларни сеҳрлаган шоир</i>	8
<i>Эркин Воҳидов. Юлдузи ёруғ инсон</i>	11
<i>Шухрат. Муҳтарам Ҳамид Убайдуллаевич!</i>	13
<i>Рамз Бобожон. Атоқли адиб, бебаҳо инсон</i>	15
<i>Иброҳим Раҳим. Ўз замонининг куйчиси</i>	22
<i>Шукрулло. Кўнглида яхшилик эди</i>	24
<i>Назармат. Йўллардаги гуллар</i>	28
<i>Жуманиёз Жабборов. Ижод кўлами</i>	33
<i>Барот Бойқобилов. Шоирга ўлим йўқ</i>	37
<i>Мақсуд Қориев. Уни унутиб бўлармиди...</i>	39
<i>Николай Грибачев. Ҳамид Ғулом ва унинг “Мангулик”</i> китоби ҳақида	43
<i>Муҳаммад Али. Ижодкор умри</i>	45
<i>Жонрид Абдуллахонов. Сўз қудрати</i>	48
<i>Носир Ғозилов. Таъзим</i>	55
<i>Зиёд Есенбоев. Тиниб-тинчимас Ҳамид</i>	60
<i>Ойдин Ҳожиева. Бинафша атри</i>	62
<i>Ҳафиз Абдусаматов. Серқирра ижодкор</i>	66
<i>Александр Файнберг. Ҳамид</i>	71
<i>Наим Каримов. Ҳавас ва армон</i>	73
<i>Иброҳим Ғафуров. Хайрихоҳ инсон ва адиб</i>	78
<i>Ҳабиб Саъдулла. Адиб ибрати</i>	82
<i>Омон Мухтор. Соат санадим. Соат...</i>	90
<i>Абдулла Аъзамов. Носир Ғозилов кашфиёти</i>	94
<i>Владимир Тюриков. Ноёб истеъдод</i>	95
<i>Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Салобатли сиймо</i>	98

<i>Умарали Норматов. Жўшқин ҳаёт ва ижод соҳиби</i>	104
<i>Чжан Цзе. “Мангулик” романи ва унинг муаллифи</i>	106
<i>Эркин Самандар. Қуёшга яқин...</i>	109
<i>Йўлдош Сулаймон. Шоир олами</i>	115
<i>Сайдулла Мирзаев. Кўҳна юртни севар эди у</i>	117
<i>Фрунзе Жўраев. Инсон қалбининг муҳандиси</i>	120
<i>Азим Суюн. Нажоткор устоз</i>	123
<i>Мирпўлат Мирзо. Ноёб фазилат соҳиби</i>	126
<i>Олмос. Адамнинг сеvimли “укалари”</i>	128
<i>Комил Аваз. Чилдирма ичига ёзилган мухаммас</i>	133
<i>Пирмат Шермуҳамедов. Устознинг «Уй дафтари...»</i>	137
<i>Назира Жўраева. Ишбилармон ижодкор</i>	140
<i>Ҳафизахон Ҳайитметова. Вафонинг узун йўли</i>	143
<i>Ҳикоят Маҳмудова. Мангуликка дахлдор</i>	150
<i>Қамбар Ота. Саховатли уйғоқ қалб</i>	153
<i>Роза Авежжанова. Мен Ҳамид ака билан учрашиш, унинг сўзларини тинглаш бахтига муяссар бўлганман</i>	156

Адабий-бадиий нашр

**ҲАМИД ҒУЛОМ
ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА**

Муҳаррир *Ҳикоят Маҳмудова*
Мусаввирлар: *Николай Попов, Рустам Зуфаров*
Бадиий муҳаррир *Анатолий Бобров*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусахҳиҳ *Доно Тўйчиева*
Компьютерда териб, саҳифаловчи *Зарифа Маннопова*

ИБ № 4505

Босишга 10.04.07 да рухсат этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 9,40 шартли босма тобоқ.
12,5 нашр тобоғи. Жами ... нусха. 52–2007 рақамли шартнома.
рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.
100128. Тошкент. Усмон Юсупов кўчаси, 86.